РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК:
ББК 65.5

Р 32 **Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари // [Монография].** – Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi». 172 бет.

ISBN 978–9943–6975–5–3

Монографияда жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнида мамлакатлар рақобатбардошлигини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари, рақамли иқтисодиётнинг назарий масаллари, мазмуни ва мақсади, уни ривожлантиришнинг объектив зарурлиги, рақамли иқтисодиёт орқали яширин иқтисодиётнинг йўли тўсиш билан боғлиқ масалалар, бу борадаги хорижий тажрибалар қараб чиқилган. Шунингдек, унда рақамли иқтисодиётнинг айрим йўналишлари ва уларни таҳлил қилиш муаммолари, валютани тартибга солишдаги имкониятлари ва аҳамияти, рақамли таълим самарадорлиги ва сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, мамлакатимизда коммунал хизматларни рақамлаштириш масалалари, рақамли иқтисодиётни амалиётда фойдаланиш бўйича Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари ҳам ёритилган.

Монография илмий изланувчилар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар, магистрлар ва талабаларга мўлжалланган. Ундан инновацион ва рақамли иқтисодиёт масалаларига қизиқувчи соҳа мутахассислари ва кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

И.ф.д., профессор М.Қ. Пардаевнинг умумий таҳрири остида

Муаллифлар:
М.Қ.ПАРДАЕВ, Қ.Х.АБДУРАХМАНОВ, М.А.МАҲКАМОВА, О.М.ПАРДАЕВ, С.А.БАБАНАЗАРОВА

Тақризчилар: М.М.Муҳаммедов – и.ф.д, профессор, (СамИСИ);
Н.Арабов – и.ф.д, профессор, (СамДУ).

ISBN 978–9943–6975–5–3

© М.Қ.Пардаев, Қ.Х.Абдурахманов, М.А.Маҳкамова ва бошқалар, 2021.
© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» 2021.

КИРИШ

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Юртимиз "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор[1]. Шу туфайли, Келгусида грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари кўламини кенгайтириш лозим. Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак[2]. Аммо бу борада ҳали анча камчиликларимиз мавжуд. "Яна бир жиддий камчилик шуки, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилмаяпти"[3].

Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **"Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастурини** ишлаб чиқишни икки ой муддатда

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// "Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 25 январь. 1-4 бетлар

[2] Ўша жойда.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрда қилинган Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси 2020 йил 30 декабрь. – 1-4 бетлар.

якунлаш лозим[4]. Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бош-қош бўлиши учун ҳукуматда – Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса – алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади.

Парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориши лозим[5].

Шунингдек, “яширин иқтисодиёт” улуши юқори бўлган алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш учун товарларни рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу тизим келгусида фармацевтика маҳсулотлари учун ҳам қўлланилади. Вазирлар Маҳкамаси қиймати 200 миллион доллар бўлган, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу “рақамли маркировка ва онлайн касса” лойиҳасини алоҳида назоратга олсин[6].

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 1-4 бетлар.
[5] Ўша жойда.
[6] Ўша жойда.

I боб. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛЛАРИ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1.1. Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг объектив зарурлиги

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш борасида бир қанча чора-тадбирлар кўрилди ва кўрилмоқда. Булар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сон қарори, 2018 йил 21 ноябрдаги "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4022-сон қарори, 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонларини киритиш мумкин.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳақидаги амалга оширилаётган тегишли чора-тадбирларни турли кишилар турлича қабул қилиб, турлича талқин қилмоқда. Ҳозирги кунда одамлар орасида рақамли иқтисодиёт кимга ва нима учун керак, нима мақсадда ташкил қилинмоқда деган саволларга жавоб ахтараётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ушбу саволга жавоб бериш учун, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг "Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ" асарида келтирилган "Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади"[7] деган ҳадисни келтирилганлигига алоҳида аҳамият беришни истар эдик. Ҳамиша холис ният яхшиликларга олиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизда бунга амал қилиниб келинмоқда. Шу туфайли холис ният қилиб, 2018 йилга "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилган эди. Мазкур йилда мамлакат ва ҳудудлар кесимида давлат дастури

[7] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

тузилди ва улар асосан бажарилди. Бунга алоҳида тўхталиб, мазкур дастур бўйича “21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширилганлигини алоҳида таъкидланган[8]. Жорий йилда ҳам яхши ният билан 2018 йилда бошлаган ишларимизни мантиқий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида, “2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном бериш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур”[9], деб кўрсатиб ўтди. Рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим жиҳати, иқтисодиётни сохталаштириш имконияти чекланади. Бу жуда кўп ижобий ишларни амалга ошириш учун асос бўлади:

- иқтисодиётда коррупция кескин қисқаради ва унинг олди олинади;

- маълум маънода иқтисодиёт соҳасида тартиб-интизом ўрнатилади ва мутасадди ходимларнинг масъулияти ошади;

- иқтисодиётда ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ва бошқа макро ва микро иқтисодиёт кўрсаткичларининг реал ҳажмини аниқлаш имконияти яратилади;

- иқтисодиётда нореал рақамларнинг иштирокига барҳам берилади ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам яратилади.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир муҳим жиҳати, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлилларга таянган ҳолда “ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради”[10], деб таъкидланган. Шунинг учун Ҳукуматга рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бу борада

[8] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

[9]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

[10] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳам алоҳида уқтирилган.

Мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланган 2019 йилда иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган аниқ вазифаларни ҳам белгилаб берди. Шу йилда ҳам олдинги йилларда амалга ошириладиган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилади. Буларни амалга ошириш бўйича жуда катта Давлат дастури тузилди ва уларни бажариш масаласи ҳар бир ҳудуд бўйича тизимли равишда амалга оширилмоқда. Шу йилда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган:

“– очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

– иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

– иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

– “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;

– валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

– иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш”[11] масалалари устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Ушбу вазифаларни бажариш борасида амалга оширадиган ишларимиз рақамли иқтисодиётниг кимга ва нима учун керак, деган саволга жавоб бўлади. Буларга эришиш учун ҳам асосан рақамли иқтисодиётга ўтиш масаласи муҳим бўлиб турибди. Жумладан, очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш учун ҳам биринчи галда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш лозим.

Иккинчи вазифа, яъни иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш масаласи ҳам бевосита юқоридаги

[11] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

рақамли иқтисодиётни жорий қилишни тақозо қилади. Зеро, рақамли иқтисодиёт жорий қилинса давлатнинг иштироки ўз-ўзидан камайиб бораверади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳам жуда кўп омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Улардан бири айнан рақамли иқтисодиёт бўлиб ҳисобланади. Мазкур иқтисодиёт шароитида таъминланган интизом, албатта иқтисодиётни модернизация қилиш учун тегишли шароит яратади. Ушбу масала уни диверсификация қилиш учун ҳам қўл келади. Меҳнат унумдорлигининг оширилиши ҳам юқоридаги модернизациянинг ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш учун ҳам рақамли иқтисодиётни жорий қилишни тақозо қилади. Чунки, рақамли иқтисодиёт шароитида уни сахталаштиришнинг имконияти чекланган бўлади. Шу туфайли ушбу иқтисодиётни жорий қилишнинг аҳамияти беқиёс. Булардан ҳам кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиётни жорий қилиш тадбиркор учун ҳам, давлат учун ҳам, жамият учун ҳам, мулкдор учун ҳам жуда керак экан. Чунки ушбу иқтисодиёт уларнинг манфаатларига мутаносиб равишда мос келади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уни модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида жуда кўп дастурлар ишлаб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда..

Бугунги кунда валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Чунки, Ўзбекистонда валюта либерализациясидан кейин бирмунча вазият ўзгарди ва анча енгилликлар яратилди. Аммо ҳамон бу борада яшириш иқтисодиёт ва қора бозорнинг аломатлари сақланиб қолаётганлиги ҳам сир эмас. Буларни бартараф қилиш учун ҳам рақамли иқтисодиёт маълум даражада хизмат қилади..

Яна бир муҳим масала, иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқариш учун, уни амалга оширишга

қодир бўлган малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам ўта долзарб муаммолардан биридир. Кадрлар малакали бўлиш билан бирга, диёнатли, инсофли, бировнинг, давлатнинг ҳаққидан, жиноят ва хиёнат қилишдан қўрқадиган маънавиятга эга мукаммал инсон бўлишлари лозим. Бундай кадрларни тайёрлаш масаласи бугунги кунда катта ташкилил-ҳуқуқий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг жорий қилиниши уни ифодаловчи кўрсаткичларнинг аниқ ва реаллигини, сохта рақамларнинг бартараф бўлганлигини, иқтисодиётдан манфаатдор субъектларнинг (давлатдан тортиб қуйидаги корхоналар, ҳатто шахсий тадбиркорларгача) бир хил манфаатдорлигини таъминлайди.

1.2. Рақамли иқтисодиётнинг мазмуни, мақсади ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш объектив зарурият бўлиб қолди. Буни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш масаласида бир қанча устувор вазифаларни белгилаб берди. Булар эса ўз навбатида, рақамли мамлакатни шакллантиришни тақозо қилади. Ушбу мақсадда мамлакатимиз раҳбари **2030 йилгача «Рақамли Ўзбекистон» ривожланиш концепциясини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилган эди.** Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида яна бир бор баён этилди ва **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини** ишлаб чиқиш”[12] вазифаси юклатилди. Мамлакатимизда бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда ва барча соҳаларга рақамли иқтисодиётни киритиш босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган. Одатдагидек, юртимиз олимлари ҳам ушбу

[12] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

йўналиш бўйича тегишли тарзда илмий-тадқиқот ишларини олиб бомоқдалар.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш ва уни мамлакатимиз амалиётига жорий қилиш масаласи бугун пайдо бўлган эмас. Бу масала босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори, 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон қарори, 2018 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Ҳозирги кунда "Блокчейн" технологиялари, яъни маълумотларнинг блоклар занжири бўйича тақсимланган реестри технологиялари, "сунъий ақл", суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири крипто-активлар бўйича фаолиятни юритиш ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт технологиялари нафақат иқтисодиёт секторларига, балки давлат бошқаруви тизимига ва бошқа жамоатчилик муносабатларига ҳам аста-секин жорий этилмоқда. 2017 йилдан буён давлат бошқарувида “Электрон ҳукумат” тизими амалга оширилмоқда. Хуллас, мамлакатимиз келажаги албатта рақамли иқтисодиёт бўлади.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланишида блокчейн технологиясининг аҳамияти катта. Ушбу технология ҳаётимизнинг барча жабҳаларида (моддий ишлаб чиқариш, молиявий муносабатлар, ижтимоий ҳаётда, ҳатто санъат ва маданий ҳаётида ҳам) қўлланилади. Бунинг шакли қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Блокчейн технологияси рақамли иқтисодиёт орқали ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасига кириб келади. Буларнинг ҳаммаси бугунги кундла барча соҳалар сингари банкларда ҳам амалга ошириш масаласини устувор қилиб белгилаган. Банкларда рақмли иқтисодиётнинг нималигини тушуниш учун, умуман ушбу янги тушунчанинг нималигини билиш учун, ушбу масалани назарий

жиҳатдан ўрганиб, биринчи галда унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади.



1-расм. Блокчейн технологиясининг кўриниши[13]

Тадқиқотларимиз натижасида мазкур тушунчанинг таърифини ишлаб чиқдик ва уни қуйидагича ифодалашни тавсия қилдик. **Рақамли иқтисодиёт деганда, рақамли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган ва электрон тижорат орқали тақсимланадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизими тушунилади.** Албатта ушбу таъриф рақамли иқтисодиётнинг амалиётга жорий қилиниши, унинг нафақат иқтисодий, балки бутун ижтимоий ҳаётни қамраб олиши билан ушбу таъриф ҳам такомиллашиши мумкин.

Энди ҳар бир жараённи жорий қилишдан бирорта мақсад бўлади. Худди шундай рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ҳам шунчаки иш бўлмасдан, унинг ҳам мақсади бор. Бу, бизнинг фикримизча **рақамли иқтисодиётни жорий қилишдан мақсад** қуйидагилардан иборат:

[13] Евгений Щербань **Что такое блокчейн, и как это работает. Простыми словами о технологии, на которой построен биткоин.** Follow/ Jul 20, 2017 · 3 min read

- мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришни инновацион омиллар натижасида кўпайтириш;
- иқтисодий-ижтимоий ҳаётда, шу жумладан, банк тизимида ҳам коррупцияни кескин камайтириш;
- рақамли иқтисодиётнинг жуда катта имкониятларидан фойдаланиб, унинг натижасини сохталаштириш мумкин бўлмайдиган реал иқтисодиётни шакллантириш;
- яширин иқтисодиётга барҳам бериш;
- жамиятда коррупция ва яширин иқтисодиёт элементларига барҳам бериш орқали адолатли жамиятни шакллантириш;
- иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга инновацион омилларни жорий қилиш эвагига аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш;
- мамлакат ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини реал баҳолаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш кабилар**.**

Рақамли иқтисодиётни жорий қилишдан мақсадидан кўриниб турибдики, агар у жамиятимизда ўз тасдиғини топиб, тўлиқ жорий қилинса, бунинг жуда кўп ижобий томонларини кўриш мумкин. Шу билан бирга шуни алоҳида қайд этиш жоизка, рақамли иқтисодиёт ҳам бошқа унсурлар сингари ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий томонлари бор.

Рақамли иқтисодиётнинг ижобий томонларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга жорий қилиш орқали инсонларнинг вақти, маблағи ва энергияси тежалади. Шу орқали меҳнатнинг тежамкорлигига эришилади. Бунда шуни назарда тутиш жоизки, яратилган маҳсулотнинг таркибида жисмоний меҳнатнинг ҳиссаси камайиб, интеллектуал меҳнатнинг ҳиссаси ортиб боради.

Иккинчидан, уйида туриб дунёнинг исталган жойидан хоҳлаган товарини харид қилиш имконияти яратилади. Лекин бунинг учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида интернет тўлиқ ишлайдиган бўлиши лозим. Бунга тегишли моддий-техник имкониятлар яратилиши лозим. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилмоқда. Аммо интернет тезлиги ҳали талабга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳам ҳақиқат. “Рақамли Ўзбекистон - 2030” дастурини жадаллик билан амалга ошириш лозим бўлмоқда.

Учинчидан, рақамли иқтисодиётнинг муҳим жиҳатларидан бири – ҳозирги шароитда айрим ҳолларда йўл қўйилаётган иқтисодиёт натижаларини сохталаштириш имконияти чекланади. Бунга ахборотлар тўрининг ташкил қилиниши йўл қўймайди. Бу ҳам мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки маънавий муҳитни ҳам ўнглаш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кенг илдиз отган коррупциянинг олди олинади. Бунда ҳам ахборотлар тўрининг ташкил қилиниши айни муддао. Бир марта киритилган ахборотни иккинчи марта ўзгартиришнинг имконияти жуда чекланган бўлади. Бу ҳолат йўқ нарсани бор деб ёки бор нарсани яшириб кўрсатиш учун имкониятни чеклайди. Бундай шароитда адолат қарор топиб боради.

Бешинчидан, бир жойда туриб дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олим имконияти яратилади. Бу жуда катта вақт сарфини тежаш имкониятини яратади. Ахборотларга тез эришиш "вақтнинг тез ўтганлигига" ўхшайди. Аслида вақт ўша-ўша бир суткада 24 соат. Аммо жуда кўп ахборотларни олишга улгурган одам ҳаммасига тез эришгандай бўлади ва бу вақтнинг тезлашганидай руҳиятни уйғотади. Олдинлари бирор хабарни етказиш учун улов билан бирма-бир айтиб чиққан. Аста-секинлик билан уловларнинг такомиллашган ва тез шакли пайдо бўлди. Энди масофадан туриб хабарлар дунёнинг турли бурчакларига етказилмоқда. Бу ҳам инсоният учун жуда катта имконият.

Олтинчидан, одамларда қўшимча маблағ топиш имконияти яратилади. Чунки ахборотлар маълум маънода товарга айланади. Уларни сотиш орқали қўшимча маблағ топиш имконияти туғилади. Масалан, турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган дастурлар, электрон ахборотлар (китоблар, ишланмалар, илмий натижалар каби) ва бошқа маҳсулотларнинг электрон вариантларини сотиш имконияти яратилади. Булардан ташқари жуда кўплаб онлайн савдо шартномалари ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга барча механизмлар сингари **рақамли иқтисодиётнинг ҳам салбий томонлари** ҳам мавжуд. Чунки, ҳар қандай янгилик бирор мавжуд насанинг ўрнинига келади. Табиийки, олдингиси ўз ўрнини бўшатиб беришига мажбур бўлади. Олдинги жараёнда ҳам одамлар фаолият кўрсатаётган, унга мос моддий-техника базаси катта маблағлар эвазига шакллантирилган бўлиши

мумкин. Бу эса рақамли иқтисодиётнинг ҳам айрим салбий жиҳатлари борлигидан далолат беради. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳатто маънавий ҳаётини бошқаришда инсоннинг иштироки камайиб боради. Натижада миллионлаб ходимларнинг иш жойи қисқаради. Бу жараён бир томондан, ижобий ҳолат бўлиши мумкин, одамларнинг бошқа соҳа билан шуғулланиши учун имконият яратилади. Аммо бизда ҳозирча ҳамма бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш имкониятимиз етарлик эмас. Шу жиҳатдан, ҳар бир шахс кўпкасбли мутахассислар бўлишлигини тақозо қилмоқда.

Иккинчидан, инсон иштироки камайган жойда илмнинг, айниқса, шу жараёнда тафаккурнинг ўрни ҳам камайиб боради, чунки ҳамма нарса олдиндан дастурланган ҳолда автоматлаштирилган тарзда бажарилади. Инсоннинг тафаккури, унинг интеллектуал қуввати ушбу жараённи яратгунча сарфланган бўлади. Автомотлаштирилган технология ўрнатилгач битта технология кўплаб кишиларнинг ўрнига бир ўзи ишлайверади. Уни ишлатадиган одам, фақат ишлатишни билса бўлди, ушбу технологиянинг қандай яратилганлигини ва мос равишда бузулиб қолгудек бўлса, уни созлашни ҳам билмаслиги мумкин. Буни созлаш, таъмирлаш учун яна мутахассис жалб қилинади.

Учинчидан, "иқтисодиёт инсонларга хизмат қилиши керак" деган оддий ҳақиқатдан бироз четланилади, чунки одамларнинг ўзлари яратган рақамли иқтисодиёт, уларнинг ўзларини одатдаги фаолиятидан қисиб чиқаради. Натижада инсон билан иқтисодиёт омиллари бир-бирига "қарши" ҳаракат қилгандек, вазият пайдо бўлади. Аслида иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши одамларнинг фақат иш жойини қисқартириш эмас, балки уларнинг бўш вақтини кўпайтириш имкониятларини ҳам яратади. Бўш вақт инсон учун катта бойлик. Шундай шароитда одамлар тегишли тарзда ўзларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётнинг мақсади, жамият тараққиётини "тезлаштириш", бунинг учун иқтисодиётни жадаллик билан ривожлантириб, унинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат бўлса, унинг ижобий томонлари ва салбий жиҳатлари ҳам борлигини инобатга олган ҳолда қарашга тўғри келар экан.

Мамлакатимиз Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорларда қуйидаги тадбирлар рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб ҳисобланиши таъкидланган:

“инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли крипто валюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шакладаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш. суғурталаш. крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек. "блокчейн" технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

"блокчейн” технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

крипто-активлар бўйича фаолият ва "блокчейн" технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун "блокчейн" технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган холда "блокчейн" технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш;

рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида

давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш”[14] вазифалари белгиланган.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда “блокчейн” технологияси, “сунъий ақл”, крипто-активлар, крипто-биржалар, суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланилади. Ушбу тушунчалар қуйидагича изоҳланади (1-жадвал).

1-жадвал

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланиладиган усул ва жараёнларнинг изоҳлари

Т/р	**Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланиладиган усул ва жараёнларнинг номи**	**Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда қўлланиладиган усул ва жараёнларнинг изоҳи**
1.	“Блокчейн” технологияси	Блоклар занжири – блокчаларга бўлинган маълумотлар базаси. Сохталаштириб бўлмайдиган иқтисодиётнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Маълумотлар тизимини вертикал ва горизонтал жойлаштириш мумкин.
2.	“Сунъий ақл”	Тинглаш, эшитиш, кўриш, хотирада сақлаш каби функцияларни инсон иштирокисиз бажарадиган қурилмалар
3.	Крипто-валюталар	Бу криптография (яширин рақамли имзо) технологияга асосланган жисмоний шаклга эга бўлмаган, яширин, марказлашмаган, ҳимоя қилинган рақамли пул ҳисобланади.
4.	Крипто-активлар	Бу криптовалютанинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этадиган, компаниялар ва гуруҳ шахслар томонидан амалга ошириладиган истиқболли лойиҳаларни қўлга киритиш ёки активларни сотиб олиб, уларни капиталлаштириш мақсадида криптоактивларни тавсия қилган эгалари томонидан кафолатланган идентификацияланган рақамли молиявий инструмент бўлиб ҳисобланади.
5.	Крипто-биржалар	Бу барча савдо битимларини янги ахборот технологиялари билан амалга оширадиган замонавий компьютерлар билан таъминлан-

[14] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори. // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 4 июль.

		ган юқори технологик марказ ҳисобланади.
6.	Суперкомпьютерлар	Юқори қувватга эга кўпфункцияли компьютерлар бўлиб, асосий вазифаси рақамли иқтисодиётнин бир қанча усурларини амалга ошириш учун хизмат қилади
7.	Крауд-фандинг	Жамоавий молиялаштириш билан боғлиқ жараёнлар
8.	Смарт-кантракт	Рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома
9.	Майнинг	Турли крипто валюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият
10.	“Электрон ҳукумат”	Давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали бошқаришдир

Ҳозирги кунда нақдсиз тўловлар юридик шахслар ўртасида амалга оширилмоқда. Уни юридик шахслар билан жисмоний шахслар ва жисмоний шахслар билан жисмоний шахслар ўртасида ҳам амалга ошириш орқали рақамли иқтисодиётни шу йўналишда ҳам шакллантириш ва унинг ривожланишини таъминлаш мумкин. Нақтсиз муомала фақат юридик шахслар ўртасида сақланиб қолса, жисмоний шахслар бундан маҳрум бўлса, боз устига, мамлакатимиз ҳудудида ҳам савдо-сотиқ хорижий валютада амалга оширилса, валютанинг қора бозори тугаб кетмайди ва мос равишда, яширин иқтисодиётнинг сақланиб қолишига ҳам сабаб бўлади. Шу туфайли нақдсиз тўлов тизимини кенгайтириш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Чунки, рақамли иқтисодиётнинг бир йўналиш нақд пулсиз тўловларни йўлга қўйишдан иборатдир. Ушбу тадбирни амалга ошириш анча мураккаб жараён. Мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудида буни амалга ошириш учун тегишли инфратузилма шакллантирилган бўлишлигини, суперкомпьютерлар билан жиҳозланган ахборот технологиялари билан таъминланган бўлишлигини, узлуксиз энергия таъминоти ҳам ҳал қилинган бўлишлиги кабиларни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарор ва фармонларда мазкур масалани амалга ошириш ва такомиллаштириш учун бир қанча йўналишлар белгиланган. Булар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли орган қилиб Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги белгиланган. Ушбу агентлик мазкур масаланинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, уни амалиётга жорий қилишда бевосита иштирокчи ва назоратчи ролини ўйнайди.

Иккинчидан, мамлакатимизда крипто-активлар соҳасида майнинг, смарт-контрактлар, «блокчейн» технологиялари жорий қилинади. Ҳозирги кунда тажриба тариқасида ушбу йўналишлар жорий қилинган. Келажакда булар оммавий тарзда амалга оширилади. Натижада фуқароларимизда қўшимча даромад қилиш имкониятлари кўпаяди.

Учинчидан, «блокчейн» технологиялари ва шу билан боғлиқ инновацион йўналишлар бўйича уларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам йўлга қўйилади. Ушбу жараён учун кадрлар ҳозирча тайёрланмаяпти. Шу туфайли бир қанча янги мутахассисликларни мамлакатимизнинг миллий классификаторига киритиш ва алоҳида мутахассис сифатида тайёрлаш ишлари ҳам йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги крипто-активлар айланмаси ва улардан олинган даромадлар (резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга ошириладиган операциялар) солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди. Мос равишда, мазкур операциялар юзасидан олинган даромадлар эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди. Ушбу даромад манбаи аҳоли учун соф даромад бўлиб ҳисобланади.

Бешинчидан, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия берилади. Бундай лицензияга сазовар бўлган шахслар томонидан ўтказиладиган крипто-активлар айланмаси билан боғлик валюта операцияларига валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилмайди.

Олтинчидан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилади. Ушбу тадбирларни амалга оширишга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги белгиланган.

Еттинчидан, мазкур агентлик томонидан “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан биргаликда барча давлат хизматлари фақат операторларнинг маълумотларини қайта ишлаш марказлари орқали кўрсатишни таъминлаш мақсадида 2019-2021 йилларда “Universal Mobile Systems” МЧЖни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқиш вазифаси ҳам юклатилган.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётга иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, уни сохталаштириш имкониятини чеклайдиган, одамларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган замонавий иқтисодий механизмлар мажмуидан иборат, деб баҳо бериш мумкин.

1.3. Рақамли иқтисодиётнинг яширин иқтисодиётни бартараф қилишдаги роли ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётга ўтишнинг лозимлигини аниқ белгилаб берган ҳужжатлардан бири Президентнинг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори ҳисобланади. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018-2020 йилларда “блокчейн” технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди. Мазкур дастур ишлаб чиқилиб, уларда белгиланган вазифаларни тизимли равишда амалга ошириш имконини яратади. Ҳозирги кунда жамоатчилик ўртасида рақамли иқтисодиётнинг яширин иқтисодиёт, сохта маълумотлар ва қора бозорга ўрин қолдирмаслиги хусусида кўп муҳокама ва мунозаралар бўлмоқда.

Короновирус пандемияси шароитида, жуда кўп масалалар масофадан ҳал бўлишлигини талаб қилганлиги учун рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёни бирмунча тезлашди. Айнан шу жараён рақамли иқтисодиётнинг жамиятимиз учун объектив зарурият эканлигини ҳам кўрсатди. Муҳими, ушбу иқтисодиёт жуда кўп ижобий томонлари билан бирга яширин иқтисодиётни жиловлаш хусусиятининг борлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Яширин иқтисодиётни жиловлашга қандай эришилади? Бизнинг фикримизча, бунга эришишнинг бир қанча йўллари бор.

Биринчидан, дастлабки маълумотларни сохталаштириш имконияти бўлмайди ёки бутунлай чекланади. Чунки базага киритилган маълумотлар бирданига ахборотлар тўрида (блокчейн ҳолатида) жойлашган бўлади. Битта жойда ўзгартириш (сохталаштириш) мумкин, аммо бошқа жойда буни ўзгартириб бўлмайди. Шу туфайли бу йўл билан сохталаштирилган ёки яширин иқтисодиётни амалга оширишнинг йўли тўсилади.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ тадбирларнинг барчаси мамлакатимиздаги яширин иқтисодиёт фаолиятини расмий иқтисодиётга ўтказиш учун объектив шароит яратади. Чунки сохталаштириш имкони бўлмаган жойда яширин иқтисодиётга томон йўл ўз-ўзидан ёпилади. Чунки иқтисодий-ижтимоий ҳаётимиздаги мавжуд ҳаракатларнинг ҳаммаси рақамлаштирилгандан кейин, уни сохталаштиришнинг ҳеч ҳам имкони қолмайди. Натижада ўз-ўзидан қуфёна иқтисодиётнинг йўли тўсилади ва барча қилинадиган ишларнинг шаффофлиги таъминланади.

Учинчидан, валюта қора бозорининг барҳам топишига эришилади. Чунки банклардан чиқадиган ва унга тушадиган маблағлар бевосита рақам билан ахборотлар тўрида (блокчейн ҳолатида) амалга ошириладиган бўлса, бунинг ҳам имконияти чекланади. Ҳар бир сўм қилинган пул муомаласи ахборот технологиялари ёрдамида рақамлаштирилгандан кейин уни ўз ихтиёри билан ўзгартириш имконияти бутунлай ёпилади.

Тўртинчидан, яқинда амалга оширилган ва оширилиши давом этаётган солиқ ислоҳотлари ҳам яширин иқтисодиётнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ҳамон айрим корхоналарда, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ходимлар расмий ишга жойлашмаган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Бундай ходимларга ойлик маоши “конверт”да берилиш амалиёти мавжуд. Ушбу

тўланадиган иш ҳақидан ҳеч жойда ўз аксини топмайди ва мос равишда булардан солиқлар ҳам тўланмайди. Бу ҳам яширин иқтисодиётнинг бир кўриниши сифатида сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатга барҳам бериш вақти келди, деб ўйлаймиз. Буни амалга ошириш учун эса, қўшимча "рағбатлантириш" чора-тадбирларни кўриш керак, деб ўйлаймиз.

Бешинчидан, ижтимоий ҳаётимизда ҳам рақамли иқтисодиётнинг тартибни ўрнатишга ҳиссаси катта бўлмоқда. Жумладан, пондемия шароитида олий ўқув юртларида дарслар масофадан туриб ўтиладиган бўлди. Олдинлари бир жуфт дарс қандай ўтган бўлса, ўша ҳолида қолар эди. Дарс вақти тугагач, ўтилдими ўтилди, бўлар эди. Эндиликда дарснинг қандай ўтилганлиги, неча киши иштирок этганлиги, қанақа ахборотлар берилганлиги, қанча талаба иштирок этганлиги, хуллас, дарс билан боғлиқ ҳамма маълумотлар ахборот технологиялари хотирасида сақланиб туради. Буни қачон хоҳласа текшириши ва иштирокчиларга (ўқитувчилар ва талабаларга) тегишли "баҳо"ни бериши мумкин.

Аммо яширин иқтисодиёт ва валютанинг қора бозори ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Албатта бунинг мамлакат иқтисодий тараққиётига салбий таъсир қилиши тайин. Яширин иқтисодиёт ва қора бозор ҳақида гап кетганда барча кишилар қандай қилиб улардан халос бўлиши ҳақида гапиради. Бунга эришиш учун қандай йўлларни танлаш мумкинлиги бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунга яширин иқтисодиёт, сохта маълумотлар ва қора бозорга қарши курашиш учун Ўзбекистонда тегишли шароитлар яратилди. Маълумки, мамлакатимизда валюта либерализацияси амалга оширилиб, тегишли тажрибалар орттирилди. Шу даврда бир мунча вазият ўзгарди, валюта айрибошлаш учун анча енгилликлар яратилди. Аммо ҳамон яшириш иқтисодиёт ва қора бозор аломатлари сақланиб қолмоқда. Албатта бу ҳолат иқтисодиёт соҳада ҳалол-покиза фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни бироз ташвишга солади.

Банкларда хорижий валютани нақд кўринишда сотишни тўлиқ рақамлаштиришни тақозо қилади, яъни бунда имкон қадар одамларнинг иштирокини камайтириш лозим бўлади. Агар хорижий валютани банклар томонидан турли баҳоналар билан сотилиши сусайтирилса, албатта қора бозорнинг сақланиб қолинишига сабаб бўлади. Чунки одамлар айнан хорижий валюта керак пайтида

алмаштиришга киришади. Шу пайт банкларда бўлмаса, албатта қора бозордан ахтаришади. Бундай эҳтиёж унинг сақланиб қолишига муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Албатта ҳозир бунга максимал даражада чек қўйилди. Банкоматлар орқали нақд пулларни олиш, хорижий валютани алмаштириш йўллари очилди. Аммо буларни янада кенгайтириш масаласи ҳали кун тартибидан олиб ташланмаслиги лозим.

Масаланинг иккинчи томони бор. Агар валютани сотишни тўлиқ эркинлаштириш ҳам ўзимизда бироз хатарли. Уни бир қисм "тадбиркорлар" истаганча сотиб олиши мумкин. Шу туфайли айнан хорижий валютани кимлар харид қилаётганлиги аниқ бўлиши керак. Ушбу усулнинг ҳам йўлини топишди. Бир пайтлар ҳар бир шахсга чегараланган миқдорда валюта сотиш меъёри белгиланган эди. Бундан ҳам эгри йўлларни топишди. Бировларни ёллашга ўтилди. Ушбу ёлланган шахсни пул билан таъминлайди ва у паспорти билан бориб, арзимаган ҳақ эвазига валютани алмаштириб берадиган бўлди.

Бундай ҳолатни бартараф қилиш жуда мураккаб, чунки одамлар қандай қилсаки, ўзларининг ортиқча пулини хорижий валютада сақлаш учун алмаштириб олишга интилади. Зеро, нақд хорижий валюта керак бўлиб қолганда валютани эркин алмаштириш имконияти бўлмай қолишлик хавфидан чўчимоқда. Шу туфайли ҳар бир масалага ўта синчковлик билан, биринчи бошланишда тегишли назорат билан жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, валютани алмаштиришни тўлиқ эркинлаштириш билан бирга унинг шаффофлигини ҳам таъминлаш лозим бўлади. Рақамли операцияларни амалга оширишб, ким қанча харид қилаётганлигини ва қанча харид қилганлигини билишни тақозо қилади. Бунда маълум миқдорда валютани кўп харид қилиб, кейин қора бозорда сотиш имконияти чекланади. Бу вақтинчалик чора. Муҳими, бу ерда ҳам инсонлар маблағи бўйича бой бўлиш билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлишлигини тақозо қилади. Инсонда иймон-эътиқод шаклланган бўлсагина шу ҳолатда ҳам турли найрангларни қилишмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сон қарорига (2018 йил 3 июль) асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорликда 2018-2020 йилларда “блокчейн” технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларни тизимли равишда амалга ошириш жараёнида қуйидагилар кўзда тутилган:

“а) крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан мазкур фаолиятни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш орқали жорий этиш ва ривожлантириш, бунда крипто-активларни маҳаллий ва халқаро крипто-биржаларда реализация қилиш имкониятини назарда тутишни;

б) 2021 йил 1 январдан бошлаб "блокчейн" технологияларини:

давлат органлари фаолиятига, жумладан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда, давлат харидларини амалга оширишда, давлат хизматларини кўрсатишда, шахс тўғрисидаги маълумотларни верификациялашда татбиқ этишни;

давлат реестрлари, классификаторлари ва бошқа маълумотлар базаларини юритишда, жумладан, уларга киритилган ахборотни янгилаш ва ундан фойдаланишда жорий этишни;

устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкилотларининг корпоратив бошқаруви тизимига, жумладан, бизнес жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион жараёнларни мақбуллаштириш, шунингдек, замонавий менежментни татбиқ этиш ва ресурсларни бошқариш учун татбиқ этишни;

клиринг операцияларида, тўловларни амалга оширишда, савдога оид молиялашда (аккредитив), шунингдек, лойиҳаларга кредит беришда жорий этишни”[15].

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинганлиги ушбу масаланинг нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли орган қарорга мувофиқ Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳисобланади. Ана шу ташкилот рақамли иқтисодиётга

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 3 июлида “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган ДАСТУР.

оид бўлган крипто-активлар соҳасида майнинг, смарт-контрактлар, “блокчейн” технологияларини жорий қилиш, “блокчейн” технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш каби ишлар билан шуғулланади. Муҳим ва эътиборли жиҳат, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги крипто-активлар айланмаси ва улардан олинган даромадлар солиққа солиш объектлари бўлиб ҳисобланмайди. Рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида ушбу имтиёзни оқлаш мумкин. Келажакда ушбу даромад ҳам солиқ объекти бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт яширин иқтисодиётнинг душмани эканлигига гувоҳ бўлдик. Чунки, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, яъни короновирус пандемияси шароитида, жуда кўп масалалар масофадан ҳал бўлишлигини талаб қилганлиги учун рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёни бирмунча тезлашгани, ушбу ҳолат жамиятимиз учун объектив зарурият эканлиги, унинг яширин иқтисодиётни жиловлаш хусусиятининг борлигига ҳам амин бўлдик. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, рақамли иқтисодиётни шакллантиришни тезлаштириш шу орқали, яширин иқтисодиётни бартараф қилиш бўйича ҳам тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

1.4. Рақамли иқтисодиётнинг айрим йўналишларини таҳлил қилиш муаммолари

Ҳар қандай иқтисодиётда бошқарув қарорларини қабул қилиб, унинг ривожланиш стратегиясини белгилаб олишни тақозо қилади. Ушбу талаб аграр иқтисодиётда ҳам, арграр-индустриал иқтисодиётда ҳам, индустриал иқтисодиётда ҳам, инновацион иқтисодиётда ҳам, рақамли иқтисодиётда ҳам сақланиб қолади. Рақамли иқтисодиёт шароитида жуда кўп жараёнларда одамларнинг иштироки камаяди, аммо бошқарув қарорларини қабул қилишда барибир инсон иштирокини талаб қилади. Яна бир жиҳат, барча иқтисодиёт турларида бошқарув қарорларини қабул қилишда рақамлар муҳим роль ўйнайди ва инсон омилига таянилади. Шу жиҳатдан таҳлил рақамлар ва инсон иштирокида амалга оширилади. Буларнинг боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Рақамлар мажмуасининг бошқарув қарорларини қабул қилишгача бўлган босқичларининг ўзаро боғлиқлиги

Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодиётга оид моддий ва молиявий ресурсларнинг кўпи фақат рақамларда ифодаланидан табиатга эга. Масалан, оддий иқтисодиётда товарлар асосан бозорларда, дўконларда сотиладиган бўлса, рақамли иқтисодиёт шароитида криптобиржалар фаолиятидан фойдаланилади. Криптобиржа – бу нима, деган саволнинг туғулиши табиий. Ҳозирги пайтда рақамли иқтисодиёт амалиётини ва адабиётларни ўрганиб, ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувоқиқ, деб топдик. **Криптобиржа** деганда, криптовалюта билан боғлиқ барча савдо битимлари янги ахборот технологиялари билан амалга оширадиган замонавий компьютерлар билан таъминланган юқори технологик марказ тушунилади.

Мамлакатимизга криптабиржа ва криптовалюта тушунчалари яқиндагина кириб келди. Аммо хорижий мамлакатларда ушбу масала ривожланиб иккинчи босқичига кўтарилди. Биринчи марта криптовалютанинг кўриниши **майнинг** шаклида бўлиб, у рақамли иқтисодиётга анча хизмат қилди. Бироқ ҳазир ҳам ўз аҳамиятини бутунлай йўқотган эмас. Аммо рақамли иқтисодиётнинг навбатдаги босқичи **криптовалюта биржасига** ўтилди.

Криптовалюта биржаси деганда рақамли бозор бўлиб, бунда эркин тарзда биткоин ва альткоинларни белгиланган бозор курсида сотиб олиши ва сотиши имкониятига эга бўлган трейдерлар тушунилади. Ушбу таърифда биткоин, альткоин, трейдер сўзлари тилимизга хорижий тиллардан кириб келган криптовалюта билан боғлиқ атамалардир. Шу туфайли уларнинг қисқача изоҳига тўхталамиз.

Биткоин инглиз тилидан олинган бўлиб, “бит танга” маъносини беради. Бунда олувчи ва сотувчилар ўртасида бошқа вакиллар (даллоллар) аралашмайдиган савдо битими содир бўлади. бундаги муҳим жиҳат ўзаро савдо муносабатларини бекор қилиш имко-

нияти чекланган бўлади. Агар бу йўналишда хатоликларга йўл қўйилган бўлса ҳам ўз ҳолича қолдиришга мажбур. Ҳозирги пайтда ушбу жараённи ўнглаш учун арбиторларни ёллаш масалси ҳам қўйилган. Шундагина қилинган хатоларни тўғрилаб, масалага аниқлик киритиш мумкин.

Агар томонлар рози бўлса, биткоиндан бевосита товар ва хизматларнинг олди-сотди жараёнида ҳам тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Тўлов узоқ масофадан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари биткоин орқали нақд пулни рақамли валютага алмаштириш ҳам мумкин. Бунинг муҳим хусусиятларидан бири ахборот торига уланиш билан бирга бирорта марказлашган маъмурий тобелик йўқ. Бевосита олди-сотди муносабатлари харидор ва сотувчи иштирокида амалга оширилдади.

Альткоиннинг манбаларда келтирилиша 500 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат ҳам марказлашмаган ҳолда амал қилади. Чунки, ушбу ишга давлатнинг ҳам, унинг бирорта вакили ҳам аралашмайди. Шу туфайли бу ҳам, ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, юқорида таъкидланганидек, марказлашмаган ҳолда содир этилади. Альткоиннинг амалга оширилиши блокчейн технологияси асосида амалга оширилади. Альткоин бозорига иштирок этиш учун унинг қайси бири фойдали эканлигига баҳо бериш лозим бўлади. Бунда ҳам уларнинг турларини таҳлил қилиб, қайси фойдали бўлса, ўшани танлаш лозим бўлади. Ушбу ҳолатда ҳам таҳлил усулларидан кенг миқёсда фойдаланишга тўғри келади.

Трейдер Форекс глобал валюта бозори иштирокчиси бўлиб, валюта курслари тафовутидан даромад олишни кўзлаб фаолият кўрсатадиган шахс ҳисобланади. Мазкур бозорда ҳар бир иштирокчи одам савдо қилиши ва даромад олиши мумкин. Ҳозирги пайтдаги интернет технологияларининг кенг имкониятлари туфайли ва узоқдан туриб иш бошқариш имкони борлиги учун бугунги кунда Forex трейдерлари фонд бозоридаги трейдерлар сингари масофадан туриб битимлар тузиш имконига эга.

Бугунги кунда кўпчиликни қизиқтирадиган савол бу — форекс трейдерларининг даромади қанча? Ҳар куни валюта курслари кенг диапазонда тебранишади, кунлик ўртача диапазон 100-150 пунктни ташкил этади. Шу ҳаракатланишларни йўналишини топиб ва бошқаровда 100-200-500$ ёки бунданҳам зиёд маблағ билан сезиларли даромадлар олиш мумкин. Уларнинг даромадлари йиллик

камида (депозитдан) 50% ни ташкил етади, 50% бу агарда жуда кичик кўламдаги битимларни амалга оширган тақдирда. Агарда битим кўламлари юқори бўлса у ҳолда йиллик 200-300% даромад олса бўлади. Хуллас, трейдерларнинг иши оддий. улар арзон олиб қиммат сотиш ёки акси. Трейдер бирнеча турга бўлинади, бу уларнинг қанча муддатлик битимлар тузишига боғлиқ.

Трейдерларнинг бир қанеча турларига қуйидагилар киради. Булар: Позициявий трейдер, Кун ичидаги трейдер, Қисқа муддатли трейдер, Узоқ муддатли трейдер, Форекс бозорида жон сақлаш учун фаолият олиб борадиган трейдерларга бўлинади. Ушбу трейдерлар иқтисодий ва сиёсий характерга эга ўзгарувчан вазиятларни узлуксиз равишда кузатиб туриши лозим, уларни кузатишда фундаментал ва техник таҳлил усулларидан фойдаланади. Буларнинг тўғри хулоса чиқара олиши ва оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишда фақат таҳлил усуллари катта ёрдам беради. Шу жиҳатдан **таҳлил** ҳар қандай иқтисодиётда ўз моҳиятини йўқотмасдан келди ва рақамли иқтисодиёт шароитида ҳам жамиятнинг ҳарактга келтирувчи механизмларидан бири сифатида сақланиб қолади. Муҳими, бугунги кунда ана шу таҳлил усулларини рақамли иқтисодиёт талабларига мос ҳолда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида криптовалюталардан ҳам кенг фойдаланилади. **Криптовалюта** – бу криптография технологиясига асосланган жисмоний шаклга эга бўлмаган, яширин, марказлашмаган, ҳимоя қиинган рақамли пулнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Криптовалю́та рақамли валютанинг бир тури сифатида, унинг яратилиши, ишлатилиши ва назорати криптографик (бегоналарнинг ахборотларни ўқиш, фойдаланиш имкониятини чеклайдиган) усулларга асосланади. Бунинг барча ҳолатларда тўлиқ махфийлик таъминланган бўлади. Чунки, рақамли валютанинг ҳисоб-китоби марказлашмаган ҳолда номинал кўринишдаги валютанинг иштирокисиз амалга оширилади. Зеро криптовалю́та рақамли валютанинг бир тури бўлиб ҳисобланади.

Криптовалюта операцияларида криптографиядан ҳам фойдаланишга тўғри келади. **Криптография** – бу бегоналарнинг ахборотларни ўқиш имкониятини чеклайдиган, уларни ўзгартириш мумкин бўлмаган, муаллифдан бошқа кишининг текшириш имкониятини

ҳам чеклайдиган, аммо эгасига ҳеч қандай тақиқ ўрнатилмайдиган усулларни таъминлайдиган жараён бўлиб ҳисобланади.

Криптография ва рақамли технологияларнинг бошқа ҳолатларида ҳам валюта иштирок этади. **Валюта –** бу мамлакатнинг ички бозорида ёки халқаро бозорда ҳар қандай товарни харид қилиш имкониятига эга бўлган, пулнинг функциясини бажараоладиган товар бўлиб ҳисобланади. Валюталар давлатларга мансублиги жиҳатидан учта турга бўлинади: миллий валюта, хорижий валюта ва жамоавий валюта. **Миллий валюта** шу битта давлат ичкарисида ҳисоб-китоблар учун ва тўлов воситаси сифатида фойдаланилади. **Хорижий валюта** бошқа давлатларга мансуб бўлиб, ҳар бир давлатнинг ичида олди-сотди жараёнида тўлов воситаси сифатида фойдаланилади. Агар бирорта мамлакатда иккинчи мамлакат валютаси бўладиган бўлса, улар бир-бири билан халқаро курсга асосан алмаштириб олишлари мумкин. **Жамоавий валюта** бир вақтда бир қанча давлатларда фойдаланиш мумкин бўлган валюта ҳисобланади. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида бугунги кунда **евро**дан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу валюталар ҳам тўлов воситаси сифатида рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда пул бирлиги ва уларга эквивалент тарзида алмашувларда ҳам фойдаланиш жорий қилинган.

Рақамли иқтисодиёт шароитида олди-сотди жараёнида активлар ҳам иштирок этадилар. **Активлар –** кўчмас ва кўчадиган мулк, машиналар ва ишлаб чиқариш жиҳозлари, банкка қўйилган қўйилмалар, муаллифлик ҳуқуқи, молиявий инструментлар, қимматли қоғозлар, ноу-хау, савдо белгилари, бошқа компаниялар устав фондидаги ҳиссалар, инвестиция аҳамиятига эга бўлган криптоактивларни капиталлаштириш ва унинг қийматини ошириш имкониятини берадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг турли лойиҳаларидаги ҳиссалари ва қимматликлари ҳисобланади. Ушбу активларнинг ҳаракати мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли унинг ҳам ҳаракати таъминланган. Буларнинг ҳам олди-сотди жараёни рақамли иқтисодиёт принципларига асосан амалга оширилади.

Активлар таркибида криптоактивлар ҳам рақамли иқтисодиёт шароитида муҳим роль ўйнайди. **Криптоактив** – бу истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ёки харид қилишга компания ёки гуруҳ шахсларнинг молиявий ресурсларини жалб қилишга қара-

тилган криптовалютанинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этган рақамли молиявий инструмент ҳисобланади. Одатда криптоактив унинг эгасининг ҳам, активни қабул қилиб олувчининг ҳам мажбуриятини ифода этадиган бир хил ахборот билан таъминлаш имкониятига эга бўлган инструмент бўлиб ҳисобланади.

Криптовалютанинг барча хусусиятлари, яъни бегоналарнинг ахборотларни ўқиш имкониятининг чекланганлиги, уларни ўзгартириш мумкин бўлмаганлиги, муаллифдан бошқа кишининг текшириш имкониятини ҳам чекланганлиги каби хусусиятлари шу криптоактивда ҳам намоён бўлади. Ҳамиша компаниялар ва шахслар томонидан истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда ўзларининг маблағлари етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда криптовалютадан фойдаланиш шу лойиҳаларга инвестиция киритиш ёки активларни сотиб олиб, уларни капиталлаштириш мақсадига қаратилган бўлади. Шу жиҳатдан, криптоактивларни тавсия қилган эгалари ҳам маълум маънода кафолатланган идентификацияланган рақамли молиявий инструментдан фойдаланганлиги учун унчалик хавотирда бўлмайди. Бу жараённинг ҳам самарадорлигини ошириш борасидаги стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишда таҳлил усулларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида турли келишув ва шартномаларни амалга оширишда транзакциялардан ҳам фойдаланилади. **Транзакция** (келишув, шартнома) ҳақидаги маълумот одатда шифрланмайди, чунки у ҳамма танишиши учун очиқ ҳолда келтирилади. Аммо бирорта ташқи таъсир билан унинг асосидаги ахборотларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслиги таъминланган. Чунки, тразакция блоклар занжирини криптография, яъни ҳар кимнинг ўзи очиши мумкин бўлган электрон имзодан фойдаланган ҳолда мустаҳкамланган бўлади. Қайд этиш жоизки, бирорта криптовалюта ўзининг параметрларини (ўлчамларини) ўзгартириб бошқа бир криптовалюта асосида пайдо бўлиши мумкин. Аммо буларнинг келиб чиқиши, ўтмиши бир хил бўлсада, таҳлил жараёнида буларни ҳамиша ҳам қиёслаб бўлмайди. Турли криптовалюталарга эмиссия орқали майнинг, форжинг усуллари билан пайдо бўлиши мумкин. Бунда маълум даражада рақамли валютанинг хизмати бўлади, албатт.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиётни ривожлан-тириш масаласи ахборот технологиялари ва электрон ҳуж-

жатлар айланмасида янги йўналишларни очиб беради. Бунинг муҳим йўналишларидан бири, рақамли технологияларни фақат битта мамлакат доирасида эмас, балки бутун жаҳон интернет тармоғини қамраб оладиган доирада ривожлантиришни талаб қилади. Кечагина рақамли иқтисодиёт мамлакат иқтисодиётининг келоажаги, деб айтар эдик. Мана бугун ўша биз орзу қилган келажак бизга жуда тезлик билан етиб келди. Энди мана шу рақамли иқтисодиёт билан муамала қилишни ўрганмасдан ёки уни ҳамон келажак, деб қарайдиган бўлсак, албатта кутилган натижага эришиш қийин. Бугунги ҳаётимиз айнан шу рақамли иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Энди таҳлил масаласига келадиган бўлсак, уни амалга ошириш жараёнида ахборотлар ҳам, уларни қайта ишлаш масалалари ҳам, хулоса учун тайёрлаш жараёнлари ҳам ахборот технологиялари асосида маълум дастурлар асосида амалга оширилади. Эндиги вазифа ҳар бир йўналишнинг ўзининг хусусиятларидан келиб чиқиб, шу дастурларни яратишдан иборатдир. Инсон омили учун тегишли хулоса чиқариб, бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи қолган. Бу жараён мутахассисдан жуда катта илмий ва интеллектуал салоҳиятни талаб қилади.

1.5. Рақамли иқтисодиётнинг валютани тартибга солишдаги имкониятлари

Мамлакатимизда **“Валютани тартибга солиш тўғрисида”**ги қонун амал қилмоқда. Ушбу қонун ўзимизнинг бугунги ҳолатимиздан келиб чиққан ҳолда чуқур ўйланган тарзда қабул қилиниб, айрим ўзгартиришлар ҳам киритилган. Аммо реал ҳаётида бундан айрим четланишлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, бизда мавжуд ҳолатни эътиборга оладиган бўлсак, ҳамон ноқонуний импорт билан шуғулланаётган “тадбиркорлар” ҳам йўқ эмас. Ушбу бозор вакиллари валютага бўлган талабни ошириш билан бирга, ноқонуний йўллар билан алмаштиришга ҳам мойиллиги катта. Бу ҳолат яна яширин иқтисодиётнинг сақланиб қолишига, нақд кўринишдаги назорат қилинмайдиган хорижий валютадан максимал даражада фойдаланиб қолишга ҳаракат қилинади. Булардан ҳам кўриниб турибдики, валюта қора бозорининг мавжуд бўлишига ва сақланиб

қолишига монетар омиллардан кўра айрим фискал омиллар ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда амалиётга жорий қилинган хорижий валюталар бўйича ҳам пластик карточкалар рақамли иқтисодиётнинг бир кўриниши бўлиб, мавжуд муаммони бироз енгиллаштирди. Аммо ушбу соҳада ҳам чекловлар бироз юмшатилгани билан бутунлай олиб ташланмаганлиги ҳам айрим ҳолларда валбюа қора бозорининг сақланиб қолишига сабаб бўлади. Чунки, хориждан товар олиб келувчилар (уларнинг бир қисми ноқонуний) эҳтиёжи пластик карточкага белгиланган миқдордан кўпроқ бўлиши мумкин.

Хуллас, савол туғулади, шунчалик чоралар кўрилишига қарамасдан валюта қора бозорининг сақланиб қолишига нималар сабаб бўлмоқда. Фикримизча:

инсонлар психологиясида ҳали ҳануз ўша моддий кўринишдаги пулларнинг ўрни ва аҳамияти юқорилигича қолаётганлиги;

кўпларнинг валютани кўзи билан кўриб қўли билан ушлаб кўрмагунча кўнгил жойига тушмаслиги;

одамларнинг хорижий валютага миллий валютага нисбатан инфляция нуқтаи назаридан ишончининг кучлилиги;

хорижий валютани пластик картага ташлаб, уни кейин банк кассасидан ёки банкоматлардан нақд қилиш эса бир томондан, вақт, иккинчи томондан, харажат талаб қилганлиги;

банкларда хорижий валютанинг эркин ва узлуксиз сотувини ташкил қилиш имкониятларининг чекланганлиги;

нақд пулнинг инфляция натижасида қадрсизланиши давом этишини инобатга олиб, уни уйда ёки банкларда сақлаш хатарли эканлиги, аммо хорижий валютанинг ушбу таъсирга (қадрсизланишга) тушмаслиги;

нақд миллий валютани банкларда сақлашнинг салбий таъсирининг ҳамон одамлар ёдида сақланиб қолаётганлиги, банкларнинг бу борада ишончни бутунлай йўқотганлиги;

нақд кўринишда валютани бирданига банклардан сотиб олишдаги қийинчилик туфайли қора бозордан хорижий вабютани харид қилишга аҳолида талабнинг мавжудлиги;

нақд хорижий валютани мамлакатимиз банкларида сақлашга деярли рағбат йўқлиги (тўланадиган фоизининг камлиги);

аҳоли ўртасида ўзаро келишувлар, савдо-сотиқ ишлари ва йирик товарлар қийматини долларда белгилаш ва долларда ҳисоб-

лашиш анъанага кириб кетганлиги ҳамда бугунги кунда унинг сақланиб қолганлиги;

чет элдан ноқонуний йўл билан товарларни олиб киришнинг сақланиб қолаётганлиги савдо ва бизнес вакиллари учун валюта қора бозорининг мавжуд бўлишидан манфаатдорлиги кабилар.

Кўриниб турибдики, валюта қора бозорининг сақланиб қолишига ҳали анча сабаблар бор экан.

Молиячи эксперт Мансур Тангишовнинг интернет тармоғида берган мақоласида "мени кўп ўйлантирадиган нарса бу – бутун жаҳон ривожланган давлатлари имкон қадар рақамли иқтисодиётга ўтишни ўйлаб, ҳаракат қилаётган бир пайтда, биз оддий нақд хорижий валюта муаммосини охиригача ҳал қилмаганимиздир. Рақамли иқтисодиёт аввало, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг рақамли технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилишини талаб қилади. Рақамли технологияларни қўллашда энг биринчи навбатда, аввало, мана шу рақамли тўловлар технологияларини такомиллаштириш керак бўлади. Рақамли иқтисодиёт ривожланиши учун нақд пулсиз иқтисодиёт (Cashless economy) қурилиши керак. Аслида, нақд пуллар 21-аср ахборот технологиялари асри учун эскирди. Бугунги кунда Канада, Швеция ва Буюк Британия мамлакатлари мисолида нақдсиз тўловлар такомиллаштирилиши ва нақд пуллар муомаласининг максимал даражада камайтирилиши натижасида иқтисодиётда яширин иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан энг қуйи кўрсаткичларни қайд этаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу давлатларда валюта қора бозори деган тушунчанинг ўзи йўқ"[16], деб таъкилайди.

Банк соҳасида рақамли иқтисодиётга ўтиш масаласи ўзимизда анча муаммо. Чунки, юқоридаги давлатлар тажрибасида максимал даражада нақдсиз пул муомаласини кўпайтириш билан бирга, нақд пул ҳажмини имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилинган. Аммо ўзимизда нақд пул ҳаётий эҳтиёж бўлиб турибди. Чунки, халқимиз кўп истеъмол товарларини бозорлардан харид қилади. Бозорларда пластик карточка билан савдо қилишга имконият чекланган.

Маълумки, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган. Аммо расмий ва норасмий ҳолатда хорижий валюталар

[16] Мансур Тангишов. 3/2018 (№ 00035) www.iqtisodiyot.uz.

муомалада иштирок этмоқда. Ушбу масалага Марказий Банк ва тегишли мутасадди ташкилотлар тўғри ечимини топишлари ва маълум оптимал тартибни белгилашлари лозим.

Мансур Тангишовнинг интернет тармоғида берган мақоласидага яна бир фикрига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мақолада: “тан олиш керак нақд кўринишдаги хорижий валюталар кўп ҳолларда айнан ноқонуний фаолият юритувчи шахсларда, ўзининг қанча миқдорда маблағи борлигини расман ҳеч ким билмаслигини хоҳлайдиган коррупция вакилларида, контрабанда вакилларида, чайқовчи тадбиркорлар томонидан тез-тез фойдаланилади. Чунки бу шахслар нақд хорижий валюта (қаттиқ валюта)нинг кучини билишади ва унинг назоратдан ташқарида эканлигидан максимал фойдаланишади. Улар нақдсиз кўринишда хорижий валюталарни банкларда сақлайдиган бўлишса, бундай катта миқдордаги маблағларга нисбатан шубҳалар пайдо бўлишидан қўрқишади. Шунинг учун ҳам доимий равишда нақд валютанинг муомаласи барқарор бўлишини чин дилдан исташади. Аслида яширин иқтисодиёт вакилларининг аксар қисми фаолияти айнан нақд хорижий валюта билан олди-сотди қилишни талаб қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, нақдсиз хорижий валюта тартибини такомиллаштириш яширин иқтисодиётни камайтиришга сабаб бўлади”[17], деган фикрни олға суради. Ушбу фикрга тўлиқ қўшилиш лозим. Чунки, таҳлиллар кўрсатмоқдаки, қора бозорнинг сақланиб қолишига яна бир сабаб нақд валютанинг олди-сотди жараёнида иштирок этиши бўлмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётни соғлом ривожлантириш йўлини аниқ белгилаб олишимиз лозим. Бу эса, маълум маънода бирор янги нарсани жорий қилишни, аммо зарур бўлсада эски тартиб тамойиллардан вақтинча бўлсада, воз кечишимизни тақозо қилади. Бу йўл бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш йўлидир. Бунда ривожланган давлатлар сингари нақдсиз иқтисодиётни шакллантириш лозим бўлади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ушбу йўлни шакллантиришнинг иккита усули бор: бири эволюцион йўл билан эришишлса, иккинчиси революцион йўлдан иборат. Мамлакатимизда ҳам бунинг қайси бирини танлаш масаласи ҳам чуқур тадқиқотларни тақозо қилади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, аввал хорижий валютанинг нақдсиз

[17] Мансур Тангишов. 3/2018 (№ 00035) www.iqtisodiyot.uz.

муомаласини йўлга қўйишни, сўнгра миллий валютадаги нақдсиз пул муомаласига тўлиқ ўтиш имкониятларини кўриш масалаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги вазиятда банкларда рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича қандай тавсияларни айтиш мумкин. Фикримизча:

Биринчидан, миллий валютани хорижий валютага алмаштириш банкларда чекланмаган ҳолда амалга оширишни йўлга қўйган ҳолда ҳар бир шахснинг қанча валюта алмаштирганлиги тўғрисидаги аниқ ва очиқ маълумот бўлишлигини таъминлаши лозим.

Иккинчидан, оддий халқ учун нақд хорижий валютани жамғаришни уйидан кўра банкларда сақлашнинг манфаатли эканлигини, рискнинг умуман бўлмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, хорижга чиқмоқчи бўлган шахсларга бемалол исталганча миқдордаги пулни хорижий валютада картасига ўтказиб бериш амалиётини давом эттириш билан бирга уларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиш масъулияти ҳам юкланган бўлиши лозим. Бу фуқарорларнинг нақд валютани тасарруф этиш эркинлигини чекламайди.

Тўртинчидан, рақамли иқтисодиётга ўтиш учун аҳолини нафақат иқтисодий, балки техник жиҳатдан, шу иқтисодиётни юритадиган малакага эга бўлишликни, унга маънавий жиҳатдан талабга жавоб берадиган эътиқодга эга бўлишликни, ижтимоий томондан фикрлар ва қарашлар шунга мутаносиб ва тайёр бўлишликни тақозо қилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, биз қачондир рақамли иқтисодиётга, банклар нуқтаи назаридан, нақд пулсиз иқтисодиётга ўтишимиз тайин. Шу туфайли ушбу стратегик масалага босқичма-босқиб ўтиб боришимз лозим бўлади. Чунки, бутун дунёда рақамли пуллар, электрон пуллар ва виртуал пуллар оммалашиб бормоқда. Биз улардан ҳозирги интеграция чуқурлашиб бораётган шароитда айри яшай олмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, банкларда рақамли иқтисодиётдан фойдаланиш яширин иқтисодиёт, қора бозор ва сохта рақамларга йўл қўйилмасликнинг асосий усули эканлигига маълум даражада ишонч ҳосил қилиш мумкин.

1.6. Рақамли иқтисодиёти шароитида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари

Ишнинг яна бир йўналиши, рақамли иқтисодиёти шароитида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалаларига бағишланган. Ушбу масала пандемия шароитида ўзининг ўта долзарб эканлигини кўрсатди. Рақамли иқтисодиёт шароитида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалаларини қараб чиқиш муҳимлигини инобатга олиб, туризмда рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали уни ривожлантиришнинг айрим имкониятлари қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунда асосий эътибор потенциал истеъмолчиларнинг интернет коммуникация воситаларидан фойдаланиш даражасини ўрганиш, рақамли коммуникацияларни жорий қилиш бўйича тадқиқот натижалари асосида туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилади.

Охирги пайтларда рақамли иқтисодиёт бутун ҳаётимизга кириб келди. Дунё иқтисодиётининг асосий қисми рақамли оборотлардан иборат бўлмоқда. Масалан, 2019 йилда электрон тижорат саноатида сотувлар ҳажми 3,45 триллион АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, дунё бўйича аҳолининг 59 %и ёки 4,54 млрд. киши интернет хизматларига уланган ва ундан мунтазам равишда фойдаланмоқда. Шу йилда ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг умумий сони эса 3,8 млрд. кишини ташкил қилган. Пандемия шароитида рақамли иқтисодиётга эҳтиёж янада кучайди. Шу туфайли 2020 йил охиригача аҳолининг асосий қисми ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтиши кутилмоқда. Муҳим жиҳат, пандемия шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, туризм соҳаси ҳам жуда катта зарар кўрган бўлса, рақамли иқтисодиётда катта юксалиш рўй берди. Ҳатто одий мажлислар, илмий конференциялар, ҳимоялар ҳамма-ҳаммаси рақамли технологиялар орқали масофадан амалга оширилди. Аммо туризмда бундан маълум даражада фойдаланиш мумкин. Бироқ, ҳар бир объектни турист ўз кўзи билан натурал ҳолда кўриб хулоса қилса, уни алмаштирадиган бирорта чора йўқ. Шу туфайли туризмда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос йўналишлари мавжуд.

Бутун дунёда COVID-19 сабабли глобал туризм учун юзага келган кенг кўламли хавф-хатарлар бутун жаҳон туристик ташкилотининг саёҳатларни чеклаш масаласини қараб чиқди. Тадқиқот-

ларга кўра, 2020 йил май ҳолати бўйича пандемия муносабати билан дунёдаги барча туристик йўналишларнинг 96,0 %ига турли даражадаги чекловлар жорий этган. Натижада дунёдаги 90 та давлат туристларга тўлиқ ёки қисман ўз чегараларини ёпиш мажбур бўлган. Булардан ташқари яна 44 та давлат туристларнинг келиб кетиши бўйича маълум давлатлар сайёҳатчиларга чекловлар ўрнатилган. Шу туфайли туризмни эркин ривожлантириш борасида шароитлар етарли даражада эмас. Натижада ҳозирги пайтда дунёдаги ҳар 10 кишидан 9 нафари трансчегаравий саёҳат қилишда чекловлар мавжуд бўлган мамлакатларда яшамоқда. Бу ўз навбатида ҳозирги пандемиянинг янада глобал характерга эга эканлигидан, инсоният тарихида кузатилган ижтимоий-иқтисодий инқирозларга қараганда анча узоқ вақтни қамраб оладиган ҳолатга эга.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, дунё миқёсида рақамлаштириш оқибатида рақамли иқтисодиёт шаклланди ва ривожланмоқда. Масалан, 2019 йилда электрон тижорат саноатида сотувлар ҳажми 3,45 триллион АҚШ долларига тенг бўлган. Чунки шу йилда дунё бўйича аҳолининг 59%и ёки 4,54 млрд. киши интернетга уланган. Ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларнинг умумий сони эса 3,8 млрд. кишини ташкил қилган. Пандемия шароитида 2020 йил охиригача аҳолининг асосий қисми ижтимоий тармоқлардан рўйхатдан ўтиши кутилмоқда. Кўриниб турибдики, рақамлаштириш иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб келмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг, шу жумладан, туризм соҳасининг ҳам келажакдаги ривожланиши бир қатор илғор технологияларнинг муваффақиятига бевосита боғлиқ бўлади. Бундай технологиянинг бештасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Буларга:

- 5Г - алоқа;
- 3Д - босма;
- блокчейн ;
- сунъий интеллект (АИ) ;
- виртуал ҳақиқат киради.

Ушбу кўриб ўтилган технологиялар ривожланган мамлакатларнинг стратегик ҳужжатларида белгиланган энг муҳим йўналишларини ташкил қилади. Булар ҳозирги пайтда энг илғорлари ҳисобланади. Аммо келажакда ушбу технологиялар жадал ривожланиш босқичида, улар йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳар бир

технология иқтисодиётнинг бир қатор анъанавий ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) тармоқларига ва умуман бизнеснинг ҳам ривожланишига тубдан таъсир кўрсатиши мумкин. Шу жиҳатдан рақамли технология бутун тараққиётнинг калити сифатида тан олинмоқда.

Агар 5Г алоқанинг мазмунига эътиборни қаратадиган бўлсак, ушбу тушунча (инглиз тилидан олинган бўлиб, бешинчи авлод деган маънони англатади. Бешинчи авлод мобил алоқа стандарти (5Г) - бу технологиянинг ривожланишидаги янги босқич бўлиб, у радиога кириш тармоқлари орқали Интернетга кириш имкониятларини кенгайтиришга мўлжалланган. Муаллифларнинг (Порсаев Ғ.М., Сафаров Б.Ш., Усманова Д.Қ.) эътироф этишича, 5Г технологияси қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган:

•мобил трафик ўсиши;

•тармоққа уланган қурилмалар сонининг кўпайиши;

•янги хизматларни жорий етишда кечикишларни камайтириши;

•частота спектрининг етишмаслиги.

Юқорида келтирилган илғор технологияларнинг ҳаммасидан туризм тармоғида фойдаланиш мумкин. Рақамли технологияларни туризм соҳасида қўлланилишига эътиборни қаратадиган бўлсак, ушбу технология олдингиларига нисбатан истиқболли бўлиб, уни учта йўналишда қўллаш мумкин. Булар:

1. Туристик хизматлар сифатини оширишда.

2. Туристтик хизматларнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб боришда.

3. Соҳада қуфёна иқтисодиёт элементларини бартараф қилишда.

Биринчи йўналиш, яъни туристик хизматлар сифатини оширишда қўлланилишига эътиборни қаратадиган бўлсак, у одатдаги ҳолатга аниқлик киритишда намоён бўлади. Юқорида келтирилган мобил алоқалар орқали туристларнинг қаердалигини, қай аҳволдалигини бевосита сўраб сўраб билиб туриш мумкин. Катта шаҳарларда кенг тарқалган мобил алоқа тизимлари ЛТЕ 4Г - 2665 МГтс тармоқларида 100 Мбит / с гача тезликда ишлайди. Янада ўсиш миллиметр тўлқинлар фойдаланиш билан боғлиқ - 1 - 100 гигагерц, масалан, ҳарбий ноёб хусусиятларга эга ва кенг ишлатилади. Янги тармоқлар 10 Гбит / с гача тезликни таъминлай олади. Булар ҳар

қандай операцияларни ўз вақтида ўта тезликда амалга ошириш имкониятига эга.

Шунингдек, рақамли технологиялар туристларнинг қайси объектда эканлигини, уларнинг ҳар бирига қайси йўл билан бориш мумкинлигини ва қанча масофа юриш лозимлигини кўрсатиб туради. Бу туристлар учун катта қулайликлар туғдиради. Биринчидан, тарихий обидалар ва бошқа туристик объектларнинг кетма-кетлигига амал қилинса, иккинчидан, қанча масофани тахминан қанча вақтда босиб ўтишлигини ҳам билиб олади. Худди шундай ҳар бир объектни тамоша қилишга қанча вақт кетиши ҳам аниқ бўлади. Ушбу ҳолат туристларнинг маршрутга кирган барча объектларни тўлиқ ҳаммасини тамоша қилиб чиқиш учун қанча вақт кетишлигини ҳам олдиндан аниқ белгилаш мумкин бўлади. Чунки машиналарга кузатув камераси ўрнатилганлиги туфайли, ушбу машина қаерда қанча вақт турганлигини, қайси йўлдан юрганлигини, қанча вақтда маълум масофани босиб ўтганлигини айнан идорада туриб кузатиш мумкин бўлади.

Вақт ҳамиша орқага қайтмайдиган қимматли неъмат. Уни туристлар атайлаб бошқа юртлардан келиб, бесамар йўқотмаслиги керак. Айнан шу талабни қондиришда юқорида кўрилган рақамли технологиялар аниқ маълумотларни беради. Бу вақтни тежаш бўйича туристларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини таъминлаш имкониятини яратади.

Рақамли технологияларнинг афзалликларини кўрсатувчи иккинчи йўналиш, туристтик хизматларнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб боришда намоёндир. Шуни эътироф этиш керакки, ҳар бир янгиликни жорий қилишдан бирорта мақсад бўлади. Худди шундай рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ҳам шунчаки иш бўлмасдан, унинг ҳам мақсади бор. Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиётни жорий қилишдан мақсад инновацион омиллар ҳисобига мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, барча қулайликларга эга бўлган ижтимоий ҳаётнинг сифатини ошириш, турли ноаниқликларга барҳам бериш кабилардан иборатдир. Худди шундай ҳолат туризм соҳасида иш самарадорлигини ва хизматлар сифатини ошириш учун ҳам муҳимдир. Бу қуйидагилардан иборат:

-туризм соҳасида яратиладиган мамлакат ЯИМни шакллантиришни инновацион омиллар натижасида кўпайтиришга эришиш;

-иқтисодий-ижтимоий ҳаётда, шу жумладан, туризм соҳасида ҳам коррупцияни кескин камайтириш;

-рақамли иқтисодиётнинг жуда катта имкониятларидан фойдаланиб, унинг натижасини туризм соҳасида сохталаштириш мумкин бўлмайдиган реал иқтисодиётни шакллантириш;

-барча соҳалар сингари туризм соҳасида ҳам яширин иқтисодиётга барҳам бериш;

-жамиятда, шу жумладан, туризм соҳасида коррупция ва яширин иқтисодиёт элементларига барҳам бериш орқали адолатли жамиятни ва барқарор муҳитга эга бўлган туризм соҳасини шакллантириш;

-иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга, шу жумладан, туризм соҳасига инновацион омилларни жорий қилиш эвагига аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш;

-мамлакат ва ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, туристик фирмалар фаолиятини ҳам реал баҳолаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш кабилар.

Туризм соҳасида рақамли иқтисодиётни жорий қилишдан мақсадидан ҳам кўриниб турибдики, агар у жамиятимизда ўз тасдиғини топиб, тўлиқ жорий қилинса, бунинг жуда кўп ижобий томонларини кўриш мумкин. Шу билан бирга шуни алоҳида қайд этиш жоизка, рақамли иқтисодиёт ҳам бошқа унсурлар сингари ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий томонлари ҳам бор.

Рақамли иқтисодиётни туризм соҳасига жорий қилиниши натижасида блокчайн технологияларидан фойдаланиб, ахборотлар тўри ташкил қилинади. Бу содда қилиб айтганда, бир вақтнинг ўзида битта ахборот бир неча жойда ўз аксини топади. Бу ўз-ўзидан рақамларни сохталаштиришнинг имкониятини чеклайди. Шундай қилиб, унинг ижобий томонларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, рақамли иқтисодиётни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга, шу жумладан, туризм соҳасига жорий қилиш орқали инсонларнинг вақти, маблағи ва энергияси тежалади. Шу орқали вақт ва меҳнатнинг тежамкорлиги ва самарадорлигига эришилади. Бунда шуни назарда тутиш жоизки, яратилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг таркибида жисмоний меҳнатнинг ҳиссаси камайиб, интеллектуал меҳнатнинг ҳиссаси ортиб боради.

Иккинчидан, уйида туриб дунёнинг исталган жойидан хоҳлаган товарини, шу жумладан, туристик хизматлдарни ҳам харид қилиш имконияти яратилади. Лекин бунинг учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида интернет тўлиқ ишлайдиган бўлиши лозим. Бунга тегишли моддий-техник имкониятлар яратилиши билан амалга ошириш мумкин. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилмоқда. Аммо интернет тезлиги ҳали талабга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳам ҳақиқат. Бунга эришиш учун “Рақамли Ўзбекистон - 2030” дастурини жадаллик билан амалга ошириш лозим бўлмоқда.

Учинчидан, туризм соҳасида рақамли иқтисодиётни жорий қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири – ҳозирги шароитда айрим ҳолларда йўл қўйилаётган иқтисодиёт натижаларини сахталаштириш имконияти чекланиши билан боғлиқ. Бунга ахборотлар тўрининг ташкил қилиниши йўл қўймайди. Бу ҳам мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки маънавий муҳитни ҳам ўнглаш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, туризм соҳасида мавжуд бўлган иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кенг илдиз отган коррупциянинг олди олинади. Бунда ҳам ахборотлар тўрининг ташкил қилиниши айни муддао. Чунки бир марта киритилган ахборотни иккинчи марта ўзгартиришнинг имконияти жуда чекланган бўлади. Бу ҳолат йўқ нарсани бор деб ёки бор нарсани яшириб кўрсатиш учун имкониятни чеклайди. Бундай шароитда жамоада, жамиятда тараққиётнинг муҳим омили бўлган адолат қарор топиб боради.

Бешинчидан, рақамли иқтисодиётни жорий қилиш натижасида туристлар бир жойда туриб дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олиш имконияти яратилади. Бу жуда катта вақт сарфини тежаш имкониятини яратади. Ахборотларга тез эришиш “вақтнинг тез ўтганлигига” ўхшайди. Аслида вақт ўша-ўша бир суткада 24 соат. Аммо жуда кўп ахборотларни олишга улгурган одам ҳаммасига тез эришгандай бўлади ва бу вақтнинг тезлашганидай руҳиятни уйғотади. Олдинлари бирор хабарни етказиш учун улов билан бирма-бир айтиб чиққан. Аста-секинлик билан уловларнинг такомиллашган ва тез шакли пайдо бўлди. Энди эса масофадан туриб хабарлар дунёнинг турли бурчакларига етказилмоқда. Бу ҳам инсоният учун, айниқса, халқаро туризм учун жуда катта имконият.

Олтинчидан, турли соҳа, шу жумладан, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларда қўшимча маблағ топиш имконияти

яратилади. Чунки ахборотлар маълум маънода товарга айланади. Уларни сотиш орқали қўшимча маблағ топиш имконияти туғилади. Масалан, турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган дастурлар, электрон ахборотлар (китоблар, ишланмалар, илмий натижалар, туристик объектлар ҳақидаги ҳужжатли филмлар каби) ва бошқа маҳсулотларнинг электрон вариантларини сотиш имконияти яратилади. Булардан ташқари жуда кўплаб онлайн савдо шартномалари ҳам амалга оширилиши мумкин.

Пировардида ушбу йўналишни амалга ошириш орқали ҳар бир туристнинг, туристик фирмаларнинг фаолияти аниқ ҳисоб-китоб қилинишига эришилади.

Рақамли иқтисодиётни туризм соҳасига жорий қилишдан эришиладиган учинчи мақсад, юқорида қисман таъкидланганидек, соҳада қуфёна иқтисодиёт элементларини бартараф қилишдан иборатдир. Короновирус пандемияси шароитида, жуда кўп масалалар масофадан ҳал бўлиши мумкинлигини исботланганлиги учун рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёни бирмунча тезлашди. Айнан шу жараён рақамли иқтисодиётнинг нафақат туризм соҳасида, балки бутун жамиятимиз учун ҳам объектив зарурият эканлигини кўрсатди. Муҳими, ушбу иқтисодиёт жуда кўп ижобий томонлари билан бирга яширин иқтисодиётни жиловлаш хусусиятининг борлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Туризм соҳасида, умуман олганда, жамиятимизда яширин иқтисодиётни жиловлашга қандай эришилади, деган савол муҳимдир. Бизнинг фикримизча, бунга эришишнинг бир қанча йўллари мавжуд экан. Буларга:

Биринчидан, туризм соҳасида шаклланган ва ҳисобга олиниб ахборот базасига киритилган дастлабки маълумотларни сохталаштириш имконияти бўлмайди ёки бутунлай чекланади. Чунки базага киритилган маълумотлар бирданига ахборотлар тўрида (блокчейн ҳолатида) жойлашган бўлади. Битта жойда ўзгартириш (сохталаштириш) мумкин, аммо бошқа жойда буни ўзгартириб бўлмайди. Шу туфайли бу йўл билан сохталаштирилган ёки яширин иқтисодиётни амалга оширишнинг йўли тўсилади.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда, хусусан туризм соҳасидаги яширин иқтисодиёт фаолиятини расмий иқтисодиётга ўтказиш учун объектив шароит яратади. Чунки сохталаштириш имкони бўлмаган жойда яширин иқтисодиётга томон йўл ўз-ўзидан ёпилади. Чунки иқти-

содий-ижтимоий ҳаётимиздаги мавжуд ҳаракатларнинг ҳаммаси рақамлаштирилгандан кейин, уни сохталаштиришнинг ҳеч ҳам имкони қолмайди. Натижада ўз-ўзидан қуфёна иқтисодиётнинг йўли тўсилади ва барча қилинадиган ишларнинг шаффофлиги таъминланади.

Учинчидан, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, шу жумладан, туризм соҳасида ҳам валюта қора бозорнинг барҳам топишига эришилади. Чунки туристлардан тушадиган маблағлар бевосита рақам билан ахборотлар тўрида (блокчейн ҳолатида) амалга ошириладиган бўлса, бунинг ҳам имконияти чекланади. Ҳар бир сўм қилинган пул муомаласи ахборот технологиялари ёрдамида рақамлаштирилгандан кейин, уни ўз ихтиёри билан ўзгартириш имконияти бутунлай ёпилади.

Тўртинчидан, мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилиши давом этаётган солиқ ислоҳотлари ҳам яширин иқтисодиётнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки кўп ноўрин ҳаракатлар солиқдан “қочиш” мақсадида амалга оширилади. Оддий мисол, ҳамон айрим корхоналарда, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ходимлар расмий ишга жойлашмаган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Бундай ходимларга ойлик маоши “конверт”да берилиш амалиёти мавжуд. Ушбу тўланадиган иш ҳақи ҳеч жойда ўз аксини топмайди ва мос равишда булардан солиқлар ҳам тўланмайди. Бу ҳам яширин иқтисодиётнинг бир кўриниши сифатида сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатга барҳам бериш вақти келди, деб ўйлаймиз. Буни амалга ошириш учун эса, қўшимча “рағбатлантириш” чора-тадбирларни кўриш керак, деб ўйлаймиз.

Бешинчидан, ижтимоий ҳаётимизда, хусусан турзм соҳасига кадрлар тайёрлашда ҳам рақамли иқтисодиётнинг тартибни ўрнатишга ҳиссаси катта бўлмоқда. Жумладан, пандемия шароитида олий ўқув юртларида дарслар масофадан туриб ўтиладиган бўлди. Олдинлари бир жуфт дарс қандай ўтган бўлса, ўша ҳолида қолар эди. Дарс вақти тугагач, ўтилдими ўтилди, бўлар эди. Эндиликда дарснинг қандай ўтилганлиги, неча киши иштирок этганлиги, қанақа ахборотлар берилганлиги, қанча талаба иштирок этганлиги, хуллас, дарс билан боғлиқ ҳамма маълумотлар ахборот технологиялари хотирасида сақланиб туради. Буни қачон хоҳласа текшириши ва иштирокчиларга (ўқитувчилар ва талабаларга) тегишли “баҳо”ни бериши мумкин.

Олтинчидан, рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қуфёна иқтисодиёт”нинг асосий кушандаси эканлигини юқорида ҳам қайд этдик. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда зарур маълумотларни тез ва аниқ тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг умуман иложи йўқ. Зеро ахборот технологиялари ҳамма ахборотларни аниқ қилиб сақлайди ва хоҳлаган пайтда тайёр ҳолда етказиб беради. Энг муҳими, маълумотларнинг кўплиги билан бирга, уларнинг тизимллаштирилганлиги ёлғон ахборотларни бермайди ва мос равишда қинғир ишларга йўл ҳам қўймайди.

Еттинчидан, рақамли иқтисодиёт бошқа соҳалар сингари туризм соҳасида ҳам “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони бермайди. Натижада ички ва ташқи туризм иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, соҳада бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди. Бу соҳанинг ривожланишида муҳим омил бўлиб саналади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, яширин иқтисодиёт ва шу билан боғлиқ айрим иллатлар ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Айнан шундай шароитда давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. Булар ўз навбатида мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётига ва барқарор ривожланишига салбий таъсир этадиган коррупция элементларининг мавжудлигига барҳам берилади. Шу туфайли адолатли жамиятни ўрнатишга киришилган ҳар қандай давлат энг аввало, яширин иқтисодиётнинг ва коррупциянинг барча элементларига аёвсиз кураш олиб бориши ва уларни бутунлай барҳам топтириши лозим. Буларнинг самарали йўлларидан бири бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга рақамли иқтисодиётни жорий қилишни, барча соҳаларда “Рақамли технологиялар”га асосланишни тақозо қилади. Бунинг учун бутун жаҳон миқёсида интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

II боб. ЖАҲОНДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАМЛАКАТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви – объектив зарурият эканлиги ва унинг асосий тавсифи

Жаҳон ҳамжамиятининг ҳозирги ривожланиши давлатлар иқтисодиётининг тизимли интеграцияси, капиталнинг халқаро концентрацияси, жаҳон бозорининг ва компаниялар хўжалик фаолиятининг глобаллашуви билан тавсифланади. Бунинг муҳим омили илмий-техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришнинг асосий интеллектуаллашуви ҳисобланади. АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг иқтисодий ва технологик устунлиги фан ютуқлари ва юқори технологияларга асосланган тармоқларга эгалигида намоён бўлади ва бу – давлатларнинг жаҳонда сиёсий ҳукмронлигини таъминлайди. Инновация соҳаси фаолиятининг муҳимлиги ва ўта муҳим аҳамиятини англаган ҳолда, бу давлатлар ҳукуматлари давлат қўллаб-қувватлаши ва маҳсус давлат дастурлари орқали зудлик билан инновация сиёсатига ўтдилар. Бу давлатлардаги маҳаллий компанияларга юксак технологик сакрашни амалга оширишга имконият яратади ва бошқа мамлакатларга нисбатан барча макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасида юқори тафовут бўлишини таъминлади.

Давлат стратегиясининг стратегик моҳияти компанияларнинг инновацион фаолияти асосида шаклланади, унинг мазмуни янги товарларни ишлаб чиқариш ва бозорга олиб чиқиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги билимларни яратиш ва уларни қўллашдан иборат бўлади. Мавжуд шароитда давлатнинг илмий техника сиёсатини самарали жорий этишнинг муҳим шарти фан ва техника сиёсатини самарали ривожлантиришнинг устувор йўналишларида илмий салоҳиятни, молиявий ва моддий ресурсларни концентрациялашдан (жорий этилаётган дастур ва лойиҳалар асосида) иборат. Умуман, марказий бўғин сифатида республика ва минтақа даражасидаги ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий сиёсатнинг истиқболи, инвестиция стратегияси, шунингдек, корхона, банк ва бошқа молиявий муассасалар стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Машҳур иқтисодчи М.Портер[18] халқаро рақобат ривожланишининг қуйидаги асосий тенденцияларини белгилаб берган:

– халқаро компанияларнинг (мультилокал) маҳаллий кичик ҳолатдан глобал ҳолатга айланиши, бутунжаҳон ишлаб чиқариш тизими ва бозор муносабатларининг таркибий қисми бўлган глобал компанияларнинг ўз рақобатчилари билан марказлашган курашига олиб келади. Натижада, бу компаниялар стратегиясини ишлаб чиқиш фақат марказлашган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

– глобал ҳажми ИТТКИни юқори даражада инвестициялашни қўллаб-қувватлаш учун жуда муҳим (амалда юқори илмий ютуқларини талаб этадиган тармоқлар глобалашув тенденциясига эга);

– глобал рақобатни айрим давлатлар, "қийматлар" занжирининг маълум қисмларини қамраб олиш кенглиги орқали фарқлайди. Шунинг учун ҳам конфигурация (географик тақсимланиш ва ташкилий муаммоларни мувофиқлаштириш) муҳимдир.

– глобал рақобатда географик жойлашув билан боғлиқ бўлган рақобат устунлигининг асоси,қуйидаги тўрт ўзаро бир бирига боғлиқ омилларнинг мажмуидан иборат ("Портер ромби"):

– талаб ҳолати;

–Яқин ва бир-бирини қўллайдиган тармоқлар;

– маҳаллий компанияларнинг барқарор стратегияси,структураси ва рақобати.

Глобал мувофиқлаштиришда катта ташкилий муаммолар вужудга келади (тил ва маданиятдаги фарқлар, масофа, мустақил бўлишга интилиш, маҳаллий шароитга имкон қадар кўпроқ мослашишга интилиш ва ҳ.к.)

Бу муаммоларни ечиш йўллари қуйидагича:

– аниқ тартиблаштирилган ва барчага тушунарли глобал стратегия;

– тезкор қарорларни зудлик билан ўзгартиришни таъминлайдиган ахборот ва ҳисоблаш тизимини соддалаштириш;

– шахсий учрашувлар ва ахборотларни алмаштиришни рағбатлантириш.

Глобал иқтисодиёт деганда, иқтисодиёт етакчи компонентларининг институционал, ташкилий, технологик имкониятлари реал вақт ва жаҳоний кўламда яхлит ҳолда ишлаши тушунилади.

[18] Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. дом«Williams», 2000.

Инновацион жараёнларда тадбиркорларнинг билим ва ахборотларни “маҳаллий бозор”га узатишдаги фаолияти, глобал рақобат курашининг асоси сифатида ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Глобал иқтисодиётнинг бу хусусиятлари трансформациясининг ўзгариши ва чуқурлашуви муаммолари М. Кастельс[19] ишида кўрилган.

Бу муҳим элементлар қаторига молиявий глобаллашув, товарлар ва хизматлар бозори, тармоқларнинг глобаллашуви натижасида ахборотлаштириш, фан ва технологиялар дунёсида чегараларнинг йўқолиши киради. Натижада давлатнинг бошқаришдаги роли пасаяди, энди давлат эмас, балки фирмалар реал савдо агентлари бўлиб қоладилар. Ҳозирги кунда миллий ва минтақавий иқтисодиётларнинг интеграциялашуви жараёни қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

Биринчидан, XX аср бошида дунёдаги кўпгина давлатлар глобал иқтисодиётда иштирок этмаган, бугун аввалгидан кўпроқ давлатлар савдо, молия, инвестиция ва ахборотлар учун чегараларини очдилар. Нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳам иқтисодий ислоҳотларини амалга оширмоқдалар.

Иккинчидан, аср бошидаги глобаллашув транспорт харажатларини камайтириш билан боғлиқ бўлса, ҳозирги вақтда у коммуникация воситалари қийматини камайтириш билан боғлиқ бўлиб қолди. Коммуникация воситаларининг глобаллашуви ва “ахборотлар жамиятининг” вужудга келиши, бу соҳаларда инқилобий ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлди. Цивилизация тарихида халқаро Internet коммуникациянинг энг тез ривожланаган воситасидир. Арзон ва самарали коммуникация тармоғи фирмаларга, ахборотлар воситасида давлатлараро тўғридан-тўғри товарлар ва молиявий оқимлар ҳаракатини ташкиллаштиришга имконият беради. Замонавий ахборотлар технологияси, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги агентлар иштирокисиз, илгари халқаро бозорларда савдосини амалга ошириб бўлмаган товарлар ва хизматларни савдо объектига айлантирди ва улар билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни бир неча баробарга қисқартирди.

Учинчидан, аввалги вақтларга нисбатан жаҳон капиталининг соф айланмаси камайган бўлса-да, халқаро молиявий оқимларнинг ялпи ҳажми ошди. Охирги 25 йил ичида товарлар ва хизматлар алмашинуви молиявий томонини ўзида ифодалайдиган капитал бозори жаҳон бозорига айланди. Халқаро капитал бозори шу кунгача бундай

[19] Кастельс М. Глобальный капитализм // Экономические стратегии, 2000. №3.

мақомга эга бўлмаган. Унга профессионал инвесторлар ўзларининг маблағларини (инвестицион ва нафақа фондлари) ва хусусий капиталларини жойлаштирадилар. Валюта бозорида битимларнинг 15 фоизи экспорт, импорт ва капиталнинг узоқ ва муддатли айланиши билан боғлиқ бўлса, қолган қисми соф молиявий кўринишга эга. Бугунги кунда капитал бозори глобал халқаро бозор қиёфасига кириб бормоқда. Бу бозор узоқ вақтгача классик миллий пул бозори шаклида фаолият юритди ва қатъий белгиланган алмашув курси тизимига эга бўлган миллий валюта доирасида амал қилди ва қатор қонунлар билан ҳимояланди. Тизим 1973 йилдан мослашувчан (эгилувчан) алмашув курсига ўтгандан сўнг тубдан ўзгарди. Бугун капитал бозори тобора халқаро ва глобал тавсифга эга бўлиб бормоқда.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётидаги маҳсулотларнинг 20 фоизга яқини трансмиллий корпорацияларнинг филиаллари томондан ишлаб чиқарилмоқда. Жаҳон савдосининг учдан бир қисмини асосий компаниялар томонидан олиб борилмоқда. Яна савдонинг учдан бир қисми трансмиллий стратегик иттифоққа аъзо бўлган компаниялар ҳиссасига тўғри келади.

БМТнинг маълумотларига қараганда шу кунда 35 мингта трансмиллий субъектлар ва уларнинг 150 мингта филиали мавжуд. Ҳозирги кунда трансмиллий корпорацияларнинг глобаллашув жараёни ахборотлар ва илғор технологиялар бозорига қаратилишида ифодаланади.

Бешинчидан, охирги йилларда дунёдаги ҳар бир тадбиркорга, инвесторга, валюта курси ва фоиз ставкасининг кескин ўзгариб кетиши хавфидан ҳимоя қилиш, нефть компанияларидаги кутилмаган молиявий карахтликка тезкорликда мослашиши, давлатнинг инфляция сиёсатига ва давлат қарзларининг камайишига қаршилик кўрсатиш билан давлат томонидан молиявий интизомни кафолатлаш имкониятлари вужудга келмоқда. Глобал масштабда бозор муносабатларининг ҳукмронлиги шарти, давлатларни оқилона иқтисодий стратегия олиб боришга мажбур этади.

Олтинчидан, жамғарма ва инвестиция тобора самарали жойлаштирилади. Шунга мувофиқ инвестицияга муҳтож бўлган камбағал давлатларнинг аҳволи ночор ҳолда бўлмайди. Капитал қўйувчилар ички бозор билангина кифояланиб қолмасдан, юқори фойда берадиган бутун дунёда қулай муҳитни излашга ҳаракат қиладилар. Инвесторлар портфелли ва тўғридан тўғри инвестицияларини жойлаштириш учун кенг имкониятга эга бўладилар.

Еттинчидан, иқтисодий глобаллашув технологик жараёнлардаги инқилоб билан биргаликда амалга ошади ва у, ўз навбатида, миллий иқтисодиётда ҳам кескин ўзгаришларга олиб келади. Миллий иқтисодиётнинг жаҳонда тутган ўрни инсон капиталининг сифати, билим олиш, фан ва техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш даражалари билан белгиланади. Иш кучи ва хом ашёлар (маҳсулотларга кетадиган харажатларни камайтириш омили бўлмай қолди) бугунги кунда рақобатдошликни белгилайдиган омиллар эмас. Тадбиркорлик ҳам қайсидир давлат ёки худудга тегишли эмас Ахборотлар билан боғлиқликнинг кучайиши, инновация ва инвестицияларга мурожаат қилиниши муваффақиятларнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, ҳозирги глобаллашув жараёнининг қуйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

– умумжаҳон ахборот маконини барпо этиш;

– ривожланиб бораётган молиявий ва инвестицион марказ ташкил этиш, улар ёрдамида инвестициявий ва кредит ресурслари вужудга келади, жамғарилади ва ажратиб фойдаланилади;

– ахборот, янги технология, инновация, билимлар ва экспертлар аҳамиятининг ошиб бориши;

– глобал олигополиянинг узлуксиз кенгайиши;

– трансмиллий корхоналар капитали ҳажмининг ўсиши, трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг яратилиши;

– капиталнинг ишлаб чиқариш ва савдога нисбатан устунлиги ўсишига қарамасдан, жаҳон савдоси ва унга хизмат қилувчи капитални кучайтиришни жадаллаштириш;

– яхлит ахборотлар ва инвестиция маконини барпо этиш ёрдамида иқтисод ва ахборот воситаларининг интеграциялашуви билан иқтисодиётни ривожлантириш;

– бозорлар бошқариш тизими ва ишлаб чиқариш тизимининг интеграциялашуви;

– ахборот ва телекоммуникация технологияларининг устувор ривожланиши;

– ишончли ахборот таъминотига асосланган янги инновацион технологияларни халқаро ва давлатлараро даражасида қатъий норматив ҳуқуқий тартибларининг инвестиция қарорларини яратиш;

– юқори технологияларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида қўллаш натижасида моддий техника базаси яратилади, кишиларнинг турмуш тарзи ва тафаккури тубдан ўзгаради;

– инвестиция бозорида инвестиция муассасаларининг воситалари ва интеграциялашув жараёни бир-бирига мос келган балансланган ҳолда ривожланади. Инвестиция жараёнларини ривожлантиришга таъсир ўтказадиган инвестиция ва капитални бошқаришга тегишли бўлган халқаро битимлар юзасидан чиқарилган қонунлар соддалаштирилади;

– инвестиция учун қулай бўлган шароитни таклиф этадиган давлатга капитални жойлаштириш имконияти вужудга келади.

Жаҳон иқтисодиётининг бундай тезкор ўзгариши қуйидаги қатор умумий муаммоларни кўриб чиқишни тақозо этади:

– минтақавий бозорнинг вужудга келиши, халқаро савдо ва мультимиллий фирмаларнинг жойлашиши;

– байналмилал тадбиркорликни назарий асосларини;

– тармоқлар ва бирлашмалар муассасавий тадбиркорликнинг институтционал асоси эканлиги;

– глобаллашувнинг келажакдаги тенденцияси;

– технологияларнинг байналмилал узатиш йўллари;

– глобал тадбиркорликнинг ташкилий шакллари;

– глобал бизнесни бошқаришда ақлнинг роли;

– рақобат тафаккури ва амалиётда бенчмаркинг.

– айрим ишларни аниқ табақалаб, инновацион фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш;

– ақлий мулк ҳуқуқини ўз вақтида ҳимоя қилиш;

– давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларни татбиқ этишни ташкиллаштиришга ёрдам бериш (масалан, мос мақсадли дастурларни режалаштиришни ташкил қилиш билан).

Бу М.Кастельснинг жаҳон бозорида асосий савдо бирлиги фирмалар бўлиб қолади, деган аввалги фикрига мос келади[20]. Улар оптимал географик жойлашув масаласини ҳал қилсалар-да, “уй бозорида”ги иқтисодий фаолият рақобатда устунликка эга бўлишда муҳим роль ўйнамоқда. Бу қуйидаги жиҳатлар билан асосланади.

– маҳаллий бозорларнинг иқтисодий фаолиятида катта фарқ мавжуд;

– жаҳон бозоридаги етакчи рақобатдошлар ҳар бир тармоқда, одатда, битта ёки иккита метропология давлатларда тўпланган;

– глобал компанияларнинг “таҳлилий оммаси” (айниқса, унинг ақлий маркази) бир жойда йиғилган.

[20] Кастельс М. Глобальный капитализм // Экономические стратегии, 2000. №3.

Глобал стратегиялар “уй бозорлар”ининг рақобатдош устунлигига, бошқа бозорларга киришда янги технология ва янги касб эгаларини таклиф этишга таъсир ўтказиб зарар етказиши мумкин. Буларнинг барчаси метропол давлатларда яхши ишлашни мувофиқлаштириши лозим. Шундай қилиб, глобализациялашув жараёнида жойлашув ва унинг модернизациялашуви аҳамиятга эга бўлмай қолади. Бундай ҳолатда инновация бизнесини бошқаришнинг стратегик қирралари[21] бизнеснинг глобаллашувида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди, фақат баъзи ўзгаришлар киритишни ва уни англаб етишни талаб этади. Масалан, М.Портер глобал рақобатни қўллаганда қуйидаги стандарт бўлмаган ечимлардан фойдаланишни кўрсатади;

– муҳим инновация жараёнларидан инновация капитали нолга тенг бўлганда ёки ҳатто салбий рентабеллика эга бўлганда фойдаланиш;

– турли чет эл компанияларида молиявий мақсадларнинг турли-туманлиги;

– юқори чидамлиликка эга бўлган буюмлар ассортиментини лойиҳалаш ва уларни паст баҳоларда сотиш;

– глобал рақобатни ва хусусий бозорлардаги маркетингни интеграциялаш;

– глобал бизнесни бошқаришда ақл-идрокнинг роли;

– стратегик менежментда иқтисодиёт билан социологиянинг қўшилиши;

– кичик бизнеснинг глобаллашуви.

2.2. Инновациялар – иқтисодиётнинг глобаллашган шароитида рақобат курашининг ҳаракатлантирувчи омили

Инновация глобал рақобатнинг ҳаракатлантирувчи омили эканлиги М.Портер[22] томонидан кўриб чиқилган ва кейинчалик қуйидаги асосий мулоҳазалар келтирилган.

Халқаро масштабда етакчиликка эга бўлган компаниялар бир-биридан ҳар жиҳатдан фарқ қиладиган стратегиядан фойдаланадилар. Ҳар бир муваффақиятли компания ўзининг стратегиясидан фойдаланса, уларнинг характери ва жамиятнинг чуқур илдизи бир хил бўлиб қолаверади. Компания рақобат устунлигига инновация ёрдамида

[21] Инновационный менеджмент: Учебник / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. Б.Н.Чернышева. – 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Вузовский учебник, 2008.

[22] Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. дом«Williams», 2000.

эришади. Улар рақобатдошликка эга бўлиши учун янги усулларни ўзлаштирадилар ёки самарали усуллардан фойдаланиш рақобат курашининг яхши маҳсулоти дизайн, янги ишлаб чиқариш жараёни, маркетинг, янгича ёндашиш ёки ишчилар малакасини оширишнинг янги усулида намоён бўлади. Кўпинча инновация – йирик технологик сакрашлардан эмас, балки аҳамиятсиз бўлган янгиликлар йиғиндисидан иборат бўлган оддий ва кичик кўринишда бўлади. Бу жараёнга кўпинча ғоялар жалб этилади, янгилик бўлмаса-да, бирор-бир мақсадга йўналтирилмайди. Бунда доимо ишчиларнинг малакаси ва билимларини жисмоний активларга ҳамда савдо марказининг обрўси оширишга сарфлаш юз беради.

Айрим инновациялар бозорларда янги имкониятлар яратиб, рақобатда устунлик ёки бошқа рақиблар эътибор бермаган бозор сегментларини тўлдиришга имконият яратади. Агар рақиблар унга эътиборларни секин қаратсалар, бундай инновациялар корхона учун рақобатда устунликка олиб келади. Масалан, Япония компаниялари автомобилсозлик ва маиший электроника каби тармоқларда кичик ўлчамли, кам энергия сарф қиладиган компакт моделларга эътиборни қаратиш билан устунликка эга бўлдилар. Халқаро инновация бозорида рақобатда устунликка эга бўладиганлар ички ва ташқи талабни аниқлай оладилар. Масалан, швед компаниялари Volvo, Atlas Copro ва AC каби жаҳонда хавфсиз маҳсулотларга бўлган халқаро талабнинг ошишини англаган ҳолда, шу соҳада бозорда қулай шароит вужудга келишини олдиндан билиб, жаҳон бозорида муваффақиятга эришдилар. Шу билан бирга ички бозорда инновация ўзига хос ҳисобланса ҳам, халқаро рақобатда муваффақиятга эришишга халақит бериши мумкин. Масалан, АҚШ қудратли ҳарбий бозорининг ўзига тортиши Америка компанияларининг жаҳон бозорига материаллар, асбоблар ва механизмларни ишлаб чиқаришга жалб қилувчи корхоналарини жаҳон савдо бозоридан эътиборини чалғитган.

Янгиликни жорий этиш жараёнида ва унга ўзгаришлар киритилганда ахборотга эга бўлиш муҳим роль ўйнайди, рақобатчилар ахборотларга эга бўлиши қийин ёки уларда ахборотга эҳтиёж бўлмайди.

М.Портернинг фикрича[23], миллатнинг рақобатбардошлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

– миллат аниқ янгиликларни саноатга татбиқ этиш ва модернизациялаш қобилияти билан;

[23] Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. Дом «Williams», 2000.

– рақобат курашининг асосининг билимларни яратиш ва ўзлаштириш томонига кўпроқ силжиганини англаш;

– компанияларнинг рақобат курашида инновация асосида афзалликка эришиш қобилияти;

– рақобат афзаллигига инновация ёрдамида эришиш;

– рақобат курашида эришилган афзалликни сақлаш учун ягона имконият доимо янгиликларни такомиллаштириш кераклигини англаш;

– рақобатда афзалликка эга бўлишнинг тўртта Ромб қоидаси мавжудлиги;

– бошқа давлатларнинг "Ромб команда"сини ўзгартирган ҳолда, унинг афзалликлардан фойдаланишга тўғри ёндашиши;

– глобаллашувга бошқа миллатлар ромбини афзаллик манбалардан танлаб фойдаланиш орқали тўғри ёндашиш;

– нима учун чет эл компаниялари юқори малакали мутахассислардан ўзларининг фаолиятларини ўрганишда фойдаланадилар, деган саволларнинг афзал жавобларини излаш қобилиятига эга бўлиш;

– рақобатдаги 13 устунлик узоқ муддатли такомиллаштиришнинг натижаси эканлигини англаш (сирларни ҳимоя қилиш яшириш билан эмас).

Шундай қилиб, М.Портер компаниянинг рақобатдаги устунлигини глобал рақобатнинг калити инновацияни олиб бориш ва татбиқ этиш, яъни инновация биржасини ташкил этишда, деб ҳисоблайди[24]. У жаҳон бозорида етарли даражада таъсир ўтказа олган ўндан ортиқ давлат (Буюк Британия, Германия, Дания, Италия, Корея, Сингапур, АҚШ, Швейцария, Швеция ва Япония) ларнинг рақобатбардошлигини тадқиқ этди. Миллатнинг рақобатбардошлик қобилиятини сақлаб қолган шароитларни тушунтиришни шубҳа остига олди:

– макроиқтисодий бюджет танқислиги ва банк кредити ставкасининг пастлиги (Жанубий Кореяда аксинча);

– экспорт қилувчи тармоқларда маҳаллий иш кучининг арзонлиги (Германия, Швейцария, Швецияда бундай эмас):

– табиий ресурсларнинг сероблиги (Жанубий Корея ва Японияда бундай эмас);

– давлатнинг иқтисодиётга аралашуви (Италия ва Тайванда аксинча).

Айрим миллатлар рақобатбардошлик қобилиятини оқилона тушунтириш ўзининг алоҳида имкониятларига эга бўлган фирмаларнинг мавжуд эканлигидир.

[24] Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. Дом «Williams», 2000.

Бу афзалликлардан фойдаланишнинг энг истиқболли усули инновация фаолияти, айниқса, унинг стратегик қиррасидир. Давлатнинг роли даставвал қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

Аксарият ҳолларда инновациялар содда ва кичик ҳажмларда, ягона йирик технологик ўсишга нисбатан,бирор кичикроқ жараён кўрсаткичларини яхшилаш ва ривожлантириш тадқиқоти ёки бозорни ўрганиш маҳсули бўлади. Кўпинча инновациялар мақсадли ҳаракат, кашфиёт, тўғри қарорлар, изланишлар натижасидир. Шу сабабли янгиликларни (новаторлар) ишлаб чиқарувчилар саноатнинг маълум тармоғи ёки давлатдан ажралиб қоладилар. Янгилик янги компаниядан (у анъанавий равишда иш юритмаган ёки машҳур бўлмаслиги мумкин) келиши мумкин. Ёки янги компанияга қўшилиши билан (шу соҳада иш бошлаган, янги имкониятларни сезаётган ва уни амалга оширишга ҳаракат қилаётган катта менежерлар орқали амалга ошириш мумкин) инновация, шунингдек, компания активлиги доирасининг кенгайиши, янги ресурсларни жалб этиш, янги тармоққа кўникмалар билан янги истиқбол ҳам вужудга келади. Улар шунингдек, бошқа миллат ва бошқа шароитлардан ёки рақобат курашининг бошқа усулларидан ўзлаштиришдан келиб чиқиши мумкин.

Камдан-кам истисноли ҳолларда инновация ноодатий ҳаракат натижаси бўлади. Компания ўз рақобат курашида ёки кучли воситаларининг муваффақиятли татбиқ этаётганида мақсадига иккиланмасдан интилади, жиддий тўсқинликлардан чекинмайди. Ҳақиқатда янгиликни жорий этиш, муваффақиятга эришиш учун босим зарурлигини англаш, ҳатто айрим агрессивлик, йўқотишдан қўрқиш кўпинча муваффақият қозонишда умидга нисбатан етарли, қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолади. Компаниялар янгиликлар асосида рақобатда устунликка эришгандан сўнг, уларни такомиллаштириш ёрдамида сақлаб қолиш мумкин. Амалда ҳар қандай мувафаққиятни такрорлаш мумкин. Корея компаниялари рангли телевизор ва видеомагнитофонларни оммавий тарзда ишлаб чиқиш билан рақобатдошлари имкониятларига эришдилар. Бразилиялик компаниялар теридан пойафзалнинг алоҳида турларини ишлаб чиқадиган рақобатбардош италия фирмаларига тенг келадиган даражада технологик жараёнларни шакллантирдилар ва дизайнини ишлаб чиқдилар.

Рақобатчилар инновацияни такомиллаштириш ва уни жорий этишни тўхтатган компанияларни дарҳол айланиб ўтадилар. Баъзан истеъмолчилар билан бўлган муносабатларида мавжуд технология-

лари маҳсулотларни сотишни кафолатлаганда ҳаракатсиз компаниялар ҳам узоқ вақт рақобатбардошликга эга бўладилар.

Баъзи давлатлардаги етакчи компанияларнинг янгиликка эришиш ва унга эга бўлишга интилишининг сабаби нимадан иборат? Нима учун улар рақобат курашида устунликка эришишнинг мураккаб манбаларини қидиришдан тўхтамайдилар?

Бу саволларга давлатчиликнинг тўрт хусусиятидан келиб чиқиб жавоб бериш мумкин. Жавоблар биргаликда мамлакат рақобатбардошликда устун эканлигининг исботлайди. Ҳар бир давлат ўз хусусиятларини ўзи вужудга келтиради ва уни қўллаб-қувватлайди. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1) омиллар учун шарт-шароитлар. Давлатнинг тармоқда рақобат курашини амалга оширишда, ишлаб чиқариш омилларининг қандай шаклидан фойдаланиши (малакали иш кучи инфратузилмасининг мавжудлиги);

2) талабнинг ҳолати. Ички бозордаги тармоқда маҳсулот ва хизмат кўрсатишга талаб;

3) халқаро даражада рақобатбардош бўлган давлатларда, маҳсулот етказиб берувчи ҳамда унга ёрдам берадиган тармоқларнинг мавжудлиги ва мавжуд эмаслиги;

4) барқарор стратегияга, таркибга ва рақобатбардошликга эга бўлган компанияларининг яратиш ва уни бошқариш учун мамлакатдаги мавжуд шароит, шунингдек, ички рақобат тавсифи.

Бу омиллар компанияларнинг вужудга келиши ва рақобатни ўрганишда қулай миллий муҳит яратиш шарти бўлиб қолади (1-расм).



1-расм. Мамлакатнинг рақобатда устунлиги омиллари (Портер ромби)

Расмда кўрсатилган ҳар бир чўққи ва уларнинг барчаси биргаликда халқаро миқёсдаги рақобатда муваффақиятга эришишнинг муҳим элементларини ташкиллаштиришни тасвирлайди. Тармоқда рақобат устунлигига эришиш учун керак бўлган ахборотларнинг мавжудлиги; малакали ходимларни жалб этиш учун ресурсларни сарфлаш йўналишини бехато аниқлаш; мулк эгалари, менежер ва компания айрим ходимларининг компания фаолиятига янгиликларни киритишга бўлган интилишини англаган ҳолда унга маблағ сарфлаш.

Мамлакат ичидаги вазият, ихтисослаштирилган ҳолат активларини жуда тезликда тўплаш ва амалий ҳал қилиш ҳамда, қўллаш ҳолатида айрим ҳолларда катта ҳаракат ва мажбуриятлар сабабли компаниялар рақобат устунлигига эришадилар. Мамлакат ичида муҳим ахборотлар оқими билан яхши таъминланганлик, ишлаб чиқариш жараёнида маълум бир маҳсулотга бўлган эҳтиёжни тўғри тушуниш ҳам компанияни рақобатда устунликка эриштиради. Ва ниҳоят, мамлакатдаги вазият мунтазам равишда янгиликларни киритиш ва инвестицияларни сарфлашга мажбур этса, компания нафақат рақобат устунлигига эришади, балки кейинчалик ҳам мавжуд устунликни кучайтириб боради.

Умумий нуқтаи назардан қараганда, ички рақобат курашини ҳисобга олиш бутунлай ортиқчадек: у ҳаракатларни такрорлашга олиб келадиган компаниялар фаолиятини халқаро миқёсда ўрганилганда унинг муваффақиятига халақит бергандек бўлиб кўринади, шу нуқтаи назардан қараганда ечим битта ёки иккита илғор компанияларнинг катта миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши ва чет эл рақобатчиларига қарши туриш учун етарли кучга эга бўлганини танлаш ва уларни керакли бўлган ресурслар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Кўп ҳолда давлатнинг етакчи миллий компанияларни йирик иқтисодий омиллар ҳамда субсидиялар билан таъминлаши ҳам уларнинг рақобатбардошлигини таъминлай олмайди. Мамлакат етакчи тармоқларида: фақат биргина аэрокосмик агентлик ёки телекоммуника-циялар маркази бўлса, рақобат емирилади.

Статистик самарадорлик ички рақобатни паст даражада рағбатлантирадиган динамик такомиллаштиришга нисбатан камроқ аҳамиятга эга. Ички рақобат ҳар қандай рақобат каби компанияларга янгиликларни киритиш ва уни такомиллаштиришга мажбур этади. Маҳаллий рақобатчилар бир-бирларини баҳоларни туширишга, маҳсулот сифати ва хизматларни яхшилашга, шунингдек, янги маҳсу-

лотлар ва жараёнларни яратишга мажбур қиладилар. Чет эл компаниялари билан бўладиган рақобат курашига қараганда, маҳаллий рақобат кўпгина соф-иқтисодий мусобақа доирасидан чиқиб етарли даражада мустақил бўлиб қолади. Бир мамлакат доирасида рақобатчилар ўз фаолиятига мерос бўлиб қолган етарли фаол рақибларни жалб қиладилар. Улар нафақат бозорни, балки кишиларни, техник ютуқларни бўлиб олиш учун курашадилар. Битта рақобатчи миллий компаниянинг муваффақияти бошқаларга шу соҳада ютуққа эришиши мумкинлигини исботлайди ва кўпгина янги ходимларни жалб этади. Компаниялар кўпинча чет эл компанияларининг ютуғини уларнинг ўзига хос бўлган айрим махсус афзалликларига боғлайдилар. Ички рақобатда ютқазган компанияларнинг айби йўқ. Компаниялар-нинг бундай жойлашувида уларнинг концентрацияси ҳам ички рақобатни кучайтиради. Ички рақобатдан келадиган яна бир ютуқ тазйиқдан иборат бўлиб, мунтазам равишда устунликка эришиш манбаини доимий такомиллаштириш учун шароит яратади. Ички бозорда рақобатчиларнинг мавжудлиги барча устунлик турлари омиллар харажатининг миллий бозорга кириш имтиёзлари чет элликларнинг ҳаракатларига имтиёзларни (импорт) бекор қилади. Компания юқорида айтиб ўтилган афзалликлардан воз кечишга мажбур бўлиб, натижада барқарор афзалликка эришади. Шу билан бирга ички рақобат компанияларни давлатнинг қўллаб-қувватлашига эришишга юқори масъулият билан қарашга мажбур қилади.

Компанияларнинг давлат шартномаси билан чегараланиб қолиши ёки тармоқда ёпиқ савдо сиёсати қўллаш эҳтимолидан ҳоли. Бунинг ўрнига ҳар бир тармоқ давлат қўллаб-қувватлашининг фойдали шаклларини, яъни ташқи бозорни ўзлаштиришда ёрдам, маълум билим олиш тизимига инвестицияларни сарфлаш ва бошқа маҳсус омилларни излайди. Айнан кучли ички рақобат компанияни ташқи бозорга чиқишда муваффақиятга эришишга сабаб бўлади. Кўпинча иқтисодиётнинг кенг қамровли тармоқларида маҳаллий рақобатчилар ташқи бозорга эътибор қаратишига мажбур бўладилар. Рентабелликни оширишда кучли рақобат курашида синалган компаниялар чет элларда ҳам муваффақиятга эришиш қобилиятига эга. Муваффақиятга эришишда ҳар тўртта компаниянинг бири ромбнинг рақобат курашида устунликка эга бўлиш нуқталарига мос келади. Бу – бўғиннинг ҳолатига боғлиқ. Масалан, меҳнат ресурсларининг сифати компанияга харидорлар талабига мослашиш имкониятини бермаса,, харидор-

ларнинг талаби маҳсулотларни ўз-ўзидан яратишга олиб келмайди. Рақобат етарли даражада кучли бўлмаса ва компания олдига қўйган мақсади керакли инвестиция билан таъминланмаса, ишлаб чиқариш омилларидаги аниқ камчиликлар янгиланишни рағбатлантирмайди. Умуман, бўғиндаги ҳар бир камчилик тармоқнинг ривожланиши ва янгиланиш имкониятларини чеклайди. Шу билан бирга Ромбдаги ҳолатлар бир-бирини кучайтириш хусусиятига эга, чунки улар яхлит тизимни ташкил этади. Ички рақобатда иккита элемент ҳудудий тўпланув ва ромбнинг ягона тизимга айланишида, айниқса, кучли ички рақобат барча тарафларнинг ҳолатларини такомиллаштириш калити ҳисобланади. Худудий тўпланув тўрт алоҳида омилларнинг йиғиндисининг янада ривожланишини рағбатлантиради. Ички рақобат, шунингдек, маҳаллий ва бир-бирига ёрдам берадиган саноат тармоқларининг вужудга келишига имконият яратади. Масалан, жаҳон миқёсида ярим ўтказгичли технологиялар соҳасида илғор бўлган Япония, ушбу асбобларни ишлаб чиқариш билан шуғулланган ишлаб чиқарувчиларни турли йўллар билан рағбатлантирган ва натижада етакчи ўринни эгаллаган. Бу самара ҳамма йўналишларда ҳам ишлаши мумкин: айрим вақтларда трансмиллий даражадаги таъминотчилар, ўзлари таъминлайдиган тармоқнинг ҳамкорларига айланиб қоладилар ёки стратегик аҳамиятга эга эканлигига кўзлари етса, ўзлари мол етказиб берувчилар қаторига кирадилар. Ромбнинг тизимли тавсифга эгалигининг яна бир томони унда рақобатбардош тармоқларнинг ҳар бири билан муносабатларни амалга ошириш муҳитининг вужудга келишини ифодалайди. Рақобат-бардош тармоқлар иқтисодиётда тартибсиз тарқоқ жойлашмаган, улар одатда бир-бири билан вертикал (харидор-сотувчи) ёки горизонтал (умумий истеъмолчилар, технологик каналлар воситалари) тарзда боғланганлар. Бу гуруҳлар жисмоний жиҳатдан бўлиниб ташланмайди. Улар географик жиҳатдан бир-бирига интилади. Битта рақобатбардош компания ўзаро кучайиши натижасида иккинчисининг вужудга келишига ёрдам беради. Масалан, маиший электроника ишлаб чиқарувчи Япония компаниялари ўзларининг ярим ўтказгичли технология соҳасидаги ютуқларини хотира планти ва интеграл схемалар ишлаб чиқаришга кўчирдилар. Laptop компьютерларини ишлаб чиқарувчи Япония компаниялари нисбатан афзалликка эга бўлмасаларда, компакт ихчам буюмлар, калькулятор ва соатлар, суюқ кристалли дисплейлар ишлаб чиқаришда билим ва тажрибага эга бўлган ком-

паниялларга нисбатан кучли ишлаб чиқарувчилар ҳисобланадилар. Кластер вужудга келиши билан гуруҳдаги тармоқлар ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашга ўтади. Устунлик олдинга, орқага ва горизонтал йўналишда тарқалади. Бир тармоқдаги кучли рақобат бошқа тармоқларга технологияларни узатиш, бозор позициясининг ривожланиши ва мавжуд компанияларнинг диверсификациялашуви орқали кластер чегарасида тарқалади. Кластер ичидаги бошқа тармоқларнинг бозорга кириши илмий тадқиқот йўналишларини рағбатлантириб, янги стратегия ҳамда кўникмаларни киритишга ёрдам беради ва модернизацияни жадаллаштиради. Истеъмолчилар ва таъминотчилар орасидаги канал орқали кўплаб рақобатчилар билан алоқада бўлган компаниялар ўртасида ахборот ва инновациялар эркин тарқалиши келиб чиқади. Гуруҳ атрофидаги ўзаро алоқалар, одатда, кутилмаган янги рақобат кураши ва янги имкониятлардан фойдаланиш кераклигини келтириб чиқаришни англатади. Кластер ҳар хилликни қўллаб-қувватлаш, қарашларни тор фикрлаш, сустлиги етарли даражада бўлмаган эгилувчанликни бартараф қилиш воситаси бўлиб қолади. Кластернинг янгиликларни киритиш ва унумдорликни оширишдаги афзаллиги, бу ерда хавф-хатар юқори бўлса-да, алоҳида жойлашганларга нисбатан муҳимроқ бўлиши мумкин. Биргина устанинг унумдорликни оширадиган айрим фазилати янгиликни киритишда энг муҳим омил бўлади. Кўпинча кластерга кирган фирмалар харидорларнинг эҳтиёжларига тезликда эътибор беришга қодир. Кластер таркибидаги фирмалар харидор эҳтиёжларини, улар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатган фирмалар ҳақида махсус ахборотлар тўплаш структурасининг мажмуи ҳамда буюртмачилар-нинг талабини ўрганувчи компанияларнинг тўпланувидан наф кўрадилар. Кластерга кирган фирмалар кўпинча талаб тенденциясини улар билан рақобатда бўлган алоҳида фирмаларга нисбатан тезроқ аниқлашлари мумкин. Кластер янги технология, усул ёки таъминотни амалга ошириш имкониятини беради. Кластерга кирган фирмалар технологиядаги тараққиётдан, янги компонентлар ва асбоболарни қўллаш муҳимлигидан, хизмат кўрсатиш ва маркетинг ҳақидаги янги концепциядан тезда хабардор бўладилар ва уни мунтазам кузатадилар, чунки бу вазифалар кластерда бошқа аъзолар ва шахслар ўртасидаги ўзаро алоқаларда амалга ошади. Кластерга аъзолик бошқа фирмалар фаолиятини бевосита кузатишни енгиллаштиради. Бунга қарама-қарши ҳолда яккаланган фирманинг ахборотларга кириши қийин ва унга кўпроқ ҳақ

тўлашга мажбур. Унинг учун ўз структураси доирасида янги билимларга эришиш учун қўшимча ресурсларни ажратиш зарурияти ошади. Кластернинг янги инновациялар учун имкониятлар яратиш кераклигини англашдаги салоҳияти юқори бўлиб, бу уларнинг мазкур эҳтиёжга тез эътиборни қаратишдаги эгилувчанлигида ифодаланади. Кўпинча кластер чегарасидаги фирмалар янги хизматлар, асбоб-ускуналар учун тезкорликда манбаларни топиши мумкин.

Инновациянинг элементларини амалга ошириш учун керак бўлган элементлар қандай бўлишидан қатъи назар, янги ишлаб чиқариш жараёни ёки таъминотнинг янги модели бўлиши мумкин. Маҳаллий таъминотчилар ва шериклар ҳақиқатан ҳам қобилиятли бўлиб, улар янгиланиш жараёнига жалб этиладилар ва бу билан фирмаларнинг эҳтиёжига мос келадиган маҳсулотлар билан таъминлайдилар. Янгича ёндашиш натижасида керакли бўлган ходимларни шу жойнинг ўзида танлаб олиш мумкин. Янгиликларни киритиш жараёнида бир-бирига ўзаро ёрдам берувчи иштирокчиларнинг бир-бирига яқин жойлашиши фойдали бўлади. Кластердаги фирмалар янги буюм, жараён ёки хизмат кўрсатишни кам харажатлар билан синовдан ўтказиб, ундан фойда олишга ишонч ҳосил қилмагунларича, ўзларига катта мажбурият олмайдилар. Бунга қарама-қарши фирмалар узоқ жойдаги ресурсларни ташиш тизимида юк ортишни таъминлаш, техникавий қўллай олиш ва сервис хизматини амалга ошириш, шунингдек, фаолият жараёнида кўп сонли бошқа тизимлар билан келишишга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўладилар. Манбаларга кўра зарур инновация билан боғлиқ бўлган савдодаги қийинчилик ички капитал қўйилмалар қадрини туширади, бунда янгиликларни ривожлантириш даврида мавжуд бўлган маҳсулотларни ва жараёнларни қўллаш зарурияти вужудга келади. У ёки бу афзалликнинг инновация билан асосланиши географик жиҳатдан бирлашган кластерда, айниқса, рақобат мослаштиришга йўналтирилган ва мунтазам таққослаш олиб бориладиган босим остида янада кучаяди.

Мавжуд бўлган фирмаларнинг (кескин рақобатчилик шароитида) бир-бирига ўхшашлиги (масалан, иш кучи қиймати, ёрдамчи воситалар) уларнинг ўз фаолиятларига ижодий ёндашишни талаб этади. Кластердаги айрим фирмалар узоқ вақт давомида илғор бўлиб қолиши қийин, лекин кўпгина фирмалар бошқа худудларда жойлашган ўхшаш фирмаларга қараганда тезроқ ривожланади. Бозор рақобатбардошлиги унинг бугунги кундаги муҳим хислати бўлиши учун

инновацияларнинг ролини янада ошириш керак. Ташқи муҳитдаги ҳолатнинг ўзгариши компания фаолиятида инновациянинг роли ва ўрнини қайтадан кўриб чиқишни талаб этади. Жаҳон бозорларининг XX асрдаги ривожланиш тенденцияларинг таҳлили унинг асосий хусусиятларини келтириб чиқарди. Бозор ривожланишининг тўхтовсиз ўзгариши номувофиқлик ва кутилмаган жойда вужудга келишида ифодаланади. XX асрнинг охирларида қуйидаги тенденциялар кузатилди:

– бозорнинг байналмилаллашуви;

– компьютер тармоқларининг ривожланиши, маркетинг ва савдонинг реал вақт мобайнида туташиб кетиши;

– бизнеснинг стратегик тавсифга эга бўлиши (инновация бизнесининг глобаллашуви, сервис хизмати ва ахборотлар билан таъминланиши);

– компаниялар ўртасидаги рақобат янги даражага кўтарилади ва глобал тавсифга эга бўлади;

– халқаро ҳамкорлик технологияларни натурал ҳолда алмаштириш ёки “нау-хау”дан иборат бўлиб қолади. Ҳозиги даврда жаҳон бозори ва минтақавий инсон фаолиятининг барча соҳаларида иқтисодиётда тизимли интеграция амалга ошмоқда, натижада жадаллашган иқтисодий ўсиш, замонавий технология ва бошқаришнинг янги усулларини жорий этиш амалга ошмоқда. Ҳозирги даврда қуйидагилар кузатилмоқда:

– давлатларнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграцияси;

– коммуникация воситаларининг глобаллашуви;

– янги халқаро молиявий оқимнинг ўсиши ва молиявий бозорлар глобаллашуви;

– компаниялар фаолиятининг глобаллашуви ва ахборотлар бозори ҳамда, илғор технологияга асосланган ҳолда уларнинг трансмиллий коорпорацияларга айланиши;

– рақобатда устунлик эндиликда инсон капиталининг сифати, билим олиш ва ишлаб чиқаришда, фан ва техникани ишлаб чиқаришда қўллаш даражаси билан аниқланади.

Иш кучи ва хомашёнинг кўплиги рақобат устунлиги деб аталмайди. Жаҳон иқтисодий тизимининг энг муҳим хусусияти компанияларнинг жаҳон миқёсида тўпланиши ва хўжалик фаолиятининг глобаллашуви бўлиб қолди. Трансмиллий капиталнинг концентрацияси ишлаб чиқариш ва янги сифат даражасига кўтарилди. Дунё халқаро

молияси янги тартибларини шаклланишида халқаро капитал, трансмиллий компаниялар ва халқаро ташкилотлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳозирги давр иқтисодий ўсишида фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш асосий омилларининг ақлий салоҳиятидан фойдаланиш юқори аҳамиятга эгалиги билан тавсифланади. Ривожланган давлатларда ЯИМни яратишда, технология ускуналарида акс этган билимлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги билимлар улуши 80 – 95 фоизни ташкил этади. Бозор рақобатида муваффақиятга эришишда янги технологиялар асосий калит бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот, товарлар ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишда асосий восита бўлиб қолмоқда. Янгиликларни киритиш рақобат курашининг асосий шарти бўлиб, бунда илғор корхоналарга янги технология ва маҳсулотларни ўзлаштириш, юқори фойда олиш ҳисобига интеллектуал рентага монопол эгалик қилиш имконини беради. Ҳозирги даврда иқтисодий ўсишнинг муҳим хусусияти, узлуксиз инновацион жараёнларга ўтиш билан тавсифланади. Бугун ИТТКнинг суръати кўп ҳолатларда иқтисодий ўсишни аниқлайди. Глобал иқтисодий рақобат курашида илмий тадқиқот ва илмий-техника тараққиётига давлатлар тамонидан қулай шароитлар яратилсагина жамиятда иқтисодий самара юзага келади. Шунинг учун корхонанинг глобал рақобат курашидаги муваффақияти, давлатнинг илмий-техникавий базани яратиш соҳасида олиб борадиган сиёсатига бевосита боғлиқ. XXI асрда глобал рақобат фақат мамлакатлар ўртасидагина эмас, балки ҳар бир аҳоли тизими капиталининг жамғарилиши, ишлаб чиқариш тадбиркорлик структурасида билимларни қўллашни ташкил этиш асосида такрор ишлаб чиқаришни амалга оширадиган трансмиллий тизимлар ўртасида амалга ошади. Жаҳон глобал иқтисодий ривожланиш жараёнлари, унинг тўхтовсиз ҳаракатини амалга оширадиган қатор шундай тизимлардан ташкил топади. Компанияларнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги фаолияти, уларнинг халқаро бозорларга чиқиши ёки жараёнга жалб этилиши уларнинг глобаллашувидан дарак беради. “Трансмиллий” деганда, фаолиятнинг кўп қисми мамлакатнинг ва миллий бозор манфаати чегарасининг ташқарисида амалга ошадиган компания тушунилади.

Бу компаниялар фаолиятининг кўлами жуда кенг ва улар хилмахил: унинг таркибини турли тармоқларда турлича стратегия билан фаолият юритаётган ташкилотлар ташкил этади. Мазкур ташкилотлар ўзаро рақобат курашида мультилокал ёки глобал тармоқ йўлини

танлайдилар. Улар бир-бирларидан иқтисодий имкониятлари ва ютуқларга эришиш йўллари билан фарқланадилар. Мультилокал тармоқлардаги компаниялар чет эл бозорларидаги мавжуд мустақил стратегияларни кузатадилар, рақобат муаммоларини аниқлашда бир бозорга нисбатан ҳал қилмайдилар. Чет элдаги ҳар бир филиал стратегик мустақил бўлим ҳисобланади. Унинг тезкор фаолияти ҳам моҳияти жиҳатидан автоном бўлади. Трансмиллий компанияларнинг қароргоҳи глобал кўламда бошқаришнинг молиявий таянчи ҳисобланади ва маркетинг сиёсатини мувофиқлаштиради, улар ИТТКИнинг ва компаниялар ишлаб чиқаришининг бир қисмини марказлаштирадилар, лекин унинг ишлаб чиқариш стратегияси ва тезкор фаолияти тўлиқ марказлаштирилмаган бўлиб қолади. Ҳар бир филиал фойда олиш маркази ҳисобланади, унинг компаниялар ривожига қўшадиган улуши аниқ бозор имкониятига мос келиши керак деб мўлжалланади. Компания маҳаллий менежерлари ИТТКИни ишлаб чиқаришда, маркетинг ва маҳсулотларни сотишда муваффақиятга эришишда барча зарур ишларни қилиш, охирги натижалар учун жавобгарликни оширишни афзал деб ҳисоблайдилар. Бошқача айтганда, компания бошқа трансмиллий компаниялар, маҳаллий рақобатчилар билан алоҳида бозорларда ҳам рақобат қилади. Мультилокал компаниялардан фарқли равишда, глобал тармоқ бутун дунё ишлаб чиқариш ва бозор тизимини худди шу компания тизими билан рақобатда бўлишга мажбур қилади. Бу ҳолда турли мамлакатлардаги шуъба корхоналари бир-бири билан тезкор фаолият юритиш стратегияси билан бир-бирига жуда боғлиқ бўлади. Шуъба корхона бир мамлакатда компания маҳсулоти ассортиментининг маълум қисмини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиши мумкин, уни тизимнинг бошқа филиаллари маҳсулоти билан айирбошлаш мумкин. Ҳар бир давлатнинг фойда олиш йўллари жаҳон хўжалиги тизимида тутган ўрнига боғлиқ. Компаниялар ҳар бир давлатдаги маҳсулот баҳосини иккинчи давлатдан оладиган хоҳлаган самарага қараб белгилаши мумкин.

Глобал бизнес шароитида компания раҳбарлари жаҳон бозорида кам сонли бошқа трансмиллий компаниялар билан ҳар ерда рақобатда бўлади. Стратегия марказлашган ҳолда ишлаб чиқилади, тезкор фаолият қирралари марказлашган марказлашмаган бўлиши мумкин. Барчиси иқтисодиёт талаби ва самарадорлигига боғлиқ. Компания маҳаллий бозорнинг талабларига эътибор берган ҳолда, глобал тизимда умуман самарадорлик пасайиб кетмаслигига ҳаракат қилади. Глобал компа-

ниялар (миллатига боғлиқ бўлмаган ҳолда) ўзларининг хорижий рақобатчиларига таъсир этишнинг асосий таянчларини – халқаро ишлаб чиқариш иқтисодиётидан пул оқимларигача назорат қилишга ҳаракат қилади. Андозага тушмайдиган ҳаракатлар (масалан, муҳим бўлган маҳсулотлар баҳосини тушириб ёки бозордаги баҳоларни тушириш) билан компания ўзининг рақобатчилари жавоб реализациясини қийинлаштирадилар ва қимматлаштирадилар. Асосий мақсад ўзининг шахсий самарадорлигини ошириш ва рақобатчиларнинг самарадорлигини пасайтириш бўлиб қолади. Лекин ҳар бир компанияда рақобат стратегиясини ишлаб чиқиш шарт эмас. Глобал рақобатдан олинадиган ютуқ катта бўлса-да, унинг хавфи ҳам шунга яраша катта бўлади. Глобал рақобат стратегия ва тезкор фаолиятга мураккаб жиддий ўзгаришлар киритишни талаб этади. Глобал рақобат трансмиллий компанияларнинг коорпорацияларни бошқаришда қатор ностандарт ёндашишлардан фойдаланишини талаб этади, масалан;

– инвестиция капиталидан ноль ёки манфий фойда оладиган инвестиция лойиҳалари;

– турли хорижий шуъба компанияларда молиявий фаолиятнинг турли-туманлиги;

– маҳсулотлар ассортиментининг мустаҳкамлиги атайлаб ҳаддан ташқари мустаҳкамлик зонаси билан лойиҳаланади ёки айрим бозорларда паст баҳода сотилади;

- Ҳар бир давлатнинг халқаро бозор портфелидаги бир бирига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган, даромадлигига кўра кўпайтириш ёки камайтириш мумкин бўлган мавқеи(ўрни) ҳақидаги тасаввурлар;

– Иш кучининг арзон ёки қимматлигига кўра мамлакатларда ишлаб чиқариш қувватларини яратиш.

Ҳозирги кунда глобал ҳисобланаётган тармоқларнинг деярли барчасида (масалан, автомобиль ва телевизорларни ишлаб чиқаришда) илгари бундай ҳолат бўлмаган. Ҳар бир компания ўзининг салоҳиятини англаган ва баҳолаган ҳолда мультилокал рақобатдан глобалига ўта олиши, унга бундай ўтиш самарали эканлигини тушуниши керак. Агар ҳеч қандай кафолат бўлмаса,бизнес глобал бўлиши учун глобал рақобат кураши билан боғлиқ бўлган катта миқдордаги капитал маблағларни хавф-хатар остида сарфлашга тайёр бўлиши керак.

Хекшер-Олиннинг халқаро савдо назарияси ташқи савдонинг шаклланиши ва тараққиёти йўналишларни тушунтириб берди. Ресурслари кўп бўлган давлатлар ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига

нисбатан арзон баҳода сотиш имконига эга бўладилар. Лекин XX аср ўрталарида Хекшер Олин назариясини АҚШ иқтисодиётининг 1947 йилдаги маълумотлари асосида эмпирик текшириш натижасида америкалик иқтисодчи В.Леоньтев қарама-қарши хулосага келади: Капитал ҳажми юқори бўлган АҚШ импортида, капитал сарфи юқори бўлган товарларнинг улуши катта бўлганлигини таъкидлайди ва маҳсулотларнинг яшаш даври назарияси асосида жаҳон савдосининг ривожланишини тушунтириб берди. Товарнинг яшаш даври арзон ишлаб чиқариш омилининг ривожланишига қараб, ишлаб чиқарган мамлакатларга кўчади. Бунда харажатлар қанчалик кам бўлиши рақобатда енгишнинг асосий шарти ҳисобланади. Халқаро савдонинг янги интеграцияси бозорларни шакллантиради ва шундай қилиб истеъмолчиларга кўплаб товарларни анча арзон баҳоларда таклиф қилиш имконини беради. Лекин кўлам самарасини амалга ошириш, такомиллашган рақобат курашининг емирилишига олиб келади, чунки кўлам самараси амалда корхоналарнинг йириклашуви ва концентрациялашуви билан боғлиқ. Бундай ҳолда савдо халқаро гигант корхоналар, трансмиллий корпорациялар қўлига тўпланади, натижада корхоналарнинг савдо ҳажми ошади. Бунинг сабаби нисбий афзаллик ёки ишлаб чиқариш омиллари билан таъминлашдаги фарқда эмас, балки корхонанинг стратегик мақсадида намоён бўлади.

1991 йилда М.Портер инновация ва инновацион фаолиятнинг глобал рақобатдаги ролига янгича изоҳ берди[25]. Яққол кўзга ташланаётган ҳақиқат шуки, ҳозирги шароитда жаҳон товар оқимининг ҳаракати катта табиий устунлик эмас, балки рақобат кураши натижасида янгидан эгалланган устунлик билан боғлиқ. Натижада жаҳон бозорида рақобат кураши мамлакатлар ўртасида эмас, балки корхоналар ўртасида амалга ошмоқда. М.Портернинг тарифи миллий даражадаги рақобатбардошликни тушунтиришда, меҳнат ёки капитал бирлигининг сарфланиши натижасида вужудга келган маҳсулот ҳажмининг ягона концентрациясини исботлайди. Унинг фикрича унумдорлик, аҳоли турмуши узоқ муддатли стандартининг детерминанти, аҳоли жон боши учун яратилаётган миллий даромаднинг асосий манбаидир. Аслида аҳоли ва давлатнинг ягона даромад манбаи, аҳоли турмуш даражаси ва мамлакат фаровонлигини оширувчи алоҳида компаниялар

[25]Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. Дом «Williams», 2000.

бўлиб, улар даромад генераторлари бўлиб хизмат қиладилар. Агар мазкур давлатда меҳнат унумдорлигини ошириш ва халқаро бозорда рақобатбардош бўлиш учун барча ички шарт-шароитлар яратилган бўлса, омиллар харажатининг кам эканлиги (масалан: меҳнат, хомашё, капитал ёки инфратузилма) ёки ҳажмининг аввалгидек мавжудлиги нисбатан устун бўлса-да, у энди кўпгина тармоқларда рақобат устунлигини ифода этмайди. Глобализация энди корхоналарга нисбий устунликка эришиш учун хомашё, капитал ва хатто камёб илмий билимларни хоҳлаган жойда, баъзи бир фаолият турларини ҳар хил давлатларга жойлаштириш билан арзон иш кучи ва капиталга эга бўлиш имкониятини беради. География жойлашганликда рақобат устунлигига эришиш, айнан ишлаб чиқариш омиллари миқдори арзон бўлганидан эмас, балки бу ресурслардан оқилона фойдаланиш оқибатида унумдорликнинг юқори даражасида юзага келади. Улар омиллардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва эскича ишлаш билан мунтазам илғор бўлиб келаётган компаниялардан ўзиб кетадилар.

Корхоналар рақобатда бозор унумдорлигига эришиш мақсадида, ишлаб чиқаришнинг илғор омилларидан фойдаланган ҳолда фаолиятларини глобал кўламда кенгайтирдилар. Бундай рақобатда устунликка эришиш инновацияларни жорий этиш ва унумдорликни ўстириш жараёнида амалга ошади. Бугунги кунда компаниянинг фақат инновация ёрдамида рақобат устунлигига эга бўлиши тан олган ҳақиқат бўлсада, муваффақиятли компанияларнинг ўзига хос стратегияси, фаолиятининг индивидуал тамойиллари, тавсифи ва эволюцияси моҳиятан бир хил бўлиб қолаверади.Фаолиятини мунтазам янгилаш ва такомиллаштириш воситасида у юқори унумдорликка эришади ва вақт ўтиши билан самарага эришади. Инновациянинг манбаи компаниянинг ўз фаолияти давомида эришган билими ҳисобланади. Айнан ИТТКИ натижасида эга бўлинган билимлар инновация, янгиликлар ва янги патент кўринишига киради, патентлар, ихтиролар ва муаллифлик гувоҳномалари кўринишида рўйхатга олинади. Билимларга эга бўлиш компаниялар учун инновацияларни амалга оширишни бошқариш нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун билимларга эга бўлиш, уни бошқариш ва уларни ИТТКИда қўллаш, инновация менежментининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва билимлар менежменти деб туркумланади. Умумий ҳолда билимларни бошқариш жараёни билимларни олиш, умумлаштириш, жамғариш, сақлаш, ҳимоя қилиш ва қўллашдан иборат. Билимларни бошқариш стратегияси, билимларга нис-

батан уни ўзлаштиришга асосланган қобилият ва ресурслар баланси сифатида тушунилиши мумкин. Бу компанияларнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатишда рақобатчилардан ўзиб кетишини ифодалайди. Қандай билимларга асосланган ақлий ресурс ва қобилият аҳамиятли ҳисобланади? Бундай ресурслар ва қобилиятларнинг корхонани янги харидоргир маҳсулот билан таъминлаш имкониятлари қандай? Бу маҳсулотларнинг бозордаги ўрни қандай бўлади? Шу каби бир-бирига ўхшаш бўлган саволлар, билимлар менежменти стратегиясининг асосини ташкил этади. Билимларни бошқариш стратегиясининг шаклланишида аньанавий SWOT схема таҳлилидан (Strengths-weaknesses- opportunies- threstst) фойдаланиш мумкин.

SWOT: Strength-Weaknesses-Opportunities Threats (куч – заифлик, имконият, хатар)

Манфаатдор корхона SWOTни у ёки бу билимларни ёки қобилиятни ўзининг рақобат устунлиги ва заиф тарафини яхшироқ тушуниш учун керак бўлган таҳлилни амалга ошириш харитасига айлантиришга ҳаракат қилади. Корхона харитадан билимларни бошқариш, билим олиш жараёнида ўзининг устунлигини мустаҳкамлаш, заиф томонларини билим воситасида ҳимоя қилиш ёки ундан қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин. Билимлар динамик ҳолатда бўлса, стратегик билимлар харитаси корхонанинг бугунги ҳолатининг ифодасини, шунингдек, унинг тайёрлаш стратегиясини ва рақобатчилар истаган профилини кўрсатиш имкониятини беради. Компаниялар ундан қўшимча равишда билимлар тарихини тиклаш ва келажакдаги траекториясини яратишда фойдаланишлари мумкин (2-расм).

Асосий фундаментал билимлар минимум бўлиб, тармоққа чиқиш учун маълум тўсиқларни вужудга келтиради, уни эгаллашда ташкилотнинг иштирокини таъминлайди. Лекин бу корхонанинг узоқ муддатли рақобат қийматини таъминлай олмайди. Муваффақиятни таъминлайдиган билимлар корхонанинг рақобатбардошлик қувватини янада мустаҳкамлайди.

Компания рақиблари каби ўз даражасига, дунёқарашига, билим сифатига эга бўлиши мумкин, лекин махсус билимлари унга диверсификация стратегиясидан фойдаланишга ёрдам беради ва стратегик билимлар харитасидан фойдаланиб фаолиятини такомиллаштираётганида эга бўлаётганда ўз нуқсонларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин. У билимлар асосида ресурс ва қобилиятлари-нинг такомиллашган стратегик эволюциясига эга бўлган ҳолда, қандай билимни

ишлаб чиқиш ёки унга эга бўлиши кераклигини аниқлаши мумкин. Компания билимлар менежменти стратегияси қирраларини ҳисобга олиган ҳолда, билимларни бошқариш ёрдамида ўз стратегик нуқсонларини йўқотишга интилиши керак.



2-расм. Компания стратегик билимлари харитаси

“Билим олиш – фойдаланиш” уйғунлиги ва билим олиш манбаини аниқлаш корхонанинг билимларини бошқариш услубини ифодалайди.

3-расмда келтирилган ички билимлардан фойдаланишга мўлжалланган корхоналар эски бошқариш усулидан фойдаланишни тарғиб этадилар, билим олишни бутунлай инкор этадиган ва шу кундаги масалаларни ҳамда ташкилот рамкасига боғлиқ бўлмаган ҳолда билимларни қўллашни тарғиб этувчилар (ашаддий новаторлар) бошқарувнинг жуда агрессив услубини ифодалайди.

Билимлар манбаи	Чегараси йўқ			Агрессив
	Ташқи			
	Ички	Консерватив		
		Фойдаланувчи	Тадқиқотчи	Инноватор

3-расм. Корхонанинг билимларини бошқариш стили

Билим талаб қиладиган корхоналарда билимларни тарғиб қилувчилар жуда консерватив услуб қарашларга нисбатан рақиблардан ўзиб кетадилар. Агрессив стратегиядан компаниялар рақобат курашида орқада қолаётганда ҳам фойдаланади. Агрессив корхоналар янги билимларни эскиларининг бузилиши жараёни натижаси деб ҳисоблайдилар. Улар ўзлари эга бўлган билимлар рақобатчиларининг қийматини бузишини кутмайдилар.

Агрессив корхоналар билимларни алмашинуви ёки тарқалишига тўсиқ яратишга алоҳида эътибор берадилар. Улар билимларга эга бўлиш йўлидаги ўз интилишларини,илғор зиёлилар, касбий кўникмалари ва маъсулият ҳисси юксак бўлган билимдон ва интизомли ишчиларни танлаш ва тарбиялаш,корхонанинг умумий илмий ва маданий салоҳиятини ошириш ёрдамида амалга оширадилар. Эскича бошқариш усулидан фойдаланаган тармоқларда билимлар секин тарқалади, ўрганиш имконияти эса кўпинча чекланган. Бу корхоналарнинг рақибларга нисбатан афзаллиги, ташқи билимларни тезликда ютиб юбориш қобилиятига эга эканлиги, бу билимларни мақсадларига қўшиб ва тезликда янгиликни амалга оширишда ифодаланади. Саноатни анъанавий тармоқлар ва секторларга бўлиш ва иқтисодиётни Кластер орқали кузатиш компанияларга инновация фаолиятини рағбатлантириш ва рақобатда ўз афзаллигининг устун тамонлари вужудга келишининг ташқи омилларини чуқурроқ тушуниш имкониятини беради. Корхона Кластерни ўз фаолиятида ўзаро алоқадор ва худудан бир жойда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг тизими сифатида ифодалаши мумкин ва уларнинг биргаликдаги аҳамияти, унинг бўлаклари йиғиндисига нисбатан юқоридир. Кластернинг кўпгина иштирокчилари бир-бирлари билан бевосита рақобатлашмайдилар, улар тармоқнинг ҳар хил бўлаклари (сегментлари)га хизмат кўрсатадилар.

Кластер вужудга келиши билан гуруҳдаги барча тармоқлар бир-бирини қўллай бошлайди. Қўллаш горизонтал йўналишда билимлар ва ахборотларни эркин алмаштириш ҳисобига тарқалади. Тажовузкор рақобат бир тармоқдан иккинчи тармоққа Кластер чегарасида технологияларни узатиш, бозор ҳолатини ривожлантириш ва амалдаги корхоналар турини кўпайтириш билан тарқалади. Кластер ичидаги бошқа тармоқлардан бозорга кириш модернизацияни тезлаштириб, илмий ёндашишни рағбатлантиради, янги стратегия ва кўникмаларни киритишга кўмаклашади. Таъминотчи ва истеъмолчилар канали орқали бир-бирлари билан муносабатда бўлган кўпгина рақобатчи

компаниялар ўртасида ахборотлар ва инновациялар эркин тарқалади. Гуруҳ ичидаги ўзаро алоқалар кўпинча етарли кутилмаган рақобат курашининг янги турларини ва имкониятларини англашга сабаб бўлади. Бундай Кластер тор фикрлашни бартараф этиб, фикрлар ранг-баранглиги, интеграция билимлари ва инновациянинг тарқалиши мехенизми етарли даражада эгилувчан бўлишига, инновация ҳаракати ва рақобатда устунликни вужудга келтириш воситаси бўлиб ҳизмат қилади. Инновация натижасида рақобат устунлиги шаклланишига фақат реализация ёрдамида эришиш мумкин. Бу янги товарлар ва технологияларни қўллашда акс этади. Шу билан бирга компания рақобатчиларга нисбатан янги технология даражасига эришади, нано-технологияда устунлигини таъминлайди ва рақобатда устунликга эришади.

Глобал рақобат курашида муваффақиятга эришиш учун бу устунлик камлик қилади. Бунда тўғри рақобат стратегиясини танлаш ва тўғри стратегияни шакллантириш муҳим. Бунда мазкур компания стратегияси ва стратегик бошқаруви занжирнинг оралиқ бўғини бўлиб қолади. Билимлар, инновация, технология устунлиги, рақобатда устунлик, стратегия, компанияни стратегик бошқаришдаги кетма-кетлик, глобал рақобатда муваффақиятга эришишнинг босқичларини акс эттиради, рақобат курашида билимлар ва инновациянинг муҳимлигини асослайди, билимлар менежменти, инновацион технологик ва стратегик менежментларини узвий боғлайди. Бу – глобал компанияларни бошқаришда янги тушунчалар пайдо бўлишига, танланган ва амалга оширилаётган стратегияни юқори раҳбарлик томонидан рақобат курашидаги ютуқларини кўра олишига боғлиқ бўлади.



4-расм. Глобал рақобатда ютуққа эришиш босқичлари

4-расмда глобал рақобат курашида устунликка эришишнинг босқичлари келтирилган, бунда бошланғич босқич билимлардан иборат. Компания қандай билимларга эга эканлиги, унинг у ёки бу инновацияларга янгилик киритишида ёки яратаётган янгиликларида акс этади ва ғояларини рақобатчилари бўлмаган технологияларда амалга оширади. Бу технологиялар рақобатдаги устунликни шакллантиради ва унга мос бўлган стратегия асосида, рақобат курашида муваффақиятга эришишини таъминлайди. Ўз навбатида бундай стратегия ИТТКИ натижаларига мосланган технологияларнини талаб этади. Технологиянинг илмий сиғимини аниқлайди. Шундай қилиб, инновациянинг глобал рақобатдаги роли, компанияларнинг тўғри стратегияга асосланган ҳолда бозорда технологик устунликка эришишига имконият яратишидан иборат. Глобал рақобатда муваффақиятга эришиш, компания раҳбарларининг тўғри ишлаб чиқилган стратегияни изчил амалга оширишлари ва унинг устунлик омилларидан самарали фойдалана олишларига боғлиқ.

2.3. Рақамли иқтисодиёт – мамлакат рақобатбардошлигини оширишувчи, аҳоли турмуш даражаси, сифати ва тафаккурини ўзгартирувчи омил

Ўзбекистон ўз олдига кучли демократик, илғор ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашни мақсад килган. Дунёнинг ривожланган 50 мамлакати қаторига кириш — бош вазифа. Бу борадаги ислоҳотлар эса халқимизга муносиб шароит яратиб бериш мақсадида амалга ошириляпти. Эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг шаҳдам одимлари халқаро ҳам жамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, нуфузли “The Economist” журнали дунёнинг икки юзга яқин давлатлари орасидан Ўзбекистонни “Йил мамлакати”, деб топгани фикримиз тасдиғидир. Яъни ушбу нашр Ўзбекистонни 2019 йили дунёда энг кўп яхши тарафга ўзгарган мамлакат, деб топди. Эътиборлиси, янгилик Ўзбекистонгача Марказий Осиёнинг бирор-бир давлати бундай эътирофга лойиқ кўрилмагани билан ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Вахоланки, республикамизга яқин-яқингача, аксарият таҳлилчилар томонидан жаҳоннинг “энг ёпиқ” давлатларидан бири сифатида қиёс бериб келинарди.

Очиғини айтганда, мамлакатимиз хақидаги бундай некбин мужда халкаро миқёсда катта акс садо берди. Бу, албатта, юртимизда қисқа вақт давомида оқилона йўлга қўйилган ички ва ташқи сиёсатнинг амалий ифодасидир, десак, айни хақиқат.

Долзаб мавзу

Минтақада энг кўп аҳолига эга мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш, четдан кўпрок сармоя жалб этиш саъй-ҳаракатлари узлуксиз олиб бориляпти. Бу каби ўзгариш ва янгиланишлар, асрларки, иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига асосланган Ўзбекистонда камбағаллик ва ишсизликка қарши курашиш асносида рўй бераётгани билан ҳам долзарбдир.

Ўн йиллар давомида тирикчилиги ташки меҳнат миграцияси орқасидан ўтаётган миллионлаб фуқароларини ишли қилиш — мамлакатнинг ўзида янги бандлик манбаларини яратишга коғозда эмас, амалда эътибор қаратилмокда.

Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб эълон қилиниши ҳамда шу бўйича “Йул харитаси” ишлаб чиқилгани ҳам юқоридаги устувор йўналишлар рўёбида салмоқли роль ўйнамокда. Чунончи, келаси беш йил ичида рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифаси катъий мақсад сифатида белгилаб қўйилгани нафақат халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан қизғин кутиб олинди, балки бугунги пандемия даврида ҳам ниҳоятда рационал қарор бўлганини кўрсатмокда. Шундай экан, яқин йилларда бизнес юритиш муҳити бўйича дунёнинг энг олди эллик давлати сафига кирсак, ажабмас.

Камбағалликни камайтиришга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилиши, ҳалиҳануз энг оғриқли нуқталардан бири бўлган коррупцияга қарши курашувчи махсус идора ташкил этилиши ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айнан коррупция Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий топтириш, мамлакатга йирик миқдордаги чет эл сармояларини жалб қилиш ва уларни ҳаракатга солиш йўлидаги энг асосий тўсиқлардан бири сифатида кўрилади. У туфайли чорак асрдан ортиқроқ вақт давомида юртимиздаги бизнес юритиш мухити издан чиқиб кетганди. Шу боис ўтган қисқа даврда мавжуд вазиятни ўзгартириш ҳаракатлари том маънода кучайтирилди.

Кўпчиликка яхши маълум, тилга олинаётган иллатларга қарши курашда, унга барҳам беришда рақамлаштириш зарурияти янада

ошади. Бу, ўз навбатида, жуда кўп ресурсларни талаб қилади. Шундай экан, ҳозирдан рақамли иқтисодиётга ўтиш муҳим вазифага айланди.

Рақамли иқтисодиётнинг ўзи нима?

Рақамли иқтисодиёт янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчиришдир. Рақамли иқтисодиёт — иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш мумкин бўлган тизимдир. Дастлаб бу иборани америкалик дастурчи Николас Негропонте 1995 йилда муомалага киритган бўлса-да, у бугунги кунда барча соҳада кенг қўлланилмоқда. Рақамли иқтисодиёт инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни камайтиради, солик тушумларини "ақлли" шартномалар тузиш орқали кўпайтиради, бюджет харажатларининг очиқлигини оширади, ягона электрон платформа орқали давлат хизматларини кўрсатиш имкониятини беради. Ҳозирги кунда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар — деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Жаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи хақида илк марта "Рақамли дивидендлар" номли маъруза эълон қилди.

Рақамли иқтисодиётнинг янги концепцияси инсон фаолияти доирасидаги барча информацияни рақамлаштириш технологияларини қўллаб саклаш, ишлов бериш ва узатишнинг ягона тизимидир. Иқтисодиётни рақамлаштириш орқали ижодий ёндашиб янги иқтисодиётни барпо этиш имконияти туғилади. Иқтисодиётни рақамлаштириш келажакда реал рақобатбардошликни узоқ муддатга сақлаб қолиш имкониятидир. Айниқса, қуруқлик билан ўралган ва жаҳон портларига чиқиш йўли узоқ бўлган Ўзбекистондек давлат учун бу мухим масала.

Рақамли иқтисодиёт электорал маданиятнинг юксалиши ҳамдир. У тараққий этса, биз ана шу ақлий қолоқликдан қутуламиз. Ақлий қолоқликдан қутулиш орқали вақтдан, оғир ёки ортиқча меҳнатдан халос бўламиз, сифат кўрсаткичига эга чиқамиз, илғор давлатлар ва халқларга яқинлашамиз, жумладан, камбағаллик ҳам камаяди. Ақлни ўстиришнинг энг асосий йўли эса таълим тизимини юксалтиришдир. Хуллас, бундай ислоҳотлар кимга ёкмайди, дейсиз?! Барчага манзур нарсага эга бўлиш учун ҳамма интилиши керак.

Шундай экан, давлат раҳбари томонидан жорий йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Рақамли иқтисодиётга ўтиш келгуси беш йилдаги энг устувор мақсадимиз бўлиши ҳақидаги таъкид эса бевосита илм-маърифатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлик. Бинобарин, бугунги тезкор замонда жаҳон бўйлаб глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган шароитда рақамли иқтисодиёт илғор давлатлар иқтисодиётининг барча тармоғида кенг жорий этилмокда. Ҳаттоки, айрим мамлакатлар ушбу соҳанинг энг юқори чўққиси ҳисобланган сунъий интеллектдан фаол фойдаланишга ўтганига гувоҳ бўляпмиз.

Нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, шунинг баробарида, хуфиёна иқтисоди-ётга барҳам бериш ҳамда коррупцияни кескин камайтириш имконини берар экан. Кўриниб турибдики, мазкур соҳа юртимизда барча соҳа ва тармоқнинг юксак ривожига жиддий туртки бўлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, рақамли иқтисодиёт коррупция ва “яширин иктисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият хақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди.

Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ҳамда қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада, иборали айтганда, пулларни “ювиш”, маблағларни ўғрилаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ҳамда тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очик бўлади, ижтимоий соҳага йуналтирилган маблағлар ўғриланмайди, мактаблар, шифохоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмасида янги йўналишлар очиб беради.

Рақамли технологиялар томон бурилишга эса бутун жаҳон интернет тармоғи ҳамда сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлгани айни хақиқат.

Соҳа қандай ривожланмоқда?

Бугунги кунда одамлар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун ижтимоий тармоклар, мессенжерлар, айниқса, Телеграмм ботларидан фаол фойдаланмоқда. Шунингдек, турли интернет-дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоняпти. Фақат ҳозирги кунда фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга ошираётгани, ўртача ҳарид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслиги ҳам рост. Демак, эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ҳамда молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул саклайдиган кармони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби атамалари мавжуд.

Шу ўринда рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқини кундалик, маиший мисоллар билан тушунтириб ўтсак. Айтайлик, харидорга кийим ёки пойабзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисодиёт. Ижтимоий тармоқлардаги ёки Телеграммдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъкул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш — рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масаланинг энг содда маиший мисол орқали тушунтирилиши.

Аслида, ҳаммамиз, аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойлигимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошка маҳсулот ҳамда хизматларга тўлов киламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул ўтказамиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт, бу, нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари ишлаб чикиш ҳамда уларни кундалик хаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Яъни юкори даражада автоматлашти-

рилганлик; электрон хужжат алмашинуви; бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви; маълумотлар электрон базалари; CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги; корпоратив тармоқлар.

Рақамли иқтисодиёт туфайли тўловлар учун ҳаражатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ҳамда бошка ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар хақида кўпрок ҳамда тезроқ маълумот олинади, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта, фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш хисобига товар ҳамда хизматлар жадал такомиллаштирилади.

Халқаро амалиётга юзланадиган бўлсак, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки ҳаётнинг хар бир жабҳасига, хусусан, соғликни сақлаш, фан-таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкинг ва бошка соҳаларга жадал кириб бормокда ҳамда уларнинг хар бирида ўзининг юқори самараларини бермокда.

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали алоқага ўтказиш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳани кенг ривожлантириш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биздаги энг асосий оғрикли муаммолардан бири — коррупция иллатига барҳам беради. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ветеринария ҳамда бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу соҳада узоқ йиллардан буён самарали ишлар олиб борилмагани, коррупциянинг мавжудлиги ташқи савдо амалиётида муайян кийинчиликлар туғдирмокда. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида “Халқаро савдо” йуналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Гап шундаки, кўплаб давлатларда юклар чегарага етиб келмасидан олдин улар хақида ахборот берилиб, юкнинг тез чиқиб кетиши таъминланади. Ўзбекистонда эса ўтган йили 416 мингта декларациядан 344 таси юк чегарага келгунча расмийлаштирилган. Юк тўғрисида олдиндан маълумот бериш автомобиль транспортида 98 фоизни ташкил этса, темир йўлда, умуман йўлга қўйилмаган. Шу боис назоратни чегарада эмас, балки юклар кириб келишидан олдин ёки мамлакат ичкарисида эркин муомалага чиқарилгандан кейин амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш муҳим. Бугунги кунда 1 минг 836 та турдаги товар бир вақтда учта идора томонидан текширилиши, оқибатда импорт-экспорт хужжатларини расмийлаштириш хафталаб чўзилаётгани ачинарлидир. Ваҳоланки, божхона, ветеринария, карантин, санитария, стандарт, экология идоралари иш услубини ўзгартириши, уларнинг асосий вазифаси маҳсулотлар экспортини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши зарур эмасми?

Мана шундай тўсиқлар туфайли Президентимиз рақамли технологияларни жорий қилиб, инсон омилини максимал қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидламоқда.

Импорт маҳсулотларининг чегарадан то якуний истеъмолчигача бўлган ҳаракати божхона ҳамда солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши керак.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга рухсатнома ва лаборатория текширувлари хужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган “риск-анализ” тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Айтиш жоиз, рақамли иқтисодиётга тадбирлари доирасида 143 та давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ҳамда хизмат кўрсатиш вақти икки хисса қисқарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотлар олди-сотдиси жараёнларига ошкоралик ҳамда очиқлик тамойиллари жорий этилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги, соғликни сақлаш, қурилиш, давлат хизматлари кўрсатиш, хуллас, ижтимоий хаётнинг барча соҳасида рақамли иқтисодиётга ўтиш сари салмоқли қадамлар ташланмоқда.

Дунёдаги аҳвол қандай?

Халқаро тажрибага назар ташласак, кўпгина давлатлар ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт соҳасига жиддий эътибор каратмокда. Масалан, 2017 йилнинг 28 июлида Россия Федерацияси ҳукумати

Рақамли иқтисодиёт дастурини қабул қилди. Эстония, Беларусь Республикаси ва Украина рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантирмоқда. Ўз навбатида, айрим давлатларда айнан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарурий инфратузилмани яратишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Австралия хукумати фуқароларга юкори тезликдаги рақамли алоқани тақдим этиш чораларини кўрмоқда, яъни миллий кенг полосали тармоқ (National Broadband Network) ушбу мамлакат аҳолисининг 93 фоизини 1 Гбит/с тезликдаги интернет билан таъминлаш мажбуриятини олган.

Ҳозирги даврда биз технологиялар қандай қилиб оммавий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ўзгартираётганини кўряпмиз. Воситачиларни олиб ташлайдиган, мижоз ва таъминотчи ўртасидаги алоқаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишига олиб келадиган Убер каби янги бизнес-моделлар пайдо бўлмоқда. Аввалроқ худди шунга ўхшаш ўзгаришлар молия сектори ҳамда телекоммуникацияларда ҳам рўй берган эди. Саноатда ҳам бир қанча принципиал ўзгаришлар кузатилмоқда, чунки рақамли корхона ва инсоннинг рақамли қиёфадоши — роботлар пайдо бўлиши бутун инсоният функционал моделини жиддий равишда ўзгартириб юбориши мумкин. Бу эса шуни кўрсатадики, ахборот технологиялари аста-секинлик билан одамларнинг ўрнини эгаллаб боради. Худди мана шу ҳолат рақамли иқтисодиёт ҳисобланади.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёркин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир. Тушунарлики, бундай экотизим қудрати алоҳида платформалар кучидан катта бўлади. АҚШ ҳозирги кунда бу пойгада ютқазмоқда, чунки у ерда турли платформаларни интеграция қилишга тўғри келади, Хитойда эса бу соҳада ривожланиш самарадорликни ошириш ҳисобига — бир платформадан бошқа платформага караб ўтиш аста-секинлик билан рўй берди.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш каби глобал ишда кўп нарса давлатнинг тутган позициясига ҳам боғлиқ, албатта. Барчаси ҳамма нарсани бирлаштирадиган ва “рақам”га ўтказадиган ягона давлат

платформасига бориб тақалмаслиги мухим, яъни давлатнинг вазифаси бизнеснинг ўрнига бирон-бир нарса қилиш эмас, балки бизнесга халал бермасликдир. Хитойда ҳам "Алибаба" тизими давлат унинг учун қандайдир платформа яратгани туфайли пайдо бўлмаган. У бундай платформа пайдо бўлиши учун шароит яратди, холос. Гарчи давлат "Алибаба"га ёрдам берган бўлса-да, буни давлат корпорацияси сифатида эмас, балки тижорат корхонаси сифатида ёрдам берди ва унинг хизматларидан у рақобатбардош эканлиги учунгина фойдаланилади. Давлатнинг вазифаси — умумий қоидалар яратиш, бизнес эса шу умумий қоидалар асосида ўзгариб, ривожланиб боради, чунки қонунлар таъсирида ишбилармонлик муҳити ва рақобат ўсади.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини тушуниб, иқтисодиётни рақамлаштириш томон ҳаракатни онгли равишда бошлади. Бу йуналишни биринчилардан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой бугунги кунда рақамли пойгада норасмий етакчилар саналади. Улардан кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Беларусь ва бошқалар туради. Рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувларни, хусусан, АҚШ бозор йуналишини, Хитой эса режали иқтисодиётни танлаб олган. Қолган мамлакатлар маълум бир оралиқ вариантларга риоя килади.

Рақамли иқтисодиёт платформалари тузишда ривожланган давлатлар транспорт, телекоммуникация, энергетика, маълумотларни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар логистикаси, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш йўналишларига эътибор қаратмокда. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ҳамда технологик базис яратишга имкон беради, уларни бошқа соҳаларга кўчирган холда Ўзбекистон етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин. Илғор мамлакатлар рақамли иқтисодиёти кўплаб дастурлари (АКШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқалар) асосий эътиборни "рақамли тиббиёт" ҳамда "ақлли шахар" ижтимоий йўналишларига қаратмокда. "Рақамли тиббиёт" ва "ақлли шахар" ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш кўпрок мураккаблик ҳамда хилма хилликни талаб қилади ва бундай лойихалар кенг халқ оммаси томонидан эътироф этилади.

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг интернетга ҳамда у билан боғлиқ АКТга уланиш имкониятларини кенгайтириш учун шароитлар яратиш, жумладан, булутли технологияларни ривожлантириш ИХТТ томонидан 2016 йил бу ташкилотга аъзо бўлган 32 мамлакат ва яна 6 та ҳамкор мамлакатда ўтказилган сўров маълумотларига кўра, уларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси, режаси ёки дастури мавжуд. 2017 йилнинг сентябрь ойида Австралия ҳукумати рақамли иқтисодиёт стратегиясини ишлаб чиқиш бошлангани хақида эълон қилди. АҚШда 2015 йили рақамли иқтисодиёт режасини шакллантириш ҳақида маълум қилинди, 2016 йилда хусусий бизнес томонидан амалга ошириладиган интернетни ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги, инновацияларни илгари суриш ва бошка функцияларни бажарадиган Савдо вазирлиги кошида рақамли иқтисодиёт бўйича маслахатчилар кенгаши ташкил этилди.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидентлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатди. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этаётир. Демак, интернет тезлиги икки баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажмининг карийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин. Жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, АКТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади.

Демак, биз ҳам асосий эътиборни фақат маҳсулотлар экспортига қаратмасдан, балки “ноу-хау”, блокчейн технологиялар фаолиятини замонга ҳамоҳанг ўрганиб, шулар қаторида, рақамли иқтисодиётдан фойдаланишни янги босқичга олиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси – Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан биргаликда, аҳоли онги, илми ва қарашларини замон билан уйғунлаштиради, мамлакатимизнинг халқаро майдонда интеграциясини тезлаштиришади. Ва, пировардида, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий-демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш муддати жадал қисқаради.

III боб. МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ОМИЛЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

3.1. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилишнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 22 сентябрда тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатларида рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тараққиётдан орқада қоляпти. 2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниб, бу борада катта ишлар бошланди. Хусусан, 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Видеоселектор йиғилишида шу борада амалга оширилаётган ишлар, жорий йил якуни ва 2021 йил биринчи чорагига мўлжалланган лойиҳалар муҳокама этилиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу селекторда “Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари рақамлаштиришсиз натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етиши шарт. Барча даражадаги раҳбарлар буни ўзига кундалик вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алифбосидан бошлаб чуқур ўрганиши керак”, — дея таъкидлади.

2020 йил якуни бўйича ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари рақамли иқтисодиёт соҳасида кескин ўзгариш қилиши зарурлиги ҳам қайд этилди. Президент бу янгиланишларни одамлар ўз ҳаётида, бюрократия ва коррупция камайгани мисолида, давлат хизматларини кўрсатиш тезлашганида сезиши лозимлигига алоҳида аҳамият қаратдт. Бу эса мазкур масала билан ҳар бир давлат хизматчиси жиддий шуғулланиш лозимлигини тақозо қилади.

Бунинг учун туман ва шаҳар ҳокимлари бир ойда 2-3 кун фақат рақамлаштириш билан шахсан шуғулланиши белгиланди. Эндиликда уларнинг фаолиятига ҳудудда рақамлаштириш қай даражада йўлга қўйилганига қараб баҳо бериладиган бўлди. Бу соҳада яхши натижа кўрсатган раҳбарларга 30 фоизгача устама жорий қилиниши ҳам таъкидлангани, мазкур ишга бефарқ бўлмасликка, ўз вазифасини чинакамига бажарган раҳбарларни муносиб рағбатлантиришга ундаганлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим, аввало, аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгил қилиш зарурлигини таъкидлайди. Шу талабдан келиб чиқиб, мазкур масалага жиддий тайёргарлик ҳам кўрилган эди. Махсус ишчи гуруҳлар томонидан 530 та ҳудудий ва 280 та тармоқ лойиҳаси тайёрланганлиги ҳам ушбу ишнинг жадал ривожланиши учун асос сифатида қараш мумкин.

Хусусан, 2020 йил якунигача 14 ва 2021 йил биринчи чорагида яна 14 туманда одамлар энг кўп мурожаат қиладиган соғлиқни сақлаш, кадастр, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича 239 та лойиҳа амалга оширилади. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилишнинг асосий йўналишларига жиддий эътибор қаратилмоқда ва аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, “Электрон поликлиника” тизимини жорий қилиш орқали қоғоз ҳужжатлар 40 фоизга, навбат кутиш 60 фоизга қисқаради. Бунинг учун марказий шифохона ва поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш лозим. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида электрон тиббиёт картаси, электрон шифохона ҳамда шошилинч тиббий ёрдам тизимлари жорий этилмоқда. Ушбу дастурлар 2021 йилда Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида йўлга қўйилиши белгиланди. Шунингдек, “электрон кундалик”, “электрон дарслик”, “ўқитувчиларни баҳолаш” тизимларини барча ҳудудларда жорий этиш зарурлиги ҳам таъкидланди. Агар ушбу тадбирлар амалга оширилса, ўқув жараёнида жуда катта шаффофлик, адолат ва ўқиш учун имконият яратилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 2020 йилда белгиланган 14 туманда ижтимоий муассасаларни тўлиқ рақамлаштириб, қолган ҳудудлар учун намуна

қилиш бўйича кўрсатма вазифа қўйилган эди. Чунки рақамлаштириш иқтисодиёт тармоқларида ва аҳолининг ижтимоий ҳаётида тежамкорлик ва самарадорликни таъминлайди. Масалан, Тойлоқ ва Оқдарё туманларидаги шағал кавлаб олиш карьерида машиналарнинг юк ҳажмини назорат қилиш тизими йўлга қўйилгани натижасида ойлик тушум 3 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмга ошган. Давлат солиқ қўмитасига норуда карьерлардан фойдаланишда “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш, бунинг учун ер қаъри кавланиши, юк ҳажми ва машиналар ҳаракатини назорат қилувчи электрон тизимларни ишга тушириш вазифаси юклатилган. Саноат тармоқларида амалга ошириладиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”.

Келгуси уч йилда (2021-2023 й.й.) нефть, газ ва энергетика соҳасида 18 та, металлургия бўйича 12 та, автосаноат тизимида 9 та, кимё саноатида 8 та, тоғ-кон геология тармоғида 4 та рақамлаштириш лойиҳаси режалаштирилган. Мисол учун, Муборак ва Шўртан нефть-газ корхоналарида автоматлашган диспетчерлик хизмати жорий этилгани туфайли йилига 50 миллион куб метр газ ва 650 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилишга замин яратилди. Асакадаги автомобиль заводида логистика, харидлар, хомашё ва бутловчи қисмлар ҳаракатини рақамлаштириш орқали 41 миллион доллар тежаш мумкин. Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги “Ёшлик-1” ва “Қолмоққир” конларида транспорт комплекси автоматлашган бошқарув тизимини жорий қилиш ҳам шундай самарали лойиҳалардан. Бу орқали йилига 28 миллиард сўм маблағ тежалади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимиз Президенти қабул қилинган барча лойиҳаларга масъулларни белгилаб, уларни муддатида, сифатли бажариш, халқаро молия ташкилотлари маблағларини йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди. Бош вазир ва унинг ўринбосарларига ўзлари масъул бўлган соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш бўйича жорий ва келгуси 2021 йил учун режалар ишлаб чиқиб, назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва унумли ишлатиш, албатта, мутахассисларга боғлиқ. Шу боис, кадрлар тайёрлашга ҳар томонлама аҳамият берилмоқда. Ўтган йили Тошкент шаҳрида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки бунёд

этилган эди. Андижон ва Марғилон шаҳарларида унинг филиаллари очилди. Пойтахтимизда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби ҳудудида яна бир филиал биноси қурилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ахборот технологияларини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган 205 та мактаб ташкил этилиши режалаштирилган эди. Ушбу вазифалар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Зеро, бутун иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизни рақамлаштирмасдан белгиланган марраларни забт этиб бўлмайди.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жорий йилда 14 та, келгуси йилда 82 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш вазифаси қўйилди. Тошкент ахборот технологиялари университети ва IT-паркларда ахборот технологиялари ўқитувчиларини тайёрлаш ҳамда уларни сертификатлашнинг миллий тизимини жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди. Малака сертификати олган ўқитувчиларга ҳар ойда қўшимча 50 фоиз устама тўланади. Шунингдек, ўқувчиси “Бир миллион дастурчи” курсини муваффақиятли якунлаган мактаб ўқитувчиларини мукофотлаш йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рақамлаштириш масаласини иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва халқимиз ҳаётини яхшилаш борасидаги ишларимизнинг энг катта замини, сифатида баҳоламоқда. Буни амалга ошириш учун барча ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари тушуниб, дунёқарашини ўзгартириб, айтилган вазифалар ижросига қаттиқ киришишлари керак бўлади. Мазкур масала бўйича чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш бевосита Бош вазир томонидан амалга оширилади. Бугунги кунда рақмлаштириш масаласига барча мутасаддилар киришган ва қўйилган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

3.2 Рақамли иқтисодиёт – мамлакат иқтисодиётининг келажагини белгиловчи омил

Бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳаларга ва одамлар ҳаётига жадал кириб боряпти. Уни жорий этишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича иш тутаётганлари тараққиётдан орқада қоляпти. Ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиёт ёрдамида яратиладиган қўшилган қийматнинг

сезиларли даражада катта қисмига даъвогар бўлгани ҳолда суст тараққий этган давлатларнинг бу жараёнда ўз улушига эга бўлиши тобора имконсиз бўлиб бораверади.

Шу боис, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бугунги куннинг ва яқин истиқболнинг энг муҳим вазифасига айланган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 баравар, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган [26] . Президентимиз раислигида 22 сентябрь куни тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбарига жорий йил якуни бўйича рақамли иқтисодиёт соҳасида кескин ўзгаришга эришиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисод фанлари доктори, профессор Нодир ЖУМАЕВ билан суҳбатда асосий эътибор мамлакатимиз тараққиётининг бугунги куни ва истиқболида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва инновацион технологиялар қамров даражасининг ошиши нечоғли муҳим ўрин тутиши, бу янгиланишлар одамлар ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатиши масалаларига қаратилди.

— Президентимиз таклифи билан 2020 йилнинг Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб номланиши нуфузли сиёсатчи ва тадқиқотчилар томонидан Ўзбекистон тарихидаги янги инқилобий давр бошланиши, деб баҳоланган бўлса, мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тантанадаги нутқида янги уйғониш даври — Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётгани ҳақидаги ғоялар истиқболимизнинг улуғворлигини намоён этади. Ана шундай юксак эътирофлардан келиб чиққанда, мамлакатимизда жорий йилда амалга оширилаётган ишлар қайси жиҳатлари билан алоҳида аҳамият касб этади?

— Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини нафақат 2020 йил учун қўлланма ва йўлланма, балки Ўзбекистоннинг яқин ўрта муддатдаги тараққиёт йўлини белгилаб берувчи

[26] 2020 йил 30 сентябрь, 187-сон Янги Ўзбекистон.

дастур сифатида фундаментал аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Илмсиз, маърифатсиз жамият ва мамлакат тараққиётини тасаввур қилиш мушкулдир. Юсуф Хос Ҳожиб “Билимсиз киши мевасиз дарахтдир, мевасиз дарахтни оч киши нима қилсин?!” деб, илм-маърифатнинг ўрни нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатиб ўтган. Давлатимиз раҳбари томонидан Тараққиёт мезонлари илм-маърифатга алоҳида урғу берилиши ва бу орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалалари кун тартибига қўйилиши Ўзбекистон танлаган йўл фақат бир манзилга олиб боришини, яъни иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатдан кучли, бозор иқтисодиёти қонунлари тўлиқ амал қиладиган жамият қуришнинг янги босқичига ўтганимизни яққол ифода этади.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича аниқ миқдор кўрсаткичлари ҳам белгиланган бўлиб, даврий жиҳатдан 2020-2023 йилларни қамраб олади. Хусусан, 2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги интернетга улаш ҳамда алоқа хизматлари сифатини ошириш, рақамли инфратузилмани тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш, 2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизга етказиш ҳамда 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Бу йўналишдаги амалий ишлар ўз меваларини бера бошлади. Хусусан, Speedtest Global Index 2020 йил июнь ойи натижаларига кўра янги маълумотларни эълон қилди ва интернет тезлиги бўйича рейтингда Ўзбекистон ҳозирги кунда 94-поғонани эгаллаб турибди, бир йил ичида 36 поғонага кўтарилиш кузатилди. Умуман, охирги йилда Ўзбекистонда симли интернет тезлиги 2,5 баробар ўсди. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш пировардида коррупцияга барҳам бериш имконини яратар экан, барча жабҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз таълим тизимида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлиши муқаррар.

Рақамли иқтисодиёт учун бевосита зарур ахборот технологияларини (IT) қўллаш, дастурлаш кўникмаларини шаклла-

тиришга алоҳида эътибор талаб этилади. бу борада республикамизда кенг аҳоли қатламини масофавий махсус онлайн-портал орқали it йўналишлар бўйича тайёрлашга йўналтирилган йирик лойиҳа — “бир миллион ўзбек дастурчи”нинг ўрни беқиёс эканини эътироф этиш жоиз.

Иқтидорларни танлаш ва тарбиялаш, уларни касбга, илм-фанга тўғри йўналтириш мамлакатимизда инсон капиталини ривожл антиришга хизмат қилади. Бу эса буюк аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялаш, бу улуғ заминда такрор ва такрор мутафаккирлар, забардаст олимлар етишиб чиқишига сабаб бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Уйғониш даври бари бир бўлади, ўшанда янги Улуғбеклар дунёга келади”.

— Президентимиз 22 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқлигини таъкидлаб, “Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари рақамлаштиришсиз натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етиши шарт. Барча даражадаги раҳбарлар буни ўзига кундалик вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алифбосидан бошлаб чуқур ўрганиши керак”, деди. Бу каби вазифаларнинг амалга оширилиши жамият, оддий одамлар ҳаётига қандай янгиланишлар олиб киради?

— Давлатимиз раҳбарининг келажакдаги юксак марраларга эришиш рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ортидан юз беришини теран англаб, рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ эканини таъкидлаши, хусусан, ҳокимлар фаолиятига баҳо беришнинг янги мезони сифатида рақамлаштириш қай даражада йўлга қўйилганини белгилаб бериши бежиз эмас.

Яна бир муҳим жиҳати, аввало, аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгил қилишга устуворлик қаратиш лозимлигига алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда соғлиқни сақлаш, кадастр, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар белгилаб олинди. Хусусан, “электрон поликлиника”, “электрон кундалик”, “электрон дарслик”, “ўқитувчиларни баҳолаш” тизимларини барча ҳудудларда жорий этиш ана шулар жумласига киради.

Халқимиз кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларни сезар экан, авваламбор, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга

ишончи ва рағбати ортади. Бунинг натижасида жамоатчилик назоратини кучайтиришда фаоллик кузатилади, юрт равнақи йўлида дахлдорлик ҳисси ортади, фаол фуқаролик позицияси мустаҳкамланади. Албатта, рақамли иқтисодиёт жамиятда муайян ўзгаришларни юзага келтиради, хусусан, унинг меҳнат шароитларига таъсири сезиларли бўлади. Рақамли трансформация шароитида автоматлаштириш жараёнларининг кучайиши, сунъий интеллект, улкан маълумотлар билан ишлайдиган аналитик тизимлар, роботлардан фойдаланиш кўламининг ортиши меҳнат ресурслари учун ўринбосар бўлиб хизмат қилади. Натижада бизнес юритиш шароитлари такомиллашиб ва самарадорлик сезиларли даражада ортади.

— Тождор вирус пандемияси шароитида яшаётганимиздан келиб чиққанда, рақамли технологиялар борасида янги босқичга қадам қўйганимиз қайси жабҳаларда жуда қўл келяпти?

— Ўзбекистонда рақамли трансформация босқичига қадам қўйилганининг дастлабки ижобий жиҳати COVID-19 пандемияси шароитида яққол сезилди, десак муболаға бўлмайди. Биринчи нав батда, COVID-19 пандемияси телекоммуникация инфратузилмасининг мамлакат иқтисодиётидаги улкан аҳамиятини яна бир бор кўрсатиб қўйди. Айнан ушбу соҳадаги ислоҳотлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги рақамлаштиришни жадаллаштириши, фуқароларга таълим олиш, телетиббиёт ва, энг муҳими, иш билан таъминланиш имкониятини бериши намоён бўлди. Масалан, телекоммуникация инфратузилмаси туфайли инсонларнинг уйдан ёки масофадан ишлаши трендга айланди. Пандемия шароитида Ягона интерактив давлат хизматлари портали янги хизматлар билан бойитилди, давлат хизматларининг “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатилиши ва унинг турларини мунтазам кўпайтириб бориши инсонларнинг оғирини енгил қилиш, турли оворагарчиликларга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этди. Хусусий сектор ҳам пандемия шароитларига мослашишда рақамли иқтисодиёт имкониятларига таянди, электрон тижорат ривожланди ва инсонларнинг интернетда савдо қилиш кўникмалари ортди. Бу тенденциялар ҳам шундан далолат беради, пандемиядан кейин иқтисодиёт ва жамият ҳаёти тубдан ўзгаради, асло эски ҳолича бўлмайди.

— “Интеллектуал ҳукумат”, “Электрон ҳукумат”, “Ақлли қишлоқ хўжалиги”, “Хавфсиз шаҳар” каби дастурларнинг аҳамиятли

жиҳатларига қандай баҳо берасиз ва уларни такомиллаштириш бўйича яна қандай имкониятларни ишга солиш зарур бўлади?

— Ҳаётимизга рақамлаштиришни тезроқ кириб келишини хоҳласак, рақамлаштириш таъсирида турмушимизда турли қулайликлар пайдо бўлсин десак, рақамлаштириш татбиғига, албатта, тизимли ёндашув лозим. Қаранг, салкам ўн йилдан буён электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришга интилиб келамиз. Натижалар эса фақатгина сўнгги уч йилда кўзга ташлана бошлади. Менимча, халқимиз "электрон ҳукумат" билан жараённинг афзалликларини энди ҳис қила бошлади. Кўриниб бормоқдаки, рақамли технологиялар кундалик ҳаётимизга фаол жорий қилинмоқда, энг муҳими, давлат хизматларини аҳолига таклиф қилиш орқали халқ билан интерфаол мулоқот тезлашмоқда. Бу эса "интеллектуал ҳукумат" тамойиллари асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш нақадар тўғри йўл эканини ҳам кўрсатади. Табиийки, мазкур ҳолатларни ижобий баҳолаш, эътироф этиш мумкин. Чунки давлатимиз томонидан амалга оширилаётган рақамлаштиришга оид дастурлар халқимиз, қолаверса, тадбиркорларимиз хоҳиш-истакларини тўғри англашимиз имконини беради. Ушбу дас турларни янада кенгайтиришимиз, такомиллаштиришимиз лозим. Бироқ айрим муаммолар борки, уларни қисқа фурсатда ҳал қилиш талаб этилади. Биринчидан, рақамлаштириш бу "маълумотлар омбори" дир, маълумотлар жуда катта ҳажмдан иборат. Иккинчидан, бизда улкан маълумотлар оқимини бошқариш, сақлаш ва қайта ишлаш турли платформаларни кенгайтириш муҳим. Учинчидан эса мазкур дастурлар ижросини таъминлаш механизмлари ва молиялаштириш манбалари кўрсатилган бўлсада, мониторинг жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтириш давр талабидир.

Шунингдек, "ақлли қишлоқ хўжалиги"ни жорий этиш орқали деҳқончилик маҳсулотлари экспортини кенгайтириш, соҳадаги меҳнат унумдорлигини ошириш, "ақлли иссиқхоналар"ни кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига оид ахборот-таҳлилий базани шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

— **Энди рақамли иқтисодиёт даврида монетар сиёсат борасида ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган кармони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби атама-**

ларнинг ҳаётимизга кириб келиши нечоғли муҳим, деб ўйлайсиз?

— Албатта, кишилик жамияти ривожланишида пулнинг аҳамияти катта ва, айтиш мумкинки, пул инсониятнинг энг яхши кашфиётларидан биридир. Айни пайтда Марказий банкнинг тўлиқ назоратида бўлган қонуний тўлов воситаси ҳисобланган фиат пуллар ўрнини рақамли валюталар, хусусан, криптовалюталар эгаллаши борасида башоратлар пайдо бўлмоқда. Нақд валютасиз жамият қуриш йўлида мамлакатлар ўртасида ўзига хос мусобақалашиш авж олган. Бу, бир томондан, тезкор, сарф-харажатлари паст трансакцияларни амалга ошириш имконини берса, бошқа томондан, анонимлик ва тахаллус ортига бекинган томонларни аниқлашнинг мураккаблиги ҳисобига ноқонуний фаолиятни молиялаштиришда иштирок этиш хавфини кучайтирмоқда.

Криптовалюталарнинг яратилиши

— майнинг жараёни улкан ҳажмдаги электр энергиясини талаб этади ва бу жараённинг энергия сиғими борган сари ортиб боради. Бошқача айтганда, биткоинни “қазиб олиш” олтинни қазиб олишдан ҳам қимматга тушиши мумкин. Бошқа томондан, саноат 4.0 инқилобига тайёргарлик ривожланган давлатлар ўртасида юқори тус олган ва бу янги даврда анъанавий пул ҳамда тўлов тизимлари самара бермай қўяди. Бунинг натижасида молиявий воситачиларсиз, тезкор, ишончли, шаффоф тўловларни кафолатлайдиган блокчейнга асосланган мутлақо янги тўлов тизимига эҳтиёж ортади.

Шундай экан, монетар органлар ҳам мустақил пул-кредит сиёсатини сақлаб қолиш мақсадида ўзининг миллий рақамли валютасини жорий этиш борасида аниқ стратегияга эга бўлиши талаб этилади.

— **“Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурида кўзда тутилган масалаларни амалиётга татбиқ қилиш учун қандай асослар мавжуд?**

— Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Фикримизча, мазкур дастурни амалиётга татбиқ этиш учун республикамизда етарлича асослар мавжуд ва уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

— рақамли иқтисодиёт экотизимини шакллантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасидаги тизимли ишларнинг йўлга қўйилгани;

— рақамли иқтисодиётнинг кадрлар таъминоти (таълимни ривожлантиришга берилаётган юксак эътибор ва аҳоли саводхонлигининг юқорилиги рақамли иқтисодиётни алифбосидан тортиб ўрганиш, рақамли билим ва кўникмаларни шакллантириш имконини беради);

— пандемия инқирози бўлишига қарамай, хизматларини рақамлаштириш суръатлари юқорлиги;

— иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, ахборот технологиялари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг белгилангани ва самарали амалга оширилаётгани. Ишонч билан айтиш мумкинки, агар рақамли иқтисодиёт борасида мўлжалланган вазифалар амалга оширилса, барча соҳаларда улкан амалий натижалар яққол кўринади ва аҳоли фаровонлиги сезиларли даражада юксалади.

— **Рақамли иқтисодиётга ҳар жиҳатдан тайёр авлодни тарбиялаш учун қайси фанларни ўқитишга эътиборни кучайтириш зарур бўлади?**

— Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилади”, дейилган. Айниқса, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда математиканинг роли муҳим эканини таъкидлаш жоиздир. Шу ўринда немис классик файласуфи Иммануэл Кантнинг “Фан таркибида математика қанча бўлса, шунча ҳақиқат бор”, деган образли фикрини рақамли иқтисодиётга нисбатан ҳам айтса бўлади, деб ўйлайман. Агар математик моделлаштириш ва информатикадан ўринли фойдаланилса, жуда мураккаб жараёнларнинг ҳам математик моделини яратиш мумкин. Математик моделлар эса тадқиқот учун қулай, ишончли ва тежамлидир. Математик методлар асосида қатор иқтисодий моделлар яратилган. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига эга бўлган тадқиқотчиларнинг деярли барчаси математик моделлаштириш методларидан фойдаланиб, ютуққа эга бўлгани сир эмас. Бу олимлар қаторига Д.Хикс, Р.Солоу, В.Леонтьев, П.Самуэльсон,

Л.Кантанович ва бошқаларни келтириш мумкин. Ўзбекистонда математика фанининг нуфузи жаҳон талаби даражасида экани қувонарли ҳолдир. Айниқса, академик Шавкат Аюпов раҳбарлик қилаётган илмий-текшириш институтида амалга оширилаётган тадқиқотлар таҳсинга лойиқ. Фақат бу тадқиқотларни амалиёт билан боғлаш, фаннинг ютуқларидан амалий фойдаланиш каби муҳим масалалар ўз ечимини кутмоқда. Бундан ташқари, рақамли иқтисодиёт учун бевосита зарур ахборот технологияларини (IT) қўллаш, дастурлаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор талаб этилади. Бу борада республикамизда кенг аҳоли қатламини масофавий махсус онлайн-портал орқали IT йўналишлар бўйича тайёрлашга йўналтирилган йирик лойиҳа — “Бир миллион ўзбек дастурчи”нинг ўрни беқиёс эканини эътироф этиш жоиз. Бу эса, ўз навбатида, рақамли иқтисодиёт шароитида глобал меҳнат бозорида энг долзарб йўналишларда муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

3.3. Рақамли технологиялар асосида мамлакат тараққиётини таъминлаш масалалари[27]

Мустақиллик, бу — энг аввало, халқимизнинг ўз тақдирига эгалик қилиш ҳуқуқидир. Бугун ҳар биримиз ифтихор билан айта оламизки, тарихан қисқа давр ичида юртимиз давлат ва жамият курилиши борасида ҳар томонлама тараққий этди ҳамда юксалиш сари интилмокда.

Шу ўринда бошқа йўналишлар каби ахборотлаштириш соҳаси ҳам изчиллик билан ривожланиб бораётганини қайд этиш жоиз. Бинобарин, ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш бош мезони саналади.

Рақамлаштириш, бу — ҳаётнинг турли соҳаларига, жумладан, иқтисодиёт, таълимнинг барча босқичи, маданият, тиббиёт,қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа жараёнларга рақамли технологияларни жорий қилиш экан, энг аввало, унинг хуқуқий асосларини яратиш муҳимлиги шубҳасиздир.

Фикр

Президентимиз давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятининг бошиданоқ тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ҳамда замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт-

[27] Қ.Х.Абдурахманов Шухрат Шарафов ҳамкорликда тайёрланди.

лигини, бу бизга юкса- лишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беришини, зеро, бугун дунёда барча соҳага ахборот технологиялари чукур кириб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, рақамлаштириш, бу — ҳаётнинг турли соҳаларига, жумладан, иқтисодиёт, таълимнинг барча босқичи, маданият, тиббиёт, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа жараёнларга рақамли технологияларни жорий қилиш экан, энг аввало, унинг хуқуқий асосларини яратиш муҳимлиги шубҳасиздир.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал ривожлантирилишини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутган 20 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу хужжатлар ижросини таъминлаш баробарида, мамлакатда рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши давлат ҳамда жамият бошқаруви, ижтимоий соҳа ривожланишига, одамлар турмуши яхшиланишига эришилмокда.

Албатта, бу соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами жуда катта. Чунончи, ҳозирги кунда 104 та “Электрон ҳукумат” ҳамда 87 та “рақамли иқтисодиёт”ни кенг жорий қилиш бўйича устувор лойиҳалар юзасидан ишлар олиб борилмокда. Жумладан, “Электрон поликлиника” ахборот тизими жорий этилди, фуқароларни қийнаб турган ер-кадастр маълумотларини олиш билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топмокда, яъни шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизими жорий қилиниб, республика ҳудудида юритилаётган давлат шаҳарсозлик кадастри тўғрисида батафсил маълумотларни онлайн шаклда олиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, юртимизда интернет ва мобиль алоқа хизматлари кўрсатиш даражасини юксалтириш бўйича сезиларли ишлар рўёбга чиқарилмокда. Жумладан, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар доирасида интернет тармоғига кенг полосали уланиш учун 490 мингта порт ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 2,5 миллионга етказилди. Бундан ташқари, 9 минг километрга яқин оптик тола- ли алоқа линиялари тортилиб, оптик алоқа линияларининг умумий узунлиги 45,3 минг км.дан ошди. 2020 йилги натижаларга кўра, интернет тезлиги бўйича рейтингда Ўзбекистон бир йил ичида 36 поғонага кўтарилиши кузатилди. Умуман, охирги йил натижаларига кўра, Ўзбекистонда симли интернет тезлиги 2,5 баробар ўсди.

Маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят марказлари даражасида 2 баробар, туман марказлари даражасида эса 4 баробар ошди. Хизмат миқёсини кенгайтириш мақсадида 1375 та мобиль алоқа база станцияси ўрнатилиб, уларнинг жами сони 27,4 мингтага етказилди ва аҳоли масканларида унинг қамрови 97 фоизга ҳамда юқори тезликдаги йўналиши 78 фоизга етказилди. Аҳолининг кенг полосали мобиль хизматлари га бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида соҳадаги энг илғор технологик ишлан- маларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмокда. 2019 йил сентябрдан иккита маҳаллий мобиль оператори — “Uzmobile” ва “Ucell” 5G тех- нологиясини тест синовидан ўтказишни бошлагани, “Ўзбектелеком” АК “Uzmobile” филиали томонидан мавжуд мингдан ортиқ база станциялари модернизация қилингани шундан далолат беради.

Шунингдек, белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури концепцияси ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу концепция иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимининг барқарор равишда рақамли ривожланишини таъминлаш бўйича асосий йўналишларни ва вазифаларни белгилайди. Концепция доирасида 2030 йилгача 14 та мақсадли кўрсаткичлар белгиланмокда. Жумладан, оптик толали алоқа тармоғининг узунлигини 250 минг км.га, кенг полосали мобиль алоқа билан қамров даражасини 100 фоизга, электрон давлат хизматлари улушини 90 фоизга, давлат хизматлари порталидан фойдаланувчиларни 2,5 миллионга етказиш, “электрон ҳукумат” ривожланган 30 талик мамлакатлар қаторига кириш, электрон тижорат субъектлари сонини 20 мингга, рақамли технологиялар марказлари сонини 202 тага етказиш ва шу каби бошқа кўрсаткичлар белгиланмокда.

Айтиш лозимки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг яратилиши мамлакатда рақамли ривожланишнинг таъминланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмокда. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини яратиш орқали рақамли иқтисодиётнинг изчил ривожланишига дадил қадам кўйилмокда, соҳада қатор йирик лойиҳалар амалга оширилаётир ва бу жараён шиддат билан давом этмокда.

Хулоса ўрнида айтганда, барча соҳада, шу жумладан, рақамлаштириш соҳасида кўлга киритилган ютуқ ҳамда натижаларни туб ислоҳотларимизнинг дебочаси сифатида қабул қилиб, олиб бори-

лаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, албатта, ушбу соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилади. Illy билан бирга, халқимиз, айниқса, унинг энг фаол қатламига айланиб бораётган тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш борасидаги ишларимизни фаол давом эттиришимиз лозим. Зеро, Ватанимиз мустақиллиги ҳар биримиз учун улуғ неъмат эканлигини ҳар нафасда англаб туришимиз жуда муҳим.

3.4. Рақамли иқтисодиёт бўйича Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди. Инновацион ғоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқаришга, жамият ҳаётига изчил татбиқ этиш замонавий билим ва мукаммал малакага эга мутахассислар тайёрлаш учун миллий таълим тизимида ҳам кенг кўламли ва чуқур ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”.

Миллий электрон таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастури Жанубий Кореяда 1995 йилдаёқ қабул қилинган эди. Корея Республикаси Таълим ва персонални бошқариш вазирлиги ҳамда Таълим ва илмий тадқиқотлар бўйича ахборот хизмати – “Korea Education and Research Information Service – KERIS томонидан ишлаб чиқилган ушбу дастур тўрт босқичда амалга оширилди (1-чизма).

Биринчи босқич – 1996-2000 йиллар. Ушбу даврда мамлакатда “Education Network – EDUNET” ахборот хизмати шакллантирилиб, таълим муассасалари педагоглари рақамли таълим технологиялари бўйича қайта тайёрланишлари билан бир қаторда аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлиги оширилди.



1-чизма. Жанубий Кореянинг "Education Network - EDUNET" тизими

2001-2005 йилларни қамраб олган иккинчи босқичда "Education Network - EDUNET" ахборот хизмати такомиллаштирилди, Ўқитиш ва таълим маркази – "Teachingand Learning Centre" ҳамда кибер уй таълими тизими – "Cyber Home Learning System – CHLS" таъсис этилди, шунингдек, рақамли кутубхоналар ташкил қилинди. Бу мамлакат миқёсида электрон таълимни жорий қилиш имкониятини яратди.

"CHLS" тизими таълим муассасаларида ўқиётганларга ўз билимларини мустақил оширишга мўлжалланган. Мазкур контент талаба ёшларнинг қизиқишлари ва билими даражасидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўқув дастурларини танлаш, репетиторларга

мурожаат қилмасдан қўшимча маълумотларни ўзлаштириш имкониятини яратади. У, айниқса, кам таъминланган оилалар учун қўл келади.

Учинчи босқич – 2006-2010 йилларда Жанубий Корея жаҳон электрон таълим бозоридан мустаҳкам ўрин олди. Бу ҳар йили давлат ғазнасига 2 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад келтира бошлади.

2011-2015 йиллардаги тўртинчи босқичда мамлакатда шакллантирилган электрон таълим тизими тубдан такомиллаштирилди. Мамлакатда электрон таълимни мувофиқлаштириш бўйича 17 та минтақавий бўлим – "Metropolitan Provincial Officesof Education – MPOES" шакллантирилди.

Жанубий Кореяда электрон таълим тизимини шакллантириш қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилди:

• электрон таълим – Electronic education (E-learning);
• мобиль таълим – Mobile-learning (M-learning);
• ялпи таълим – Ubiquitous-learning (U-learning);
• интерактив таълим – Smart-education.

Жанубий Кореяда ахборот-коммуникация технологиялари бошланғич, ўрта ҳамда олий таълим муассасаларида кенг жорий этилган. Мамлакатдаги университетларнинг 83 фоизи "E-learning" тизими билан қамраб олинган. Бундан ташқари, 17 та кибер университет мавжуд бўлиб, уларда онлайн тартибида 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 40 минг талаба таҳсил олади. Ушбу талабалар билимини назорат қилишнинг дастурий таъминоти яратилган. EDUNET интернет портали улкан миқдордаги видеодарслар, электрон китоблар, ўқув материалларининг кўчирмаларига эга. Ундан 6,7 млн. киши фойдаланади. Ҳар кун порталга 410 минг киши кириб, улар 27 млн. саҳифа дарсликлар ва бошқа зарур ўқув материаллари билан танишади.

Жанубий Корея таълим тизими жаҳон миқёсида эътироф этилади. Буюк Британиянинг "Pearson" халқаро гуруҳи томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган миллий таълим тизимлари самарадорлиги рейтингида ушбу мамлакат яқин вақтгача ушбу кўрсаткич бўйича дунёда пешқадамликни қўлдан бермай келган Японияни ҳам ортда қолдирди. Бу Жанубий Кореяда ахборот-коммуникация технологиялари юксак даражада тараққий этгани самарасидир (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳон мамлакатларида ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг 2017 йилги индекси

Ўрин	Мамлакатлар	Индекс
1	Исландия	8.98
2	Жанубий Корея	8.85
3	Швейцария	8.74
4	Дания	8.71
5	Буюк Британия	8.65
6	Гонконг	8.61
7	Нидерландия	8.49
8	Норвегия	8.47
9	Люксембург	8.47
10	Япония	8.43
95	Ўзбекистон	4.90
109	Қирғизистон	4.37

Жанубий Корея таълим соҳасига давлат бюджетидан ажратаётган маблағ 11,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Айни пайтда аҳолиси 48 млн. кишини ташкил этадиган мамлакатда 419 та олий таълим муассасаси мавжуд. Ушбу давлат ҳар 100 минг аҳоли сонига тўғри келадиган талабалар сони бўйича ҳам дунёда пешқадам. Мамлакатда умумтаълим ўрта мактабларини тугаллаган ёшларнинг 70 фоизи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиради. Уларнинг салмоқли қисми масофадан туриб таълим олиб, бакалавр даражасига эга бўлиш имкониятига эгадир.

Юқори малакали мутахассислар Жанубий Корея иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишини таъминламоқда. Халқаро валюта жамғараси маълумотларига кўра, ушбу мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 37730 АҚШ долларини ташкил этади. Таққослаш учун Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 6070 долларга тенглигини кўрсатиш мумкин. Айни пайтда Жанубий Кореяда “рақамли иқтисодиёт”нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 8,0 фоизга етган. Бу ҳам жаҳонда Буюк Британиядан (12,4 фоиз) кейин иккинчи натижадир.

Мутахассислар фикрича, яқин вақт ичида таълим соҳасида “рақамлаштириш” билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Электрон (рақамли) таълим (инглизча: “Electronic Learning”, қисқартирилганда: “E-learning”) ахборот ва электрон технологиялар

асосида ўқитиш тизими ҳисобланади. Таълимнинг ушбу турига қуйидагилар киради:

• ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ўқув материалларини шахсан ўзлаштириш;

• масофадан туриб ўқитувчи, мутахассис томонидан маслаҳат олиш, ўз билимининг баҳоланиши;

• хоҳлаган пайтда ва жойда жаҳондаги таълим муассасаларидан замонавий билимларни эгаллаш имконияти ва бошқалар.

Умуман, электрон таълимни шакллантиришда қуйидаги тўрт босқич ажратиб кўрсатилади:

•CD-ROM (инглизча: “Compact Disc Read Only Memory”, яъни “маълумотларни (файлларни) сақлаш компакт дисклари”) элтувчиларига асосланган курслар;

• талабаларга ўқитувчилар томонидан масофадан туриб таълим бериш;

• электрон дарсликларга асосланган махсус интерфаол дастурлардан фойдаланган ҳолда электрон таълим бериш;

• 2010 йилдан бошлаб оммавий (бир йўла юзлаб минг талаба учун) очиқ онлайн курслари.

Электрон таълим беришнинг жадал суръатларда ривожлантирилиши қуйидагилар билан изоҳланмоқда:

• фан-техника тараққиётининг жадаллашиши натижасида оммавий равишда олий таълимга эга бўлиш зарурати;

• замонавий ишлаб чиқаришлар ва хизмат соҳаларида иш билан банд ходимларнинг ўз билим ва малакаларини мунтазам янгилаб боришга эҳтиёжлари туфайли таълимнинг узлуксизлик хусусиятини олаётганлиги;

• ахборот-коммуникация технологиялари тараққий этиши натижасида масофадан туриб таълим олиш имкониятлари кенгайиши;

• энг нуфузли дарсликлар, қўлланмалар, ўз соҳасининг машҳур олимлари ва мутахассислари маърузаларининг рақамлаштирилиши натижасида билимларнинг мустақил эгалланиши ва ўзлаштирилган ушбу билимларнинг холис баҳоланиши;

• таълим олишда ҳудудий ва вақт тўсиқларининг бартараф этилиши, яъни нафақат бир мамлакатнинг бошқа минтақасида, балки хориждаги нуфузли университетларда ҳам масофадан туриб таълим олиш, фанларни ўрганишни шахсий кун тартиби асосида амалга ошириш имконияти ва бошқалар.

Ўзбекистонда ҳам “Электрон таълим” миллий тизимини шакллантиришга киришилган. Айниқса, “олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш” га алоҳида эътибор берилмоқда.

2012 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида ушбу марказ томонидан олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, видеоконференц-алоқа ва масофадан ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда 59 та асосий олий таълим муассасаси ва уларнинг 13 та филиали, 15 та ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаси, шунингдек, қатор илмий-тадқиқот муассасалари шу тизимга уланган.

Марказ олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари педагоглари учун ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнида компьютер ускуналаридан фойдаланишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторингини юритиш, “Таълим” ахборот тизимлари мажмуасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш билан ҳам шуғулланмоқда. Умуман, олий таълим муассасалари ахборот ресурс марказлари томонидан АРМАТ дастурига киритилган ўқув адабиётларининг электрон каталогдаги библиографик ёзувлар сони 1169,3 мингтадан кўпроқни, тўлиқ матнли электрон ресурслар 19,7 мингтани ташкил этади.

Шунингдек, олий таълим тизимининг сиртқи ва кечки таълимида талабаларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув режасидаги барча фан дастурларида белгиланган билимларни масофадан туриб мустақил ўзлаштириши ҳам йўлга қўйилмоқда. Масофадан ўқитиш онлайн (реал вақт режимида видеомаърузалар, консультациялар, назорат турларини ўтказиш) ва оффлайн (масофадан туриб ўқитиш тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни

мустақил равишда ўзлаштириш) тартибларида ташкил этилади. Бунда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари масофадан туриб ўқитишда ўқув материаллари, топшириқлар ва маслаҳат-консультатив ишларни олий таълим муассасаси сайтидаги “Сиртқи” ва “Кечки” таълим саҳифасига жойлаштиради ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Ўзбекистонда электрон таълимни жорий этиш учун мутахассислар тайёрлашда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг алоҳида ўрни бор. Университет ва унинг Қарши, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Фарғонадаги филиалларида 10,2 мингдан ортиқ талаба ахборот-коммуникация технологияларининг 23 йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Ушбу олий таълим муассасаси ривожланган 26 мамлакатнинг 42 та унивеситети, 8 та илмий-тадқиқот маркази ва 12 та йирик компанияси билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Университетнинг Жанубий Кореянинг Ахборот жамияти масалалари бўйича миллий агентлиги (NIA) билан ўн йилдан бери давом этаётган ҳамкорлиги, айниқса, самарали бўлмоқда. Буни университетда Ахборот алмашинуви бўйича ўзбек-корейс маркази мисолида яққол кўриш мумкин.

Шу билан бирга, амалга оширилган таҳлиллар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими IT-технологиялар ривожланишининг тезкор суръатларини ҳисобга олмаётганлиги, электрон таълим беришнинг илғор услубларини жорий этиш бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаётганлигини кўрсатди. Бу ҳисобга олинган ҳолда ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази, шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилмоқда.

Вилоятлардан иқтидорли болалар танлов асосида қабул қилинадиган, 1470 ўқувчига мўлжалланган ушбу ихтисослаштирилган мактабда уларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилади. Ўқувчиларнинг мустақил ишлаши, қобилиятини ривожлантириши учун махсус ускуналар билан жиҳозланган қўшимча хоналар, аудиториялар, замонавий табиий фанлар лабораториялари,

информатика хоналари, робототехника устахоналари ҳамда спорт майдончалари ҳамда сузиш ҳавзаси барпо этилади. Давлатимиз раҳбари ушбу мактабнинг янги биноси қуриладиган майдонда унинг лойиҳаси билан танишар экан, “бу ерда шундай муҳит яратиш керакки, улар таълимни, асосан, электрон воситалар орқали олсин”, деб алоҳида таъкидлади.

Давр Ўзбекистонда электрон таълимни фақат олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидагина эмас, умумтаълим мактабларида ҳам кенг жалб этишни талаб этмоқда. Бу ўринда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мамлакатларида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб информатика асослари фани ўқитила бошланишини эслатиш ўринли бўлади.

Фикримизча, мамлакатнинг бутун узлуксиз таълим тизимида электрон таълимни йўлга қўйиш учун махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди. Бундай дастурлар фақат Жанубий Кореяда эмас, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Хитой, Германия, Италия, Франция, Нидерландия, Сингапур, Малайзия каби 40 дан кўпроқ мамлакатда қабул қилинган.

Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимида электрон таълимни жорий этиш давлат дастури қуйидагиларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ бўларди:

• барча таълим муассасаларининг “Электрон таълим” миллий тизимига уланишини таъминлаш;

• информатика асослари фанини ўқитишни 1-синфдан бошлаб жорий қилиш;

• мамлакат фуқароларига масофадан туриб барча ихтисосликлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус ва олий таълим таълим олиш, шу жумладан, чет эл олий таълим муассасаларининг электрон таълим тизимидан ҳам фойдаланиш имкониятини яратиш;

• электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, махсус интерфаол дастурлар, видеоматериаллар, адабиётлар яратиш ва сертификатлашни жадаллаштириш учун махсус давлат муассасаси ташкил этиш ва унинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

• жаҳоннинг нуфузли таълим муассасалари томонидан яратилган электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, махсус интерфаол дастурлар, видеоматериаллардан масофадан туриб таълим олиш миллий тизимида фойдаланиш имкониятини яратиш;

• ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билимдонлигини ва амалий кўникмаларини умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларидан бошлаб шакллантириш учун мамлакатнинг барча минтақаларида давлат-хусусий шериклик асосида болалар технопарклари, бизнес-инкубаторларнинг кенг тармоғини яратиш ва бошқалар.

XXI аср том маънода ахборот асрига айланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув, рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш вазифаси қўйилган. Бу стратегияни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда, миллий инсон капиталига – барча фуқароларимизнинг чуқур замонавий билимларга ва юксак маҳоратга эга бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун мамлакатимизда электрон таълимни жорий қилишни жадаллаштириш стратегик вазифага айланган.

IV боб. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Таълим хизматлари самарадорлигини оширишда рақамли таълимдан фойдаланиш имкониятлари

Мамлакатимиз Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори, 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон қарори, 2018 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу қабул қилинган қарор ва фармонларда рақамли иқтисодиётни турли йўналишларда шакллантириш масаласи қўйилган.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш учун, унга мос кадрларни тайёрлашни тақозо қилади. Бунинг учун рақамли таълимни жорий этиш керак бўлади. Мазкур жараёнини ташкил қилиш учун ишни ўқув дастурларини компьютерлаштиришдан бошлаб, дарсликлар, шу жумладан, электрон дарсликларни тайёрлаб, ўқув жараёнини ҳам шунга мослаштирган ҳолда ташкил қилишни тақозо қилади. Шунингдек, ўқув жараёнини ҳам мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача бўлган босқич қамраб олиниши мақсадга мувофиқдир. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар амалга оширилган. Бошланғич синфлар учун ўқитиладиган фанлардан электрон дарсликлар мавжуд. Бу ҳолат таълимнинг бошқа босқичларида ҳам амалга оширилмоқда. Эндиги вазифа буларни тизимлаштириш ва амалиётга кенг жорий қилиш лозим бўлмоқда.

Агар ушбу масаланинг хориждаги ҳолатини инобатга оладиган бўлсак, жумладан, 1945 йилда Жанубий Корея аҳолисининг 78%и саводсиз бўлган. Аста-секинлик билан уларнинг саводхонлиги ошиб бориб, дунёда илғор технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган етакчи давлатлар қаторидан жой олди. 2015 йилдан бошлаб рақамли таълимга босқичма-босқич ўтиши режалаштирилган эди. Натижада ҳозирги вақтда бу мамлакат саводхонлик даражаси ва илғор ихтиролар бўйича Европа давлатлари ҳамда АҚШни ортда қолдирди. Таълим соҳасида орқада қолган АҚШ эса хавотирга тушиб, рақамли таълим учун катта маблағ ажрата бошлайди. АҚШнинг "рақамли таълим"и дастлаб ҳарбий дастурларда қўлланилади ва натижа мутахассисларнинг етишиб чиқиши бир неча йилдан бир неча ойга қисқаришига эришилади. Бугунги кунда мамлакатимизда саводхонлик даражаси жуда юқори. Аммо меҳнатга қобилиятли аҳоли ўртасида олий маълумотли ходимларнинг ҳиссаси анча кам. Бугунги кунда унинг ҳиссаси бор йўғи – 32,7 %ни ташкил қилади[28]. Ушбу рақамни анча кўтариш керак. Чунки ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 80-90 %ни ташкил қилади.

Мамлакатимизда таълим ислоҳотлари узлуксиз давом этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам рақамли таълимнинг элементлари, дастурлар, ўқув адабиётлари яратилмоқда. Бу ҳақда таълим тизими учун инновацион дарсликлар яратиш гуруҳи раҳбари Комил Алламжонов[29] яқин келажакда таълим тизимидла қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги ва бошқалар ҳақида маълумот берди. Ушбу гуруҳ томонидан яратилаётган ўқув дарсликлари "билим олиш жараёнини қизиқарли, енгил, эсда қоларли ва зарарсиз қилишга йўналтирилди. Бунинг учун деярли барча сезги органлари ҳамда ахборотни қабул қилишнинг барча усуллари ҳаракатга келтирилади. Биргина саҳифада бир вақтнинг ўзида ҳам матн, ҳам аудиотушунтириш, ҳам видеоролик, ҳам 3D-анимация бўлиши мумкин. Зарур ҳолларда мусиқа ёки товушлар, масалан, юрак уриши ва ҳакозолар ҳам бўлади. Яъни дарсликни қисмларга ажратиш, йиғиш, эшитиш ва ҳис қилиш имконияти

[28] 2018 йил статистик маълумотлар асосида муаллиф тамонидан ҳисоб-китоб қилинган.

[29] "Келажак – рақамли таълим ортида». Таълим тизими учун инновацион дарсликлар яратиш гуруҳи раҳбари Комил Алламжонов билан 2016 йил 19 декабрда эълон қилинган суҳбат. https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/raqamli_iqtisodietni_rivojlantirish_jadallashtiriladi.

бор”[30]. Ушбу дарсликларнинг яратилганига мана уч йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо уни оммавий тарзда қўллаш масаласи ҳамон тўлиқ ҳал бўлган эмас.

Бунга бир қпнча сабаблар мавжуд. Мазкур масалани босқичма босқич барча таълим муассасаларида амалга ошириш керак. Бошлангич синфда таълимнинг шу усули қўлландими, уни узмасдан давом эттириш лозим. Акс ҳолда бошланғич таълимдаги бор имкониятлар юқори синф ўқувчиларида етарли бўлмаса, табиийки, юқори синф ўқувчиларини ўқитишда анчагина муаммоларга дуч келинади. Бундан ташқари мазкур соҳада ҳали фан ўқитувчилари етишмаслиги ҳам ўқувчиларнинг фанга ва таълим олишга бўлган қизиқишларини сўндиради. Шу туфайли рақамли таълимни таълимнинг ҳамма босқичлари учун бирданига тайёрлаш ва жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун бир қанча ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Булар:

Биринчидан, таълим тизимининг барча босқичлари учун рақамли таълимга ўтиш учун тегишли моддий-техника таъминотини яратиш лозим бўлади. Таълимнинг бир босқичига жорий қилиб, иккинчи босқичида у бўлмаса, бундай тизимнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлиши мумкин.

Иккинчидан, таълим тизимининг барча босқичлари учун рақамли таълимга ўтиш учун тегишли кадрлар тайёр бўлиши лозим. Бу борада ҳам ҳали қилинадиган ишлар жуда кўплиги хусусида таъкидлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, ўқитувчилар билан биргаликда ўқувчи ва талабалар ҳам рақамли таълимдан фойдаланадиган қурулмалар билан тўлиқ таъминланган бўлишлари лозим. Масалан, ҳар бир ўқув муассасида маълум бир миқдорда планшетлар, сервер ва бошқа керакли жиҳозлар билан бирга интернет билан ҳам таъминланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Шундагина тизим таъминланади ва рақамли таълимга бемалол ўтиш мумкин бўлади. 2020 йилдаги пандемия шароитида дуч келган қийинчиликлар бевосита моддий-техник базамизнинг етарли даражада эмаслиги билан боғлиқ бўлганлигининг гувоҳи бўлдик. Мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида интернетнинг етарли эмаслиги ҳам мазкур масалада анча қийинчиликларни туғдирди.

[30] Ўша жойда.

Тўртинчидан, энг муҳими, ўқувчи ва талабаларнинг ҳақиқий ўқиши учун тегишли рағбат ҳам яратилмоғи лозим. Жумладан, ўқувчилар юқори синфга ўтишида уларни қизиқиши бўйича гуруҳларга ажратиб ўқитиш тизимни жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда барча ўқувчилар ҳозиргидек, умумтаълим фанларни ўрганиш билан бирга, уларни қизиқишига қараб, алоҳида фанлар бўйича блокларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқитиладиган фандар тегишли мутахассисликка қараб блокларга ажратилади. Буни қуйидаги жадвалдаги блокларда ҳам кўриш (1-жадвал).

1-жадвал

Тегишли мутахассисликлар бўйича фан блокларини шакллантириш

Блоклар	**Қайси мутахассисликка йўналтириш**	**Тегишли блокларда ўқитилиши лозим бўлган фанлар**
1-блок	Тил ўрганишга иштиёқи бўлган ўқувчилар учун	Она тили ва адабиёт, тарих, каби фанлар ўқитилади.
2-блок	Биохимия, геология ва медицинага қизиқиши бўлган ўқувчилар учун	Табиатшунослик, биология, химия, география каби табиий фанлар ўқитилади
3-блок	Иқтисодиёт тармоқлари, техникага оид мутахассислар таълим олишлари учун	Математика, физика, алгебра, геометрия каби аниқ фанлар ўқитилади
4-блок	Рассом, дизайнер, архитектор, тасвирий санъатга қизиқувчилар учун	Тасвирий санъат, архитектура, дизайер каби фанлар ўқитилади

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир блок ўзига хос бўлиб, уларда ўрганиладиган фанлар ҳам турлича. Бундай бўлиши табиий, чунки бир соҳага иқтидори бор бола, иккинчи соҳага қизиқиши бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли уларнинг қизиқишига қараб блокларга бўлиш мақсадга мувофиқ. Анъанавий таълимда ҳаммадан, унинг қизиқишидан қатъи назар, бир хил талаб қилиниши ҳам таълимнинг айрим йўналишлари бўйича маълум даражада самарасизликка олиб келиниши ҳам табиий.

Таъкидланганидек, талаба-ўқувчиларни ўзларининг йўналишлари бўйича яхши ўқишга рағбатлантириш ҳам юқори натижага эришиш учун асос бўлади. Буни инобатга олиб, таълим жараёнида

ўқувчиларни 3 та табақага бўлиш лозим бўлади. Бу қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (2.2-жадвал).

2-жадвал

Ўқувчи (талабалар)нинг тоифалари бўйича рағбатлантириш механизмалари

Т/р	Ўқувчиларнинг тоифалари	Рағбатлантириш механизмлари
1.	Аъло ўқувчилар (талабалар)	Ўқувчи бўлса, ўқишини давом эттириш учун ҳамма шароит яратиб берилади. Булар кўчада қолиб кетмаслиги керак.
		Талаба бўлса, йирик компаниялар юқори маош тўлаш шарти билан ўзлари ишга буюртма асосида олишни ташкил қилиш керак бўлади.
2.	Яхши ўқувчилар (талабалар)	Ўқувчи бўлса, булар ҳам эътиборда бўлади, қизиқиши бўйича тарбияланади, ўқитилади.
		Талаба бўлса, бўш ўринларга ишга олинади.
3.	Ўрта ўқувчилар (талабалар)	Ўқувчилар ҳам ҳисобда туради ва қўшимча касбга ўқитилиб, маълум бир касбий тадбиркорликка йўналтирилади.
		Талабалар ўзлари иш топади

Ушбу ҳолат ёшлар ўртасида маълум маънода рағбат ва рақобат туйғусини уйғотади. Лекин иккинчи ва учинчи тоифадаги талаба-ўқувчилар табиатан паст даражада яратилган эмас. Улар ҳам меҳнат қилса, ўзларини ўзлари тарбияласа юқори даражага етиши мумкинлиги хусусида ишонч билан яшашга ўрганган бўлиши лозим. Буни сингдиришда мактаб ва бошқа таълим муассасаларининг роли беқиёс бўлиши керак.

Ёшларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Чунки, профессор М.Қ.Пардаев айтганидек, “иқтидорли, ақлли бола донишманд устозлар қўлига тушса, иқтидорли аллома бўлиши, агар у ўғрилар галасига тушса, иқтидорли ўғри бўлиб етишади”[31]. Ёшларга, уларнинг таълимига берилган эътибор келажакка берилган эътибор демакдир. Шу туфайли ёшларнинг шаклланиш пайтида ота-оналар, матаб ва бошқа даҳлдор ташкилотлар тамонидан, уларга катта эътиборда бўлишлари лозим.

[31]Пардаев М.Қ. Ҳикматли дунё. Т.: Академнашр, 2018. – 608 бет

Келажакда ўқувчилар (талабалар)нинг бундай табақаланиши уларнинг интилишига, яхши ўқишига маълум даражада рағбат уйғотади. Бундай шароитда адолатли ёндошувни адолатли тарзда ташкил қилишга эришиш лозим. Таълим жараёнида адолатни ўрнатиш учун муҳим ташкилий механизмлардан бири рақамли таълимни жорий қилишдан иборатдир. Аммо мамлакатимизда ушбу масала бўйича ўз ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Булардан бири, ҳамон рақамли таълим таърифининг ишлаб чиқилмаганлигидир.

Ҳар қандай масаланинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишда энг аввало, унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Аммо изланишлар жараёни шуни кўрсатдики, ўқув жараёнидаги ушбу янги йўналишнинг соҳага оид адабиётларда таърифи ҳамон ишлаб чиқилмаган. Буни инобатга олиб, мазкур тадқиқотимизни рақамли таълимнинг таърифини ишлаб чиқишдан бошлаш лозим деган хулосага келдик. Изланишлар натижасида ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Рақамли таълим деганда, билим олиш жараёнида талаба ва ўқувчилар ахборотни қабул қилишнинг барча усулларидан фойдаланган ҳолда мавжуд сезги органларини ҳаракатга келтириш орқали дарсларни эшитиш ва ҳис қилиш йўли билан енгил эсда қоладиган ҳолда ўзлаштириш имкониятларини ишга солиш учун бир вақтнинг ўзида ҳам матн, ҳам аудиотушунтириш, ҳам видеоролик, ҳам 3D-анимация усулларидан фойдаланган ҳолда, уларнинг фаолиятини тўлиқ масофадан туриб назорат қилиш мажмуининг (ота-оналар, ўқитувчилар томонидан) мавжудлиги тушунилади.

Рақамли таълимда боланинг ўқиш жараёни, унинг фанларни ўзлаштириши, давомат ва тартиб-интизоми ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан тўлиқ назорат қилиб борилади. Бунинг учун тегишли дастурий таъминот ишлаб чиқилган. Бунда “ота-оналарга боланинг шахсий кабинетига киришига рухсат берилади. Бунда бола янги мавзуни қачон кўчириб олганини, қачон уни кўрганини, қанча вақт ўрганганини, қандай мавзу ва саволларга жавоб берганини кузатиш мумкин. Ушбу маълумотларга ота-оналар билан бирга ўқитувчига ҳам рухсат бор. Рақамли дарсликлар шундай қурилганки, бирорта мавзуни ўзлаштирмасдан кейингисига ўтишга им-

кон берилмайди. Бу шаффоф ва тўппа-тўғри назорат тизимидир”[32], деб таъкидлайди, таълим тизими учун инновацион дарсликлар яратиш гуруҳи раҳбари Комил Алламжонов.

Агар ўқувчи (талаба) ёшлигидан аниқ касбга йўналтирса, шу касбга ҳаваси ортиб, уни беихтиёр ўрганиб боради. Натижада бундай ўқувчилар мактабдаёқ бўлажак мутахассислар керакли йўналишлар бўйича тайёр бўлиб бораверади. Бу ўқувчиларнинг дарсга, фанга, ўқишга ва келажакда эгаллайдиган касбига бўлган қизиқишларини ошириб боради. Бундай шароитда ўқувчи (талаба) ёшларни ишга жойлаштириш ҳам муаммо бўлмайди. Уларга тегишли фанлар билан бирга ўзларини-ўзлари иш билан банд қилиш тамойилига ҳам ўргатиб бориш лозим бўлади.

Ўқувчилар 5 синфдан – 11 синфгача 7 йил таълим олади. Шу йил давомида ўртача 17 та фанни ўзлаштириши кўзда тутилган. Агар уларнинг йўналиши аниқ бўлса, ўқувчининг қизиқиши бўйича 5-6 та фан қисқаради. Натижада асосий эътибор, ўзи қизиқадиган асосий фанларга қаратилади ва мос равишда уларнинг билим олиш самарадорлиги ошади. Бугунги кунда, аксарият юқори синф ўқувчилари қўшимча дарсларга ёки репетиторга пул тўлаб ўқийдилар. Мактаб дастури бўйича кўп фанларга эътибор бермайди, чунки улар учун ушбу фанлар келажакда унчалик керак бўлмайди. Шу туфайли ўқувчилар мактабга аттестат олиш учун номигагина қатнашади. Ҳаттоки ота-оналарда ҳам мактабда оладиган таълимга унчалик қизиқмайди. Фарзандининг келажакда яхши ўқишини ўйлаб, яхши репетиторга беришни ўйлайди. Аммо ҳамма керакли таълимни ўқувчилар мактабда олишлари керак. Шунинг учун мактабларда ўқувчиларнинг иқтидори бўйича ўқитиш лозим.

Ҳар бир ўқувчи билиши лозим бўлган матнларни тўғри ва аниқ, хатосиз ёзиш, фикр юритиш, ҳисоб-китоб қилишни ўрганишни ҳам ҳисобга олган ҳолда, асосий, зарурий блок сифатида юқоридагиларни ўргатадиган фанлар акс эттирилади. Булардан ташқари қўшимча равишда, 0-блок ҳам бўлиши керак. Ушбу 0-блокда қўшимча талабалар қизиқадиган танлов фанлари акс этади. Айтайлик, 2-блокка қизиқувчи ўқувчилар, ўзининг блокидан ташқари танлов фани сифатида албатта 0-блокдаги фанларни ўқиши ҳам

[32] “Келажак – рақамли таълим ортида». Таълим тизими учун инновацион дарсликлар яратиш гуруҳи раҳбари Комил Алламжонов билан 2016 йил 19 декабрда эълон қилинган суҳбат. https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/raqamli_iqtisodietni_rivojlantirish_jadallashtiriladi

мумкин, 3 ва 4-блокка қизиқувчилар ҳам албатта 0-блокни ўқиши мумкин ва ҳоказо. Бунда натижа муҳим аҳамиятга эга. Натижани мактаб ўқувчиларининг фан олимпиалардаги ўрни, халқаро олимпиалардаги ўрни, ОТМларига қабул қилинганлар сони бўйича аниқлаб олиш мумкин. Мактаблар рейтинги ҳам шунга мос аниқланади. Мактабга бўлган талаб ҳам ортади. Натижада ўқитиш сифати паст бўлган мактаблар ажралиб қолади. Бу мактабларга ажратиладиган маблағларни ҳам камайтириш ёки фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш лозим бўлади. Бунинг натижасида самарасиз кетаётган маблағлар анча тежалиши билан бирга "қолоқ" мактаблар сони ҳам камаяди, келажакда бутунлай барҳам топади.

Бу жараённи ОТМларда ҳам қўллаш мумкин. Фанларнинг блокка ажратилиши талабаларнинг қайси фанни ўзлаштириш кераклигини ўзлари аниқлаб олиши ҳам самарали бўлади. Бунда ҳам 0, 1, 2, 3, 4 ва ҳоказо блоклар бўйича фанлар ажратилади. 0-блок асосий қўшимча блок бўлиб буни ҳамма ўзлаштириши керак бўлади. Талаба мутахассислиги бўйича асосий фанларни яхши ўзлаштиради. Айтайлик, талаба Менежмент мутахассислиги танлаган. У ўз навбатида ресурслардан тежамкорлик бўйича фойдаланиш масалаларига қизиқади. Бу талаба блокни танлаганда ишлаб чиқариш, ресурсларни бошқариш ва шу каби фанларни танлов фани сифатида ўзлаштиради. Худди шу гуруҳдаги бошқа бир талаба инсонларни бошқаришдаги самарали усулларни ўрганишни хоҳлайди. Икки хил қизиқишга эга бўлган талабани бир гуруҳда ўқитиб, юқори самарадорликка эришиб бўлмайди. Бунда албатта талабанинг керак бўлмаган фанни ўқишга вақти ва кучи билан боғлиқ муаммолар вужудга келиши мумкин.

Олий ўқув юртларида 1-курсга қабул қилинган талабалар учун умумий блок фанлари ўқитилиб, 2, 3 ва 4-курсларда мутахассисликлар бўйича блоклар ўқитилиши керак. Уларнинг мутахассисликлари ҳам талаба танлаган йўналиш бўйича, ресурсларни бошқариш бўйича менежер, ходимларни бошқариш бўйича менежер каби мутахассислик берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки корхоналарда кадрлар бўйича муаммолар билан ресурслар бўйича муаммолар турли йўналишларга эга. Буларнинг ечимига ҳам турлича ёндашилади.

Бу жараённи амалга ошириш учун ўқитиладиган барча фан дастурлари ва фанлар бўйича дарсликлар ва бошқа ўқув-услубий

маълумотлар электронлаштирилади. Ҳар бир таълим муассасаларида ахборот коммуникацион технологиялар ва интернет таъминоти узлуксиз ишлаб туриши ҳам таъминланади. Фан ўқитувчиси фақат ўқувчи ва талабанинг берилган топшириқларини назоратини олиб бориш ва саволларга жавоб бериш учун маъсул бўлса, АКТ оператори уларнинг сайтлардан фойдаланишини назорат қилиб боради. Чунки ҳозирги тезкор информация даврида ёшларнинг турли сайтларда кезиб юришлари мумкин. Шунинг учун оператор уларнинг назоратини олиб бориши зарур.

Давлатимиз ҳар йили дарсликлар босмадан чиқариш учун жуда катта маблағ сарфлайди ва ҳар йили ўзгаришлар бўлади. Агар дарсликлар электрон тарзда бўлса, ҳар йили янгилик қўшиб фойдаланиш мумкин, бу ҳам анча маблағни тежайди.

Ҳозирги вақтда таълим муассасалари электрон доскалар, планшет ва компьютерлардан фойдаланадиган ўқув хоналари кўпайиб бормоқда. Бу ахборотлар билан ишлаш тезлигини оширади. Бериладиган ахборотлар ҳам ўзбек, рус ва инглиз тилларида бўлади. Таълим олувчи ўзи учун мос тилни танлаб ўша тилдаги маълумотларни олиб ўрганади.

Яқин келажакда рақамли таълимга тўлиқ ўтишимиз муқаррар. Бу ҳар бир педагогдан компьютер саводхонлигининг янада ошишини талаб қилади. Агар ўқитувчи компьютерни яхши билса, ўқувчиларнинг бажарган вазифа ва топшириқларини оператор эмас, бевосита ўзи назорат қилади. Бу ўқувчи ва талабаларнинг мустақил вазифалар бўйича ўз устида ишлаш маъсулиятини оширади.

Ҳозирги вақтда фанлардан дарсликлар ёзишда асосан олимларнинг ҳиссаси катта ва ҳар бир фаннинг ўз мутахассиси, яъни фан эгаси бор. Улар ўша фанга назарий жиҳатдан ёндашишади. Айни вақтда барча соҳалар бўйича ўзгаришлар жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Ўқувчилар, талабалар интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали янгилар билан баравар юради. Дарс жараёнида назарий ёки амалий машғулотлар фақат синф хоналар ва аудиторияларда бўлади. Бу интенсив шароитда зерикарли бўлиши мумкин. Чунки ўқувчи, талаба ўша билим ва янгиликни амалиётда қандай самара беришига қизиқади. Шундай экан, ҳар бир фан бўйича сайт яратилиши лозим. Сайтда фақат ўша фан бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар бўлиб, вақти-вақти билан янгилаб туриш керак. Шунинг учун ўша фан сайтларига бевосита соҳа вакиллари,

амалиётчилар ва тадқиқотчилар ҳам ташриф буюриб, янгиликларни киритиб, қўшимчалар қилиб борса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу рақамли таълимнинг энг афзаллик томонларидан биридир.

Биз бу сайтларга хорижий олимларни жалб қилсак, улар ўз илмий ва амлмий янгиликларини киритиб борса ҳам бўлади. Дарслар ҳам онлайн тарзда хорижий олимлар ва амалиётчилар билан биргаликда олиб борилиши ҳам мумкин. Шу тариқа хориж давлатлар ёшларини ҳам ўқишга жалб қилиш имконияти туғилади. Улар ўз ватанларида туриб масофавий таълим олади ва фан сайдларидан фойдаланади. Бу таълим туризмини сифат жиҳатидан кўтарилишига асос асос бўлади.

Қайси дарслик ва ўқув қўлланмадан энг кўп фойдаланилган бўлса, ўша дарслик ва ўқув қўлланма муаллифига бу ҳам балл бериб, унинг рейтингини баҳолаб бориш мумкин. Бу эса ушбу монография муаллифларини рағбатлантириш учун ҳам асос бўлади. Хуллас, рақамлли таълим бир қанча афзалликларга эга экан. Буни ушбу расмда кўриш мумкин (1-расм).

Мазкур расмда рақамли таълимни жорий қилишнинг бир қанча афзалликлари келтирилган. Булардан биринчиси, ўқув адабиётларида кўплаб маълумотлар киритилади ва улар осонгина янгиланиб борилади. Чунки дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрланиб нашрдан чиққунча бир йил ўтади. Уни ҳар йили нашр қилиш имконияти ҳам чекланган. Шунинг учун рақамли таълимда электрон дарсликни тезлик билан янгиланиб туриш имконияти яратилади. Бу ҳозирги тез ўзгараётган жамиятда муҳим аҳамиятга эга.

Рақамли таълим устозларнинг ҳам ўқувчи-талабаларнинг ҳам ортиқча қоғозбозликнинг барҳам топганлиги учун уларнинг вақти ҳам тежалади. Чунки ҳозирги пайтда дарс ўтиш учун жуда кўп қоғозларни ҳар йили янгидан тайёрлашга амалдаги тартиб бўйича мажбур. Тассавур қилинг, битта фандан бир йилда 350-450 варақгача қоғоз тежаладиган бўлса, битта олий ўқув юртида қанча ва мамлакатимиз бўйича неча тонналаб қоғозлар тежалади. Худди шундай ҳолатни бошқа йўналишларда ҳам кўриш мумкин.

Муҳим жиҳатлардан бири, талабаларнинг билимини баҳолашда коррупция элементларига барҳам берилади. Натижада талабалар баҳо учун эмас, балки билим олиш учун таълим олади. Билимли талабадан етук мутахассис етишиб чиқади ва бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш билан бирга аҳолининг

ижтимоий ҳаётини ҳам юксак даражага кўтаришга олиб келади. Шу йўл билан мамлакатимизнинг ва ундаги ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини оширади.



1-расм. Рақамли таълимни жорий қилишнинг афзалликлари

Талабанинг билимини, унинг интизомини устоз билан бирга ота-оналарнинг ҳам мунтазам назорат қилиб бориш имконияти яратилади. Рақамли таълим ўқувчи талабанинг айни пайтда қаердалиги, қандай иш билан шуғулланаётганлигини устоз билан бирга ота-оналар ҳам ахборот технологиялар ёрдамида назорат қилиб туради. Муҳими, ўқувчи-талабанинг олган баҳосини ҳам ўқувчи талаба билан биргаликда, ўқитувчи таълим муассасаларининг раҳбарияти кузатиб боради. Бундай ҳолатда баҳони кўтаришнинг ҳам пасайтиришнинг ҳам имконияти бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли таълим, мамлакатимиз келажаги. Ушбу йўл рақамли иқтисодиётнинг ҳам шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Чунки рақамли иқтисодиётда сахталаштириш имкони бўлмасликни рақамли таълимдан таҳсил олган

рақамли таълим билан қуролланган мутахассисларгина амалга оширади.

4.2. Инсон капиталини шакллантиришда рақамли таълим хизматларини такомиллаштириш ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш йўллари

Бугунги кунда таълим хизматларини такомиллаштириш масаласи янгиланаётган Ўзбекистон учун устувор вазифалардан бирига айланди. Чунки эамиятнинг интеллектуал салоҳиятини оширмасдан туриб, унинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини таъминлаб, рақобатбардошлигини ошириб бўлмайди. Шу туфайли мамлакатимиз Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш масалаларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор қарор ва фармонлари қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги каби таълимга оид ташкилотларнинг турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 июлда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди[33]. Ушбу қонун, фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш учун рақамли иқтисодиётни, унинг таркибий қисми бўлган рақамли таълимни шакллантириш устувор вазифалардан бири саналади. Бу эса, ўз навбатида рақамли таълимни тадқиқ қилиш заруратини туғдиради. Айнан ушбу объектив зарурият мавзунинг ўта долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

Рақамли иқтисодиёт ва рақамли таълимга оид масалалар билан мамлакатимиз олимлари томонидан С.С.Ғуломов, А.Т.Шермуҳаммедовлар [34] рақамли иқтисодиётга оид умумий масалаларни

[33] Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 июнда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган.

[34] . Ғуломов С.С., Шермуҳаммедов А.Т. Развитие цифрового маркетинга в Узбекистане. // “Ўзбекистонда ҳаракатлар стратегияси самарадорлигини оширишда маркетинг концепцияларидан фойдаланиш муаммолари” мавзусида ХИАК материаллари тўплами. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2019. – 24-29 бетлар.

кўтарганлар. М.А.Икромов эса, рақамли товар ҳақида гап юритганлар[35]. М.Қ.Пардаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар рақамли иқтисодиётнинг назарий масалалари билан бирга солиқ тизимида рақамли иқтисодиётдан фойдаланиш масалаларига эътиборни қаратганлар[36]. Ушбу муаллифлар томонидан бир қанча адабиётлар ва илмий мақолалар нашр қилинган. Унда асосан рақамли иқтисодиёт, рақамли маркетинг, солиқ каби масаллалр ёритилган. Аммо рақамли таълим бўйича мамлакатимиз олимлари томонидан илмий адабиётлар деярли нашр қилинмаган.

Мақолани ёзиш жараёнида билиш назарияси (мантиқий таҳлил), индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, сабаб ва оқибат, макон ва замон, миқдор ва сифат, статистик ва иқтисодий таҳлил, монографик кузатиш, социологик сўров каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида янги рақамли таълим тизимини шакллантириш, бунда янги таълим технологияларини тадбиқ этиш лозим бўлади. Бунинг самарадорлигини ошириш учун фақат техника ва технологияларни такомиллаштириш билан эришиб бўлмайди. Таълим соҳасида юқори самарадорликка эришиш учун унинг барча унсурларини такомиллаштириш лозимдир. Биринчи галда, таълим олувчилар, таълим истеъмолчиларида юқори эҳтиёж бўлиши керак. Иккинчидан таълим берувчида юксак салоҳият шаклланган ва ҳар қандай шароитда, ҳар қандай таълимни истеъмолчига етказа оладиган бўлишлигини ҳам талаб қилади. Айнан шу иккаласи мвжуд жойда таълим технологияси ва инфратузилмасини такомиллаштириш катта самара беради.

Ҳозирги пайтда ўқувчилардан сўрасангиз, ўқитувчилар бизга керакли нарсаларни бермаяпди, деган важни айтади. Ўқитувчилар эса, ўқувчилар – таълим истеъмолчилари хоҳламаяптилар, деган фикрни олға суради. Қачонгача айбни бир-биримиздан қидирамиз. Бунга ҳаммамиз айбдор. Аммо ҳар бир шахс – таълим олувчи ҳам,

[35] Икромов М.А., Шермуҳаммедов А.Т. Цифровой товар: стратегии производителей и продовцов. // “Ўзбекистонда ҳаракатлар стратегияси самарадорлигини оширишда маркетинг концепцияларидан фойдаланиш муаммолари” мавзусида ХИАК материаллари тўплами. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2019. – 100-103 бетлар., Ғуломов С.С., Шермуҳаммедов А.Т. Развитие цифрового маркетинга в Узбекистане. // “Ўзбекистонда ҳаракатлар стратегияси самарадорлигини оширишда маркетинг концепцияларидан фойдаланиш муаммолари” мавзусида ХИАК материаллари тўплами. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2019. – 24-29 бетлар.

[36] Пардаев М.Қ. Рақамли иқтисодиётнинг таърифи, мақсади, ижобий ва салбий томонлари. // “Сервис” илмий-амалий журнали. 2019 1-сон. – 5 бет.

таълим берувчи ҳам айбини ўзидан ахтариши керак. Бунда янги таълим технологиялари воситачи ролини бажаради, яъни таълимни истеъмолчига тез ва қулай етказиб беради. Шундай қилиб, таълим хизматлари занжири пайдо бўлади (2-расм).

Ушбу ҳалқага кирадиган барча унсурлар бир-биридан муҳим. Чунки юқори савияли педагог (ўқитувчи) бўлсаю, унга муносиб истеъмолчи (ўқувчи) бўлмаса, биринчи савияли, билимдон педагогнинг меҳнати кутилган натижани бермайди. Илм олишни хоҳлайдиган талаба (ўқувчи) бўлсаю, яхши ўқитадиган педагог бўлмаса ҳам тегишли самарадорликка эришиб бўлмайди. Юқоридаги иккаласи ҳам талаб даражасида бўлса-ю, тегишли ахборот-коммуникацион технология етарли бўлмаса, ҳозирги кутилган самарали ва сифатли таълим хизматларини кўрсатишдек устувор вазифага ҳам эришиб бўлмайди.



2-расм. Таълим хизматлари ҳалқаси

Одатда ҳозирги йўналиш бўйича ўқитилганда, ўзлаштирмайдиган талабаларга жуда катта вақт сарфлаймиз. Аммо иқтидорли, ўзини эплайдиган талабаларга тегишли эътибор қаратилмайди. Улар ўзларининг фанини билади-ку, уларга ортиқча вақтнинг кераги йўқ, деган тушунча билан фаолият кўрсатамиз. Одатда бундай бўлмаслиги керак. Биз асосий эътиборни яхши ўзлаштираётган ва ўқишга жуда катта иштиёқи бор болаларга ҳам эътиборни қаттиқ қаратишимиз лозим бўлади. Таълим жараёнида ўқитувчилар ҳам,

таълим истеъмолчилари бўлган ўқувчилар ҳам, янги таълим технологилари ҳам талабга жавоб берсагина таълим хизматларининг самарадорлиги ва сифати ошади. Айнан шу жараёнларни мувофиқлаштиришда, уларнинг бир-бирига мослигини таъминлашда рақамли таълим хизмат қилади.

Энди рақамли таълимнинг нималиги хусусида, унинг назарий жиҳатларига эътиборни қаратсак. Чунки ҳар бир нарсанинг назарий пойдеворини шакллантирмасдан туриб, унинг амалий самарадорлигига эришиш қийин. Рақамли таълимни шакллантириш ва ривожлантириш учун тегишли талаб пайдо бўлиш билан бирга, тегишли шароит ҳам яратилди. Маълумки, XX асрда “фан ва техника революцияси” деган тушунча пайдо бўлган эди. Айнан шу жараёнда “фан ишлаб чиқариш кучлари” даражасига кўтарилди. XX1-асрга келиб, “ахборот революцияси”, “интеллектуал мулк”, “ахборот асри” каби тушунчалар вужудга келди.

Ушбу тушунчалар таркибидан биттаси “интеллектуал мулк” тушунчасига келадиган бўлсак, у фақат битта илмий ходимнинг иш фаолияти натижаси эмас, балки унда фан, техника, технология ва инсон омилининг биргаликдаги фаолияти натижалари бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли бугунги кунда тегишли муваффақиятларга эришмоқчи бўлсак, ҳаммасини бирданига ўзгартириш, такомиллаштириш лозим бўлмоқда. Ушбу тушунчаларни жамлаб битта сўз билан “инсон капитали”, деган тушунча ҳам шаклланди. Содда қилиб айтадиган бўлсак, инсон капитали деганда, ҳамма ишга қолир, билимли мутахассис тушунилади. Ушбу боғлиқликни қуйидаги расмда кўриш мумкин (3-расм).



3-расм. Инсон капиталини шакллантирувчи омиллар

Расмдан кўриниб турибдики, инсон капиталининг шаклланиши учун энг аввало, замонавий талабларга жавоб берадиган фан ва техника мавжуд бўлиши лозим. Фан одатда амалиётдан, тараққиётдан орқада қолиб кетмаслиги керак. Шу билан бирга замонавий талабларга жавоб берадиган технология ҳам шаклланган бўлмоғи лозим. Ҳаммаси мавжуд бўлса-ю, уни иштиёқ билан ўзлаштиришга киришадиган инсонлар бўлмаса, ҳаммаси бефойда. Шу туфайли ушбу унсурларнинг яхлит ҳолатда бир хил даражадаги тараққиётини таъминлашни тақозо қилади. Бу ҳам рақамли таълим орқали амалга оширилади.

Ушбу тушунчалар таркибидан биттаси “интеллектуал мулк” тушунчасига келадиган бўлсак, у фақат битта илмий ходимнинг иш фаолияти натижаси эмас, балки унда фан, техника, технология ва инсон омилининг биргаликдаги фаолияти натижалари бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли бугунги кунда тегишли мувоффақиятларга эришмоқчи бўлсак, ҳаммасини бирданига ўзгартириш, такомиллаштириш лозим бўлмоқда. Ушбу тушунчаларни жамлаб битта сўз билан “инсон капитали”, деган тушунча ҳам шаклланди. Содда қилиб айтадиган бўлсак, инсон капитали деганда, ҳамма ишга қолир, билимли мутахассис тушунилади. Бу эса ўз навбатида фан, техника, технология ва инсон омилини ўзида мужассаамлаштиради. Буларга эришиш учун энг аввло, таълим тизимни ўзгартиришга қодир бўлган кадрларни такомиллаштиришимиз ва уни ўзлаштириш иштиёқи баланд бўлган талаба-ўқувчиларни шакллантиришимиз зарур бўлади. Бунда замонавий комплекс қамровга эга бўлган сифат менежменти тамойилларидан фойдаланишни тақозо қилади. Чунки самарали фаолиятни бошқаришда сифатга йўналтирилганликка эътиборни кучайтиришни ҳам талаб қилади. Бу ҳам рақамли таълим билан бошқарилади ва амалга оширилади.

Маълумки, инсон фаровонлигининг манбаи меҳнат ҳисобланиб келган. Бунда асосан жонли, инсон меҳнати назарда тутилган. Инсониятнинг бутун тарихи ҳам шу меҳнат, уни такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолда баҳоланган. Фаровонлик эса яратилган тақсимотнинг тақсимоти билан белгиланган. Бунда юқори натижага эришиш учун меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи тарихан устувор бўлиб келган. Ушбу йўналиш бугун ҳам ўз мавқеи ва аҳамиятини йўқотган эмас. Аммо меҳнат унумдорлиги фақат нсоннинг меҳнати билан эмас, балки бошқа воситалар ёрдамида

(фан, техника, технология каби) ҳам оширилишини инобатга олиш лозим бўлмоқда. Оқибатда юқори натижага эришилиб, инсонларнинг яшаш даражаси ва сифати ҳам шунга мос равишда яхшиланиб бормоқда.

Энди рақамли таълим тушунчасининг таърифига эътиборни қаратсак. Ушбу тушунча бўйича иқтисодий адабиётларда диққатни тортадиган фикрлар деярли айтилмаган. Буларни инобатга олиб, рақамли таълимга таъриф бериш учун, рақамли иқтисодиётнинг таърифини ҳам қараб чиқдик. Бу борада М.Қ.Пардаев қуйидагича таъриф берган: "**Рақамли иқтисодиёт деганда, рақамли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган ва электрон тижорат орқали тақсимланадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизими тушунилади**" [37] , дейилган. Маълум маънода ушбу таъриф бизнинг рақамли таълим тушунчасини ишлаб чиқишда ҳам назарий асос бўлиб хизмат қилиш мумкин. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, рақамли таълим тушунчага ҳам ёндошиш мумкин. Аммо рақамли таълимга таъриф беришда унинг айрим хусусиятларини инобатга олиш лозим бўлади. Буларга:

Биринчидан, таълимда билим олиш жараёни мавжуд. Бунда таълим берувчи ва истеъмолчи иштироки таъминланган бўлиши лозим. Иккинчидан, ушбу жараёнда ахборот технологиялари иштироки ҳам таъминланган бўлишлигини тақозо қилади. Учинчидан инсоннинг сезги органлари, тафаккури ҳам дарсларни эшитиш, тинглаш, уларни ўзлаштириш жараёнларида иштирок этиши кўзда тутилиши лозим. Тўртинчидан, бир вақтнинг ўзида ҳам матн, ҳам аудиотушунтириш, ҳам видеоролик, ҳам 3D-анимация усулларидан фойдаланилади. Бу ҳам инсон хотирасида таълимнинг ўрнашиб қолишига ёрдам беради. Бешинчидан, рақамли таълим масофадан туриб ҳам узатилади. Олтинчидан, таълим жараёнини ички ва ташқи томондан назорат қилиш ҳам мумкин бўлади.

Энди рақамли таълимни амалга ошириш технологиясини эътиборларингизга ҳавола қилган ҳолда қараб чиқамиз. Фикримизча, рақамли таълимда асосий иштирокчи таълим олувчи ва таълим

[37] Пардаев М.Қ. Рақамли иқтисодиётнинг таърифи, мақсади, ижобий ва салбий томонлари. // "Сервис" илмий-амалий журнали. 2019 1-сон. – 5 бет.

берувчилар билан бирга ахборот технологиялари ва ички ҳамда ташқи назорат қилувчилар иштирок этади (4-расм).



4-расм. Рақамли таълимни амалга оширувчи субъектларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳалқаси[38]

Ушбу расмга эътиборни қаратадиган бўлсак, рақамли таълимни амалга ошириш учун асосан тўртта йўналишдаги воситалар ва субъектлар зарур бўлар экан. Муҳими, рақамли таълим учун ҳаммаси ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади. Шу туфайли рақамлаштириш бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни тақозо қилади.

Биринчи галдаа таълим олувчи – истеъмолчи (ўқувчи, талаба)да таъли олишга жиддий иштиёқ ва истак бўлиши лозим. Шундагина унга тегишли ахборот технологиялардан самарали фойдаланиш учун яратилган имконият самарали бўлади. Талабалар ахборот технологиялари билан қуролланган бўлиши мумкин, аммо ундан қайси мақсадларда фойдаланиш аҳамиятлидир. Шу туфайли ёшларда биринчи галда таълим олишга катта иштиёқни уйғотиш лозим. Шундан кейингина ахборот технологияларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, ахборот техно-

[38] Тадқиқотлар натижасида муаллифнинг ишланмаси.

логияларини тўлиқ нтернетга уланганлигини ва унда барча зарур ахборотлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

Иккинчидан, таълим берувчи устозлар ҳам электрон дарслик ва бошқа ўқув адабиётларини фақат электорни воситалар орқали ўқиш имкониятини яратган бўлиши лозим. Ҳар бир фан бўйича талабага (ўқувчига) нима зарур бўлса, шу фаннинг сайтига жойлаштирилган бўлади. Буларни ўрганиш жараёнида талаба қанча вақт сарфлаганини ўқитувчи бемалол назорат қила оладиган бўлиши лозим. Савол-жавоблар ҳам шу ахборот технологиялари орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, чунки бунинг учун катта имконият яратилган бўлади. Интернетга уланган талабаларни нафақат ўқитувчи, балки ота-оналар ҳам назорат қилиши имконияти яратилади. Бунда ўқитувчи талабасини ёки ҳар бир ота-она фарзандини ўзининг қанча вақтини ўқишга ва фанни ўзлаштиришга сарфлаётганлигини назорат қилиб боради.

Учинчидан, рақамли таълим дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари ҳамма-ҳаммасининг электрон нусхаси яратилган бўлишилигини тақозо қилади. Ҳатто тестлар, ўзини-ўзи назорат қилишга мўлжалланган саволларининг ҳам электорн нусхаси жойлаштирилган бўлиб, ўқитувчи шу назоратни интернет орқали амалга ошириши ва талабанинг билимини баҳолаб бориши мумкин.

Тўртинчидан, ахборот технологиялари билан нафақат талаба (ўқувчи), балки ота-оналар, таълим берувчилар, ушбу жараённи назорат қилиб борувчилар тўлиқ қуролланган ва бир-бирига уланган бўлиши (сайтнинг номини кириш коди ҳамма-ҳаммасини барчаси билиши) лозим. Бундай шароитда таълим ҳақиқий таълим бўлади, коррупциянинг аралашишига умуман имконият қолдирилмайди. Ҳамма бир-бирини назорат қилиб боради. Билим олиш истаги борлар ҳақиқатда билим оладиган шахсга айланади. Бугунгидек, нима бўлса ҳам диплом олиш учун эмас, балки билим олиш учун ўқиш ҳаракати таъминланади. Бу ҳолат ҳар бир талабани (ўқувчи) ва шу орқали бутун миллатни, халқни юксалтиради. Маълумки, таълим юксалган жойда миллат юксалади ва мос равишда мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти таъминланади.

Рақамли таълимнинг яратилиши ички ва ташқи назоратчиларнинг ҳам масофадан туриб ўз вазифасини амалга ошириши учун имконият яратилади. Аммо шуни эътироф этиш керакки, ҳар

қандай таълим тарбия билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоғи лозим. Тарбия етарли бўлмаган жойда таълимга иштиёқнинг, ҳоҳишнинг уйғониши ҳам мушкул. Шу туфайли таълим билан тарбиянин бирортасини биринчи ва қайсинидир иккинчи даражага тушуриб бўлмайди. Инсон камолоти, жамият тараққиёти учун таълим қанчалик зарур бўлса, тарбиянинг аҳамияти ҳам ундан кам бўлмайди.

Бугунги кунда таълим-тарбия тизимида айрим муаммолар мавжудлиги ҳам сир эмас. Буларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, тарбия билан боғлиқ тушунча ва тамойилларини ёшлар онгига таълим орқали сингдириш жуда мураккаб. Болани туғулгандан бошлаб оиладан барча ҳаракатларни миллий қадриятларнинг муқаддаслигига боғлаб олиб бориш орқали, унинг ишонч ва эътиқодини шакллантириб бориш лозим. У ўқиш кераклигини бутун вужуди билан ҳис қилмаса, ўқишга катта иштиёқ уйғонган бўлмас, уни ўқи деб ўқитиб бўлмайди. Инсон ҳақиқий комил инсон бўлиши учун ўқиш кераклиги ҳар бир ёшнинг ишонч-эътиқодига айланиб боришига эришиш лозим бўлади. Чунки асл қадриятларимизни, иймон-эътиқодни таълим-тарбия тизимидан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Афсуски, ҳали ҳамма ёшларда ҳам миллий қадриятларимизга таянган ҳолда илм-фан ютуқларига, унинг сирларини билишга интилиб яшаш бир хилда юқори эмас. Жуда кўп ҳолларда, тан олиб айтиш жоиз, таълимнинг оқсоқлиги тарбия билан боғлиқлигини ҳамиша англаб етаётган эмасмиз.

Иккинчидан, бугунги глобаллашув шароитида турли мафкуравий хуружлар ҳукм суриб турган паллада ёшларимизни ўз қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаб, таҳдидчиликдан, тушуниб-тушунмай “ўрнак олиш” руҳиятидан холи қилиш лозим бўлмоқда. Бундай ҳолатда таълимни тарбиядан айрим ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Биз хориж билан бир хил таълимни олишимиз мумкин, аммо тарбияда бир хилликка йўл қўйиш мумкин эмас. Биз қадриятларимиздан узоқлашадиган, унга беписандлик билан қарайдиган бўлсак, бутунлай бошқа одамга айланиб қолишимиз мумкин.

Учинчидан, миллат билимли бўлиши билан бирга тарбияли бўлиши лозим. Тарбияли, эътиқодли инсон ҳалол-покиза яшашни шиор қилиб олади. Бундайлар ўзига қулай ҳолатда алдав йўли билан ишини битиришдан йироқ бўлади. Тарбия мамлакатимиз-

нинг мустақил тараққиётини таъминлашда, унинг халқаро нуфузини оширишда, рақобатбардошлигини мустаҳкамлашда, аҳолининг яхлитлигини таъминлашда, барқарор ривожланишга эришишда билим сингари муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда таълим-тарбия муассасалари, миллий ғоя илмий-амалий маркази, маънавият тарғибот маркази ва бошқа ижтимоий институтларнинг фаолиятида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини оширишга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда ҳам замонавий ахборот технологияларини қўллаш ва замон билан ҳамнафас бўлишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аммо ушбу ишларнинг самарадорлиги қанчалигини баҳолаш қийин бўлмоқда.

Тўртинчидан, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашдан мақсадимиз миллатни асл ҳолида сақлаб қолишга қаратилган. Таълим тарбиянинг муҳим ажралмас қисми миллий ўзликни англаш эканлиги, уни мустақил демократик тараққиётини, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги глобаллашув шароитида таълим соҳасида жаҳон фани ютуқлари, технологиялардан фойдаланиш қанчалик зарур бўлса, тарбия соҳаси ҳам миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш учун шунчалик зарурдир. Чунки, таълимда – дунёвийлик илмини, тарбияда эса миллий маънавий қадриятларни ҳисобга олиб, ўзлигимизни, иймон-эътиқодимизни мустаҳкамлашга қаратилган илмни сингдиришни тақозо қилади. Буни бола дунёга келган кундан бошлаб мактабгача ва мактаб даврининг ҳам ҳамма босқичларида янада бойиб, янгиланиб боришига хизмат қилади.

Бешинчидан, ҳаётда ўз манфаатини устун қўйиб, қонунга риоя этмаслик, раҳбарликда адолат принципларини бузиш, лоқайдлик, инсонлар ҳаётига бефарқ бўлиш билан боғлиқ ҳолатларнинг кам бўлсада сақланиб қолаётганлиги жамият учун катта маънавий зарар келтиради. Чунки, одамлар бу ҳолатларни кўриб, уларнинг жазоланмаётганликларига гувоҳ бўлиб яшайдиган бўлса, ҳеч маҳал ҳаётдан рози бўлмайди. Адолат йўқ жойда маънавий барқарорликка ҳам эришиш мушкул. Зеро, тарбия жараёни энг нозик бўлиб, унда сўз ва ишнинг бирлигини талаб қилади. Агар бу таъминланмаса, бундай паллада маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик, таниш-билишлик ҳолатлари билан боғлиқ носоғлом муҳит шаклланади. Бу бевосита тарбия жараёнига жуда катта салбий таъсири бўлади.

Олтинчидан, таълим-тарбия жарёнидаги айрим муаммолар урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва анъаналаримизга беписандлик билан қараш оқибатида келиб чиқади. Буларнинг намоён бўлиши бевосита ортиқча моддий ҳаражатларга йўл қўйишлар билан боғлиқ. халқимизнинг миллий маданий мероси ва қадриятларига ҳурмат билан қарашларни унутиб қўяётганлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолатга барҳам бериш вақти қачонлардир келган эди. Бугунги кунда ушбу жараёнларни тезлаштириш масаласи ўзта долзарб ҳисобланади. Бундай долзарб муаммонинг ечими ҳам бевосита рақамли таълим ва шунга мос тарбияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Еттинчидан, ёшларнинг таълим билан бирга тарбия олиш, билим сирларини эгаллаши, бугунги замон талабларига жавоб берадиган касб-ҳунарга эга бўлишлиги борасида анча ишлар қилинишига қарамасдан, айрим ёшларнинг ҳаётида норозигарчилик руҳияти ҳамон сақланиб қолмоқда. Бундай ҳолатнинг сақланиб қолишига мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга бўлган интилишнинг етишмаётганликлари ҳам сабаб бўмоқда. Бугунги глобаллашув туфайли замонавий интернет тармоқлари орқали турли ҳил сайтларда ёшларнинг ўзаро мулоқотидаги тарбияга зид бўлган носоғлом кўринишдаги муносабатларнинг шаклланаётганлиги тарбиянинг миллий маънавий негизларига тўғри келмайди. Бундан ҳам кўриниб турибдики, таълим жараёнида ахборот технологияларидан бемалол фойдаланиш мумкин, аммо тарбия жараёни фақат илғор техника ва технологиялардан фойдаланиб, улар билан инсон руҳиятига таъсир қилиб мувоффақиятларга эришиб бўлмас экан. Ахборот технологиялардан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ҳам талаба тарбияланган ва унда жуда катта ўқиш истаги, туйғуси уйғонган бўлиши лозим. Шу туфайли, таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш учун фанда техника ва технологиядан фойдаланишга катта аҳамият берилсада, тарбия жараёнида булардан фойдаланиш ҳам маълум муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки интернетдаги ҳамма нарсалар ҳам тарбияга ижобий таъсир қилавермайди. Интернетда айнан тарбияни бузушга қаратилган махсус ахборотлар борки, улар кўп ҳолларда тарбия жараёнига салбий таъсир қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш ва илм-фанни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Натижада ушбу соҳа ривожланиши билан бирга ўқув

жараёнлари такомиллашиб бормоқда. Шу такомиллашиш жараёнининг бир йўналиши келажакда рақамли таълимни шакллантириш ва таълимнинг шаффофлигини тўлиқ таъминлашдан иборатдир.

4.3. Рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш бўйича ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Рақамли иқтисодиётни жорий қилиш рақамли бошқаришни, буларни амалга ошириш рақамли таълимни жорий қилишни тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш масаласини устувор вазифа сифатида белгилаши, барча соҳаларда янгиланишни талаб қилди. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Буларнинг ҳаммаси бугунги кунда рақамли мамлакатни шакллантиришни тақозо қилади. Ушбу мақсадда **2030 йилгача «Рақамли Ўзбекистон» ривожланиш концепциясини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилган эди.** Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича баён этилган: “Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини** ишлаб чиқиш”[39] вазифаси юклатилди. Таълим хизматларига оид адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг қатор олимлари ушбу хизматларининг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланиб келмоқдалар. Мумладан, ушбу масланинг у ёки

[39] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

бу жиҳатлари олимларимиздан К.Х.Абдурахманов, А.Ш.Бердимурадов[40], С.С.Ғуломов[41], М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев[42], З.Адилова, Б.Хонтўраев[43], Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев[44] М.Саидов[45], А.Халиқов[46], Я. Маматова, С. Сулайманова[47] кабиларнинг ижодлари ўз аксини топган. Ушбу олимлар асарларида хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, таълим хизматларининг ҳам умумий жиҳатлари ёритилган. Аммо ушбу олимлар ишларида айнан таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда таълим тизимини рақамлаштириш масаласига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш жараёнида методологик асос сифатида мантиқий таҳлил, анализ ва синтез усулларидан фойдаланиган. Зеро, иқтисодиётнинг жадал ривожлантиришни таъминлаш учун юқори малакали кадрлар керак ва мос равишда буларни тайёрлаш учун таълим тизимини такомиллаштириш лозим бўлади. Бунга эса таълим тизимини рақамлаштириш орқали эришилади. Шу туфайли ишдаги асосий масалалар ва уларнинг йўналишлари мантиқий таҳлил усулларини қўллаб ёритилди.

2030 йилгача "Рақамли Ўзбекистон - 2030» **ривожланиш концепциясида** кўзда тутилган **вазифаларни бажариш мақсадида мазкур** Концепцияга бир қанча чора-тадбирларни киритиш масаласи ҳам белгиланган[48]. Буларга қуйидагилар киритилган:

Биринчидан, телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли уяли алоқа, кенг полосали Интер-

---

[40] Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., профессор Қ.Х.Абдурахманов таҳрири остида. – Т.: "Фан ва технология" нашриёти, 2013. – 476 бет.

[41]

[42] Пардаев М.Қ. Рақамли иқтисодиёт – мамлакат тараққиётининг келажаги. // "Сервис" илмий-амалий журнал. 2019 йил. 3-сон. 7-бет., Пардаев, М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизмат соҳаси иқтисодиёти ўқув қўлланма. – Т.: "Иқтисод-молия", 2014. – 384 бет.

[43] Адилова З., Хонтўраев Б. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва таълимнинг ўрни. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 16-19-бетлар.

[44] Исроилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Т.: "Тафаккур" нашриёти, 2019.. – 168 бет. Исроилов Б.И. Таълим тизимида коррупцияни олдини олиш масалалари. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 183-186-бетлар.

[45] Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции и человеческий капитал, партнёрство в сфере образования. – М.: Книжный дом газеты «Труд», 2008, - 362 с.

[46] А.Холиқов. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. Тошкент "Иқтисод-молия". 2010. 8-бет.

[47] Я. Маматова, С. Сулайманова**,** Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. –Т.: «Extremum-press», 2015. – 94 б.

[48] https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/raqamli_iqtisodietni_rivojlantirish_jadallashtiriladi

нетдан фойдаланиш имкони билан таъминлаш устувор вазифа сифатижа қаралмоқда.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларида замонавий ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини жорий этиш, шунингдек, «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳарлар ва минтақалар ташкил этиш масаласи ҳам қатъий белгиланган.

Учинчидан, рақамли иқтисодиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек замонавий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлашга ҳам аҳамият берилган.

Тўртинчидан, «интеллектуал ҳукумат» тамойиллари асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилган[49]. Мазкур Концепцияни оддий тадбирлар ишлаб чиқариш билан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳолати, уларда мавжуд ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлар замонавий талабларга жавоб берадиган бўлиши керак. Булардан ташқари иқтисодий ва ижтимоий тармоқларда кадрлар салоҳияти ҳам замонавий талабларга мувофиқ шаклланган бўлишлигини тақозо қилади. Ушбу жараёнларни талаб даражасига келтирилгач рақақмли иқтисодиётни ва унинг таркибий қисми бўлган рақамли таълимни жорий қилиш масаласига ишончли ҳолда киришиш лозим бўлади.

Таълим тизими бу қадимдан мавжуд бўлиб, жамият ривожланиши билан бу тизим ҳам тараққий этиб бораверади. Жамият тараққиёти ва таълим тизими бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (5-расм).



5-расм. Жамият тараққиёти ва таълим тизимининг ўзаро боғлиқлиги

Жамият вақт ўтиши билан албатта тараққий этиши тайин, аммо ушбу тараққиётнинг сифати ва жадаллиги бевосита таълимнинг ри-

[49] https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/raqamli_iqtisodietni_rivojlantirish_jadallashtiriladi

вожланиш даражасига боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиши таълимни ривожлантириш заруратини туғдиради. Таълимнинг ривожланиши жамиятни тараққий эттириш учун асосий омил бўлиб ҳисобланади. Зеро таълим, бугунги авлодга **жамиятнинг кечаги аҳволини, бугунги даражасини ва клажакда қандай бўлишлигини** кўрсатиб беради. Шу жиҳатдан жамиятнинг тараққиётини таълимсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жамият тараққиётининг бугунги ҳолати анъаналардан иборат. Кечаги ҳолати унинг ўтмишини ташкил қилади. Таълим ушбу ҳолатларни келажак авлодга етказиб бериш билан бирга, уларнинг эртанги куни қандай бўлишлигига ҳам кафолат бера олиши лозим. Бунда муҳим жиҳатни инобатга олиб, таълим тизимининг ривожланиши бевосита мамлакат иқтисодий аҳволига боғлиқлигини қайд этиш даркор бўлади. Иқтисодиётнинг равнақ топишида эса таълим хизматлари сифати ва самарадорлиги асосий аҳамиятга эга эканлиги ҳам ушбу жараёнларнинг бир-бири билан диалектик боғлиқликда эканлигидан далолатдир.

Иқтисодиётнинг ривожланиши янгидан янги ғоялар, инновациялар ва уларни амалга ошириш учун инвестицияларга боғлиқ бўлганлиги каби таълим тизимининг ривожланиши ҳам шу омилларга бевосита боғлиқдир. Вақт ўтган сари жамиятнинг тараққиёти шу даражада ошиб бормоқдаки, буларни англаш, идрок қилиш ва самарали бошқариш учун ахборотлар тезлигини ҳам ошириб боришини талаб қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, жамият тараққиётини ва таълимнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда ҳам ахборотларнинг ролини оширишга олиб келмоқда. Шуни инобатга олиш жоизки, бундай шароитда ахборотлар таркибида таълимнинг ҳам жамият тараққиётининг ҳам элементлари ўз аксини топади. Шундай қилиб, юқоридаги 5-расмда келтирилган боғлиқликни жадаллаштириш учун унинг шакли бир мунча ўзгаради (6-расм).



6-расм. Жамият тараққиёти ва таълим тизимининг ўзаро боғлиқлигида ахборотларнинг ўрни

Ушбу боғлиқликда ахборотлардан фойдаланишнинг жуда катта ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. Биринчидан, ахборотларга жамият-

даги мавжуд жуда кўплаб ахборотларни жойлаштириш мумкин. Иккинчидан, ушбу ахборотлар энг сўнггилари бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки жуда яхши дарслик ҳам тайёрланиб нашрдан чиққунча бир мунча ват ўтади. Бунгача жамиятдаги ахборотларнинг анча қисми янгиланган бўлиши мумкин. Аммо уларни тезлик билан дарсликка киритиб бўлмайди. Аммо ахборотларга охирги маълумотларни ҳам жойлаштириш мумкин бўлади. Учинчидан, бундан бир вақтнинг ўзида жуда кўпчилик баҳраманд бўлади. Тўртинчидан, ўша тезлашган янги ахборотлар сафига таълим хизматларидаги янги ахборотлар ҳам киради.

Жамият рақамлашаётган шароитда таълим хизматларининг миллий платформаларини яратиш зарурлиги бугунги кунда барчамизга аён бўлиб бормоқда. Шу туфайли таълимга рақамларни ва рақамларга таълимни киритиш вақти келди. Мамлакатимизда таълим тизимини рақамлаштириш бўйича дастлабки жараён (moodle тизими) 2015 йилларда бошланиб, бу саноқли таълим муассасалари фаолиятида ўз аксини топган эди. Ҳозирги пандемия шароитида бу тизимни ҳамма олий ўқув юртларида жорий қилиш зарурати туғилди. Чунки тан олиб айтиш жоиз, бу борада биз анча орқада эдик. Ҳақиқатга ҳақиқий тафаккур билан қарайдиган бўлсак, ҳар бир жараённинг салбий ва ижобий томонлари бор. Буни таълимни ахборотлаштириш жараёнида ҳам яққол кўриш мумкин. Булар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Анаъанавий ва рақамли таълимнинг умумий жиҳатлари, ижобий ва салбий ҳолатлари

Таълим турлари	Умумий жиҳатлари	Фарқланувчи жиҳатлари	
		Ижобий	Салбий
Анъанавий таълим	Ёшларга таълим, тарбия бериш, кўникма ҳосил қилиш.	Ўқувчи билан бевосита ўқитиш жараёнда жонли мулоқот бўлади.	Машғулот давомида бутун аудиториядаги ўқувчилар билан улар сони кўп бўлса, шуғулланиш имконияти етарли бўлмайди.
Рақамли таълим		Машғулот онлайн тарзда бўлиб, ҳар бир ўқувчи билан уларнинг сонидан қатъий назар, индивидиал, масофавий мулоқотда бўлади	Ўқувчи, талаба, тингловчи компьютер технологиялари, алоқа воситалари билан таъминланмаган, интернет тезлиги яхши бўлмаган жойда ўқиш жараёнида узулиш бўлади

Жадвалдан кўриниб турибдики, рақамлм таълимнинг ҳам ижобий ва салбий тамонлари мавжуд экан. Ижобий жиҳатига талаба-ўқувчилар билан дарс-машғулотларни онлайн тарзда ўтказилиши бўлиб, бунда ҳар бир ўқувчи билан уларнинг сонидан қатъи назар, масофадан туриб мулоқотда бўлиши. Саволларга жавобларнинг ҳам ёзма тарзда амалга оширилиши, битта жавобнинг хоҳласа ҳамма ўқувчига бориб етиши, масофадан туриб оммавий мулоқотда бўлишга эришилиши буларнинг ижобий томонини белгилайди. Аммо рақамли таълимнинг салбий тамони ҳам борки, бунда ўқувчи-талабаларнинг бир қисми қишлоқларда яшашлиги, бу ерларда уларнинг компьютер технологиялари, алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланмаганлиги, булар билан таъминланган тақдирда интернет тезлиги яхши бўлмаган жойда яшаётганлиги ўқиш жараёнида узулишларни келтириб чиқаради. Яна бир муҳим жиҳат талаба-ўқувчиларга ўқишга нисбатан катта масъулият, интилиш бўлмаса, уларнинг назоратсиз қолилиги ҳам рўй беради. Бу ҳам ишнинг самарадорлигига салбий таъсир қилади.

Таълим тизимининг ривожланишига салбий таъсир қиладиган омиллардан бири таълимдаги коррупция элементларининг мавжудлиги. Бу борада бир қанча адабиётлар яратилиб, олимларимиздан Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев кабилар [50] самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда рақамли таълим тизимини ҳамма ҳудудда амалиётга жорий этиш учун бир қанча талабларга жавоб бериши лозим экан. Буларга ўша ҳудудда ахборот муҳити, электрон ресурс ва жараёнларни бошқариш тизимларига эгалик қиладиган кадрларнинг бўлиши ҳам лозим. Буларнинг изоҳи қуйидаги жадвалда кетирилган (2-жадвал).

[50] Исроилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Т.: “Тафаккур” нашриёти, 2019.. – 168 бет. Исроилов Б.И. Таълим тизимида коррупцияни олдини олиш масалалари. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 183-186-бетлар.

2-жадвал

Таълим тизимига рақамли таълимни жорий қилиш учун зарур талаблар

Т/р	Зарур талабларнинг номи	Зарур талабларнинг изоҳи
1.	**Ахборот муҳити**	Компьютер, ноутбук, плашет, мобил қурилмалар, тармоқлар, видео тизимлар электрон доскалар, интернет тўлқини ва бошқалар
2.	**Электрон ресурс**	Дастурий таъминот, таълим порталлари, масофавий ўқитиш тизимлари, электрон кутубхоналар, веб-сайтлар, булутли тизим ва бошқалар
3.	**Жараёнларни бошқариш ва унга мос қодир кадрлар**	Электрон почта, ижтимоий тармоқ, ўқув шакли ва уларни бошқаришга қодир бўлган мутахассислар

Таълимни рақамлаштириш фақат таълим ресурсларини электронлаштиришдангина иборат эмас. Энди бунда педагоглар ҳам ахборот технологияларни яхши ўзлаштирган бўлиши керак, яъни рақамли педагогика ҳам жараёнга кириб келади. Бу ўқувчи ва талабаларнинг яхши сифатли таълим олишлари, керакли маълумотларни тезда топишлари учун яхши имконият яратади. Ушбу ҳолатда талабалар баҳо олиш учун эмас, билим олиш учун ўқишлари лозим. Бунда албатта баҳолаш мезонлари ҳам шу талабга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Таълим платформаларини яратишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- таълим платформалари ихтисослаштирилишига қараб улардан фойдаланиш пуллик ва бепул бўлиши;

- ихтисосликларга қараб (ихтисосликка давлат ва дунё миқёсида бўлган талаб даражаси бўйича) халқаро таълим платформаларини яратиш зарурлиги.

Таълим соҳасини рикамлаштириш масаласига мамлакатимиз олимлари тамонидан ҳам тегишли эътибор қаратилмоқда. Хусусан, З.Адилова ва Б.Хонтўраевлар рақамли иқтисодиётни ривожлан-

тириш шароитида фан ва таълимнинг ўрнига бағишланган[51]. Ушбу олимларнинг таъкидлашларича, “дунё бўйлаб, 2019 йилда интернетга қилинган харажатлар 750 млрд. долларни ташкил қилган. Глобал интернет бозори 2019 йилда 212 миллиард АҚШ долларигача ўсган ва бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 1,6 трил. АҚШ долларига ўсиши таҳмин қилинмоқда”[52].

Иқтисодиётнинг ривожланишида таълимни рақамлаштиришда инвестициялар ўрни ҳақида юқорида тўхталган эдик. Ҳар бир инвестиция киритаётган инвестор ўз пулини бир неча баравар кўпайтиришни мақсад қилиб қўяди. Шундай экан, иқтисодиётнинг ҳам самарали фаолияти учун малакали мутахассисларга эҳтиёж ошиб бораверади. Бундай эҳтиёжни рақамли таълим тизими орқали ўқиган талабалар қондириши мумкин. Демак, саводхон талабаларга иқтисодиёт секторида ҳам талаб кундан-кунга тобора ортиб бораверади. Кадрлар малакасини оширишда ҳам рақамли таълимнинг самарадорлиги юқори. Чунки ўша мутахассис ортиқча маблағ сарф қилиб, марказга ёки бошқа давлатга бориб ўтирмасдан, ишдан ажралмаган ҳолда ахборот технологиялар имкониятларидан фойдаланиб малака ошираверади.

Яқиндагина одамлар бир шаҳарда ёки қўшни яшаб, бир-бирига ташриф буюриш орқали мулоқот қилар эди. Бугунги кунга келиб ер шарининг ҳар қандай нуқтасидан туриб истаган кишингиз билан истаган вақтингизда, истаган масофада туриб оғзаки ёки суръатли кўринишда мулоқот қилишингиз мумкин. Бунда қўл телефонингиз бўлиб, рақамлардан иборат манзиллар аниқ бўлса етарли. “Ҳозирги кунда дунёдаги 7,5 млрд. аҳоли бир-бири билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлди”[53]. Рақамли иқтисодиёт нафақат “узоқни яқин қилиш”, балки даромад манбаига ҳам айланганлиги ушбу иқтисодиётнинг жадал ривжланишини тақозо қилади.

Профессор М.Қ.Пардаев таъкидлашича, “Бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг асосий даромад оладиган йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлмоқда:

- турғун телефон хизматидан олинадиган даромадлар;

[51] Адилова З., Хонтўраев Б. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва таълимнинг ўрни. // Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. (21-22 февраль 2020 йил) Халқаро ИАК материаллари, Самарқанд-Тамбов, 2020. – 16-19-бетлар.

[52] Ўша жойда. 17 бет.

[53] Пардаев М.Қ. Рақамли иқтисодиёт – мамлакат тараққиётининг келажаги. // “Сервис” илмий-амалий журнал. 2019 йил. 3-сон. 7-бет

- мобил телефон хизматидан олинадиган даромадлар;
- СМСлардан олинадиган даромадлар;
- интернет хизматларидан фойдаланишдан олинадиган даромадлар;
- телеграм орқали ахборотларни узатишдан олинадиган даромадлар;
- электрон савдодан олинадиган даромадлар;
- автомат тарзда пул ўтказмаларидан олинадиган даромадлар;
- автоматик тарзда банк хизматларини кўрсатишдан олинадиган даромадлар;
- бошқа рақамли хизматлардан олинадиган даромадлар”[54].

Рақамли иқтисодиётдан оладиган даромадлар ушбу йўналишлар билан чекланмайди. Рақамли иқтисодиётнинг кўлами кенгайиб боравериши ва тутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни қамраб олиши ушбу масалнинг бардавомлигини таъминлайди. Мамлакатимизда ҳам йилдан йилга малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Буни биз ҳар йилги қабул квоталарининг оширилиб борилаётганлигидан ҳам билишимиз мумкин. Бу эса таълим соҳасида қўшимча моддий техника базасини киритишни талаб қилади. Таълим муассасаларида масофавий таълим шаклининг жорий қилишини ортиқча соҳага қўйилган инвестицияларнинг тезда самара беришига олиб келади. Рақамли таълим жараёнида меҳнат ресурсларининг, вақт ва маблағларнинг тежалиши эвазига соҳада самарадорлик муттасил ошиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ишда мамлакатимизда рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича бир қанча эътиборга молик твсиялар ишлаб чиқилганлиги бир қанча илмий-назарий ва амалий хулосаларга келинди.

1. Рақамли таълим деганда, билим олиш жараёнида талаба ва ўқувчилар ахборотни қабул қилишнинг барча усулларидан фойдаланган ҳолда мавжуд сезги органларини ҳаракатга келтириш орқали дарсларни эшитиш ва ҳис қилиш йўли билан енгил эсда қоладиган ҳолда ўзлаштириш имкониятларини ишга солиш учун бир вақтнинг ўзида ҳам матн, ҳам аудиотушунтириш, ҳам видеоролик, ҳам 3D-анимация усулларидан фойдаланган ҳолда, уларнинг

[54] Ўша жойда. – 7-бет

фаолиятини тўлиқ масофадан туриб назорат қилиш мажмуининг (ота-оналар, ўқитувчилар томонидан) мавжудлиги тушунилади.

2. Инсон капиталини шакллантиришда рақамли таълим хизматларини такомиллаштириш ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш учун олий таълимда қаттиқ интизомни жорий қилиш билан бирга таълим жараёнининг ҳам, барча назорат ва баҳолаш жараёнларининг ҳам шаффофлигини таъминлаш чораларини кўриш лозимдир.

3. Таълимнинг шаффофлигини таъминлаш нуқтаи назардан бир қанча илмий тавсиялар қаторида рақамли таълимни амалга оширувчи субъектларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳалқаси ишлаб чиқилди. Бунда рақамли таълимнинг асосий иштирокчилари таълим олувчи ва таълим берувчилар билан бирга ахборот технологиялари ва ички ҳамда ташқи назорат қилувчилардан иборатлиги асосланди. Шунингдек, рақамли таълимни амалга ошириш учун асосан тўртта йўналишдаги воситалар ва субъектлардан фойдаланиш лозимлиги, буларнинг ҳаммасини амалга оширишда рақамли таълимни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бажариш мумкинлиги кўрсатиб берилди. Шу туфайли рақамлаштириш бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни тақозо қилиши ҳам асосланди.

4. Яна бир муҳим хулоса, ҳар қандай таълим тарбия билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоғи лозим эканлиги асосланди. Тарбия етарли бўлмаган жойда таълимга иштиёқнинг, хоҳишнинг уйғониши ҳам мураккаб бўлади ва иккаласида ҳам камчилик содир бўлиши муқаррарлиги туфайли таълим билан тарбияни қиёслаб бирини биринчи ва қайсинидир иккинчи даражага тушуриб бўлмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Инсон камолоти, жамият тараққиёти учун таълим қанчалик зарур бўлса, тарбиянинг аҳамияти ҳам ундан кам бўлмаслиги ҳам асосланди.

5. Таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлашдаги муҳим жиҳат, рақамли таълимни амалга оширишда асосан ахборот технологияларидан фойдаланиш самара берадиган бўлса, аммо тарбия жараёнида ушбу асбоблар етарлича самара бермаслигидан келиб чиқиб, таълимда тарбияни амалга оширишда қатор муаммолар борлиги ҳам асосланди. Шу жиҳатдан тарбияни амалга оширишда инсоннинг иштироки ва тарбиячининг энг аввало, тарбияланган бўлишлиги асосланди. Шунингдек, бугунги кундаги таълим-тарбия тизимида мавжуд муаммолар тизимлаштирилиб, буларнинг тегиш-

ли йўналишлари еттита бандда санаб, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги қайд этилиб, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш йўллари ҳам кўрсатиб берилди.

6. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда рақамли таълимни жорий қилиш масаласи ва рақамли таълимдан фойдаланиш механизмлари ҳам ёритилган. Бунда асосий эътибор, иқтисодиётнинг ривожланиши янгидан янги ғоялар, инновациялар ва уларни амалга ошириш учун инвестицияларга боғлиқ бўлганлиги каби таълим тизимининг ривожланиши ҳам шу омилларга бевосита боғлиқ эканлиги асосланди. Вақт ўтган сари жамиятнинг тараққиёти шу даражада ошиб бормоқдаки, буларни англаш, идрок қилиш ва самарали бошқариш учун ахборотлар тезлигини ҳам ошириб боришини талаб қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, жамият тараққиётини ва таълимнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда албатта ахборотларнинг ҳам роли ошиб боришини инобатга олиб, жамият тараққиётини таъминлашда ахборотларнинг роли ва ахборотлар эса, таълим тизими билан боғлиқлигининг ўзаро алоқалари ёритиб берилди.

7. Жамият тараққиётини рақамлаштираётган шароитда таълим хизматларининг миллий платформаларини яратиш зарурлигидан келиб чиқиб, таълимга рақамларни ва рақамларга таълимни киритиш зарурати асосланди. Мамлакатимизда таълим тизимини рақамлаштириш бўйича дастлабки жараён 2015 йилларда бошланиб, бу саноқли таълим муассасалари фаолиятида ўз аксини топган эди, аммо ҳозирги пандемия шароитида бу тизимни ҳамма олий ўқув юртларида жорий қилиш зарурати туғилди. Бундай шароитда ҳақиқатга ҳақиқий тафаккур кўзи билан қараб ҳар бир жараённинг салбий ва ижобий томонлари борлигидан келиб чиқиб, рақамли таълимнинг ҳам ижобий ва салбий томонлари очиб берилди. Ушбу таълимни ахборотлаштириш жараёнида инобатга олиш лозимлиги ҳам асосланди.

8. Рақамли таълим тизимини ҳамма ҳудудда амалиётга жорий этиш учун бир қанча талабларга жавоб бериши лозим асосланди. Буларга ўша ҳудудда мавжуд бўлган ахборот муҳити, электрон ресурс ва жараёнларни бошқариш тизимларига эгалик қиладиган кадрларнинг бўлиши лозимлиги асосланди. Ишда ушбу механизмларнинг мазмуни тўлиқ очиб берилди. Бунда ахборот муҳитига компьютер, ноутбук, плашет, мобил қурилмалар, тармоқлар, видео

тизимлар электрон доскалар, интернет тўлқини ва бошқалар, электрон ресурсларга дастурий таъминот, таълим порталлари, масофавий ўқитиш тизимлари, электрон кутубхоналар, веб-сайтлар, булутли тизим ва бошқалар, жараёнларни бошқариш ва унга мос кадрларга электрон почта, ижтимоий тармоқ, ўқув шакли ва уларни бошқаришга қодир бўлган мутахассислар кириш кўрсатиб ўтилди.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, ўйлаймизки, мамлакатимизда таълим жараёнида туб ўзгаришлар содир бўлади. Унинг шаффофлиги таъминланиб, коррупцияга имконият қолдирмайди, талабанинг чинакамига ўқиб-изланиши учун кенг имкониятлар яратилиши билан бирга уларни ҳар томонлам (ота-оналар томонидан, ўқув муассасалари раҳбарияти томонидан, ўқитувчи ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан) назорат қилиш ҳам мумкин бўлади. Бундай ҳолат албатта, таълим тизимини такомиллаштиришга ва самарадорлигининг муттасил оширилишига олиб келади.

V боб. КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

5.1. Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида коммунал хизматларни ривожлантириш масалалари

Бугунги инновацион иқтисодиёт шароитида инсонларнинг яшаш сифати ва даражасини оширишда коммунал хизматларнинг аҳамияти янада ошди. Ўзлуксиз электр энергия, газ, сув каби неъматлар билан таъминланиш масаласи хизмат тизимида энг аҳамиятли соҳалардан бирига айланди. Шу боис маҳаллий ҳокимликларнинг асосий сиёсати ҳам коммунал сиёсат билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу туфайли пуллик хизматлар таркибида ҳам коммунал хизматларнинг улуши ошиб бормоқда.

Бундай хизматлар турлари асосан мамлакат ичкарисида амалга оширилади. Коммунал хизматлар аксарият ҳолда экспорт қилинмайди. Фақат туристларнинг мамлакатимизда яшаши пайтидагина кўрсатилган қисми хизматлар экспортига киради. Булар асосан мамлакат аҳолисига кўрсатиладиган хизматлар бўлиб ҳисобланади. Аммо бундай хизматларнинг сифат даражаси бугунги кунда паст бўлишга йўл қўймайдиган даврда яшамоқдамиз.

Мамлакат аҳолисининг фаровонлиги, яшаши даражаси ва сифат кўрсаткичлари, уларнинг фаровонлиги айнан шу хизмат турларига ҳам бевосита боғлиқдир. Аммо ушбу соҳа бугунги инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитига мос ҳолда шаклланган эмас. Ушбу соҳада бозор муносабатлари ҳам тўлиқ шаклланмаганлиги туфайли рақобат муҳити ҳам талаб даражасида эмас.

Амалдаги меъёрий ҳужжатлар бўйича мазкур хизматларга қуйидагилар киради:

“- аҳолининг электр қуввати, марказий иситиш, газ, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализациядан фойдаланганлик, шунингдек майдонларни тозалаш ва ахлатларни ташиб кетиш хизматлари (уй-жой қурилиш ва қурилиш ҳамда фуқаро-қурилиш ширкатлари, хусусий уй-жойлар, боғ-участка, боғдорчилик ширкатлари буюртмалари асосида) учун амалдаги ҳақиқий ҳақ миқдори (ёзилган ҳақ миқдори эмас).

Бинобарин, кўрсатилган маблағлар фуқароларга бевосита хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг кўрсатган пулли хизматлар ҳажмига киритилиши лозим;

- уй-жой қурилиш ва уй-жой қурилиш ширкатлари уйларида фойдаланиш харажатларини қоплаш пули (ширкат квартиралари қийматининг дастлабки бадал (тўлов)лари ва кейинги қоплаш пул миқдорларисиз);

- пулли хожатхона хизмати”[55].

Аммо айрим хизматлар борки, улар мазмунан шу хизматга яқин бўлсада, улар коммунал хизматлар таркибига кирмайди. Бундай хизматларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

“- уй-жой таъмирига йўналтириладиган ва бу таъмирлаш турларини амалга оширадиган корхоналар маиший хизматлар таркибида "уй-жой қурилиш ва уй-жой қуриш ширкатлари уйларида фойдаланиш харажатларини қоплаш пули" таркибидан тушган маблағлар;

- корхоналардан ишлаб чиқариш – технологик мақсадлар учун фойдаланилган электр, иссиқлик қувватлари, газ, сув, бу корхоналар майдон ва алоқа йўлларига канализация ҳамда тозалик (санитария) хизмати кўрсатиш учун тушган маблағлар”[56].

Ҳар бир иқтисодий категория ва тушунчаларнинг назарий жиҳатлари, уларнинг таърифида яққол намоён бўлади. Шу туфайли мазкур масалага илмий адабиётларда алоҳида аҳамият берилиб келинади. Натижада турли луғотларда, энциклопедия ва монографик асарларда келтирилади. Бу борада мазкур масалани тадқиқ қилишни бироз узоқроқдан бошладик. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларидаги фундаментал адабиётларга эътиборни қаратдик. Масалан, 1979 йилларда нашр қилинган “Советский энциклопедический словарь”да коммунал хизматларга таъриф берилмаган. Бунда “коммунал қурилиш” ва “коммунал хўжалик”гагина изоҳ берилган, халос. Чунки режали иқтисодиёт шароитида хизматлар иқтисодиётнинг қўшимча тармоғи сифатида деярли ўрганилмаган. Мазкур соҳа ноишлаб чиқариш соҳаси сифатида умумий тарзда қаралган. Мазкур луғотда коммунал қурилишга қуйидагича изоҳ берилган:

---

[55] “Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси”.// "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.-6- модда.

[56] “Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномаси”.// "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжат 1996 йил 7 октябрда "Ўзистиқболстат" Давлат Қўмитаси томонидан тасдиқланган.-6.2- модда.

“Коммунал қурилиш – коммунал хўжалиги объектларини қуришга ихтисослашган қурилиш тармоғи”. Бу ерда коммунал қурилиш қурилишнинг бир тармоғи сифатида қаралган. Коммунал хўжаликка эса қуйидагича изоҳ берилган: “Коммунал хўжалик – қишлоқ, қўрғон ва шаҳар аҳолисига хизмат қиладиган корхоналар, хўжаликлар мажмуидан иборат”. Буларнинг таркибига социал-гигеник корхоналар (сув таъминоти, канализация, ҳаммом, кир ювиш шахобчалари), уй-жой коммунал хўжалиги, шаҳар транспорти, қувват (энергия) берувчи корхоналар (иссиқлик электр станцияси, гидро электрстанциялари кабилар), ташқи ободонлаштириш иншоатлари (йўллар, кўприклар ва ҳ.к.), меҳмонхоналар ва бошқа маиший хизмат объектлари киради. Аммо бугунги кунда эркин иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос классификатори ишлаб чиқилиб, ушбу соҳанинг таркибий тузулишига тегишли тарзда изоҳ берилиб, аниқликлар киритилди.

Таъкидлаш жоизки, 2007 йилда нашр қилинган 7000 дан кўпиқтисодий терминлар ва тушунчаларни ўз ичига олган “Большая экономическая энциклопедия”да умуман коммунал сўзи ва ушбу тушунча билан боғлиқ атамаларга изоҳ берилмаган. Аҳолининг яшаши учун зарур бўлган бундай хизмат ва бу билан боғлиқ тушунчалар нимагадир эътибордан четда қоганлигини изоҳлаш қийин. Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий адабиётларда коммунал хизматларнинг таърифи ҳам етарли даражада ёритилмаган.

Мамлакатимиз олимларидан Х.М.Маматқуловнинг 2010 йилда хизмат кўрсатишга оид махсус изоҳли луғати нашр қилинди. Ушбу луғатда “Коммунал хўжалик” тушунчасига изоҳ берилган. Унда “Коммунал хўжалик – маҳаллий ҳокимликларнинг шаҳар ҳаёти билан боғлиқ хўжалик тармоқлари уй-жой, транспорт, электр, водопровод, ҳаммом ҳамда ободончилик ишлари билан шуғулланувчи бўлим”[57], деб қайд этилган. Аммо мазкур изоҳ ҳам коммунал хизмат тушунчасини тўлиқ ифода этмайди. Лекин ушбу тушунчада келтирилган изоҳ коммунал хизматларни ўзида тўлиқ ифода этмасада, коммунал хўжаликнинг борлиги эътироф этилган. Айнан ушбу ҳолат биз талқин қилаётган тушунчанинг таърифини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин унинг мазмунини тўлиқ хизматга киритиш ва унга таяниш бироз етарли бўлмайди.

[57] Маматкулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2010. – 126-127 бет.

Биринчидан, изоҳда “маҳаллий ҳокимликларнинг шаҳар ҳаёти билан боғлиқ хўжалик тармоқлари” дейилган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, коммунал хизматдан фақат шаҳар аҳолиси фойдаланади, бу бошқалар учун дахли йўқ соҳа деган хулосани беради. Иккинчидан, қишлоқ аҳолиси ушбу тушунчадан четда қолиб кетган. Аммо бугунги ҳаётимиз кўрсатиб турибдики, қишлоқ аҳолиси коммунал хизматлардан фойдаланмайди, дейишга ҳеч қандай асослар йўқ. Бундан кўриниб турибдики, мазкур тушунчанинг таърифини яратиш бугунги кунда муҳим илмий-назарий аҳамиятга молик масалалардан бирига айланган.

Коммунал хизматлар тушунчасига илк бор таърифни мамлакатимиз олимларидан М.Қ.Пардаев раҳбарлигида тайёрланган ва 2014 йилда “Наврўз” нашриётида нашр қилинган монографияда[58] учратдик. Шу йилда М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев ва О.М. Пардаевлар томонидан нашр қилинган ўқув қўлланмада[59] ҳам ушбу хизмат билан боғлиқ тушунчанинг таърифи келтирилган. Ушбу адабиётларда коммунал хизматга қуйидагича таъриф берилган: “**Коммунал хизматлар дейилганда, маҳаллий ҳудуд ҳаёти билан боғлиқ уй-жой, транспорт, электр таъминоти, газ, сув каби аҳолининг яшашини яхшилаш билан боғлиқ хизматлар билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар тамонидан кўрсатиладиган хизматлар мажмуи тушунилади”**[60]. Ушбу таъриф, биринчидан коммунал хизматларга берилган бўлса, иккинчидан, коммунал хизматларнинг барча йўналишларини ўзида қамраб олган. Шу жиҳати билан бошқа таъриф ва изоҳларга нисбатан маълум афзалликларга эга.

Аммо бугунги кунда иқтисодиёт бевосита инновацион иқтисодиётга ва унинг замирида рақамлаштириш масалаларига устуворлик берилаётган бир паллада, ушбу таърифни ҳам замон талабига мос ҳолда такомиллаштириш зарурати туғилади. Шу туфайли мазкур таърифни қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз. “**Коммунал хизматлар деганда, маҳаллий ҳудуд ҳаёти билан боғлиқ уй-жой, транспорт, электр таъминоти, газ, сув ва ободонлаш-**

[58] Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқларининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 264 бет.

[59] Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти, 2014. – 384 бет.

[60] Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқларининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 130 бет., Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти, 2014. – 186-187 бетлар.

тириш каби аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган хизматларни кўсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштириш орқали баҳолашга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади”[61]. Ушбу хизматлар таърифи олдинги берилган таърифларга нисбатан такмиллашганлиги қуйидагилар билан изоҳланади.

Биричидан, коммунал хизматлар ҳақиқатда маҳаллий, яъни шаҳар, қишлоқ ва бошқа одамлар яшайдиган барча ҳудудлар ҳаёти билан боғлиқ бўлишини инобатга олиш лозим бўлади. Акс ҳолда фақат айрим ҳудудни бўлиб кўрсатиш ушбу тушунчанинг мазмунини чеклаб қўйиши мумкин.

Иккинчидан, коммунал хизматлар кенг қамровли бўлиб, ўз ичига уй-жой, транспорт, электр таъминоти, газ, ичимлик ва иссиқ сув таъминоти ҳамда ободонлаштириш каби хизматларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг турмуш даражаси, инсонларнинг ҳаёти, яшаш сифатининг ҳолатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, ушбу таърифда ушбу хизматларнинг аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилганлиги алоҳида қайд этилган. Ушбу хизматларнинг характерли хусусияти шундаки, уларнинг бирортасида ҳам хизмат етарли даражада бўлмаса, аҳоли маълум маънода қийналиб қолиши мумкин. Масалан, биргина иссиқлик билан таъминлаш хизматини оладиган бўлсак, у қишда узилиб қолса, аҳолининг яшаш даражаси кескин пасайиб кетади. Табиийки, шамоллаш оқибатида турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб ҳам бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, ушбу хизматлар битта шахс ёки қандайдир алоҳида субъект тамонидан эмас, балки бир қанча айнан шу соҳа билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар тамонидан кўрсатиладиган хизматларни қамраб олади. Шу туфайли хўжалик юритувчи субъектлар, деб алоҳида қайд этилган.

Бешинчидан, ушбу кўрсатилган хизматлар ҳажми ва тўловлар бугунги кунда ҳар бир истеъмолчилар бўйича рақамлаштирилган бўлишлигини ҳам тақозо қилади. Чунки, ҳозирги пайтда мазкур соҳада турли нореал рақамлар, жуда кўплаб, ноаниқ қарздорликлар

[61] Замонавий ёндошувлар натижасида муаллиф тамонидан ишлаб чиқилган.

мавжуд. Буларнинг айримлари, кузатувларимиз кўрсатдики, сунъий равишда сахталаштирилган рақамлар бўлиб чиқмоқда.

Ниҳоят олтинчидан, барча кўрсатилган хизматлар, улар учун тўланган маблағларнинг ҳар бир истеъмолчилар бўйича рақамлаштирилиши ушбу хизматлар ҳажмини реал баҳолаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида рақамларни сахталаштириш, коррупция элементларига йўл қўйишни қаттиқ чеклайди.

Юқорида қайд қилинган жиҳатларнинг ҳаммаси биз тавсия қилган таърифнинг нафақат илмий-назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигидан ҳам далолат беради.

Ҳозирги пайтда бундай хизматларни кўрсатувчи субъектлар асосан маҳаллий ҳокимликлар томонидан бошқарилмоқда. Чунки уларнинг аксарият қисми давлат мулкига асосланган. Фикримизча, ушбу соҳада ҳам рақобат муҳитини яратиш, хусусий тадбиркорликка кенг йўл бериш ва уларни бошқариш масаласини нодавлат корхоналарига юклаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Агар бунга эришилса иқтисодиётимизга, шу жумладан хизматлар соҳасига ҳам юқори технологик хизматларни жорий қилиш имконияти пайдо бўлади.

Юқори технологик хизматлар ва инновацион жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳодисалардир. XXI асрда иқтисодий ўсишга эришиш учун юқори технологиялардан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Бу эса ўз навбатида инновациларни талаб қилади. Инновацияларсиз юқори технологияни ишлаб чиқиб бўлмайди. Юқори технологияларсиз юксак иқтисодий ўсишга эришиб ҳам бўлмайди.

Инновацион жараёнларнинг ривожланиши билан иқтисодиётда фан сиғими юқори бўлган маҳсулотларнинг улуши ортиб боради. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида фан сиғими юқори маҳсулотларнинг улуши 35 5ни, АҚШда – 25 %ни, Японияда – 11 %ни, Сингапурда - 7 %ни, Жанубий Кореяда – 4 %ни, Хитойда – 2 %ни, Россияда – 0,3-0,5 %ни ташкил қилади . Бизда яқингача хом ашёга асосланган тараққиёт модели мавжуд эди. Табиийки, бу билан узоққа бориб бўлмайди. Шу туфайли охирги пайтларда инновацияга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, 2008 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги қарорига имзо чекди. Мазкур қарор мамлакатимизда инновацион

тараққиётни таъминлашга қаратилган дастлабки қадамлардан бири десак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Тадқиқот жараёнида бир қанча илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Бу тавсиялар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мазкур соҳани тартибга солиш учун “Коммунал хизмат тўғрисида”ги Кодексни ишлаб чиқиш лозим. Чунки коммунал хизмат кўп тармоқли бўла туриб, улар бир-биридан ташкилий жиҳатдан фарқ қилади. Шу туфайли уларга бир хил тартиб ўрнатиш мураккаб. Бундай ҳолатда Кодекс қабул қилинса, унинг ҳар бир бўлимларида ўзига хос йўналишларни ифода этиш мумкин.

Иккинчидан, коммунал хизматни тўлиқ рақамлаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки жуда кўп коррупция элементлари, нохолис ёндошувлар, турли қонунбузарликлар ушбу соҳа билан боғлиқ. Боз устига жуда катта нореал қарздорлик ҳам айнан шу соҳада. Буларни рақамлаштирилса, реал воқеъликни ифода этадиган ахборотни қўлга киритиш мумкин ва мос равишда жуда кўп нохолис ёндашувларнинг олди олинади.

Учинчидан, аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, бундай хизмат турларини муттасил ривожлантириб бориш лозим. Чунки аҳолининг сони, уларни уй-жой билан таъминланиш даражаси йилдан-йилга кескин кўтарилиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур хизматларнинг ҳажмини ўстириш билан бирга, унинг сифатига ҳам катта аҳамият берилиши талаб қилинади. Чунки замон миқдор билан бирга асосий эътиборни сифатга қаратмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича вазирлик ташкил қилинди ва улар махсус дастур асосида фаолият кўрсатмоқда.

Тўртинчидан, ҳозирги пайтда коммунал хизматларда бир қанча камчиликлар учрамоқда. Жумладан, айрим ҳолларда аҳолини огоҳлантирмасдан чироқларни ўчириб қўйиш ҳоллари, табиий газ босимининг камайиб кетиши кабилар одамлар таъбини хира қилиб, кайфиятларини тушуради. Шу туфайли бу хизматлардан фойдаланишда ҳам бозор принципларидан оқилона фойдаланиш, шартнома тизимини такомиллаштириш, икки томонлама масъулиятни ошириш, иқтисодий механизмлардан икки томонлама жаримани йўлга қўйиш тизимини ишга солиш каби норматив хужжатлар билан

белгилаб берилган дастаклардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш, яшаш даражаси ва сифатини таъминлаш учун жуда кўп омиллар орасида коммунал хизматларнинг ўрни ва роли катта эканлигини кўриш мумкин.

5.2. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида юқори технологик хизматларни кўрсатишда иштирок этадиган меҳнатнинг характери

Жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида меҳнатнинг роли беқиёс. Шу туфайли унинг характерини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатнинг характерини таҳлил қилиш унинг унумли ёки унумсиз меҳнатга бўлинишини аниқлаш билан боғликдир. Мазкур иш бевосита хизмат кўрсатишга бағишланганлиги туфайли, шу соҳада банд бўлган меҳнатни унумли ва унумсиз меҳнатга ажратиш лозимлиги, уларнинг юқори технологияларни қўллагандаги ўзгариш тенденциялари қараб чиқилади. Бунинг асл моҳиятини очиб бериш учун шу соҳада сарфланадиган меҳнатнинг характеридан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, унумли ва унумсиз меҳнат ўртасига аниқ чегарани қўйиш қийин. Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, ҳозирги иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг тез ўзгарувчанлик шароитида, меҳнатнинг характери ҳам уларга мос равишда, тезлик билан ўзгариб боради. Бугунги битта бажарилган унумсиз меҳнат эртага унумлига ва аксинча, бугунги унумли меҳнат эртага унумсиз меҳнатга айланиб бориши мумкин. Бундай ўзгаришларга сабаблардан бири сифатида юқори технологик хизматларнинг ҳаётимизга жадаллик билан кириб келаётганлигида кўришимиз мумкин. Масалан, компьютер операторининг меҳнати, бугун корхона аппаратида, бевосита бошқарув билан боғлиқ ишларни бажараётган бўлса, ушбу меҳнат характери жиҳатидан унумсиз меҳнатга мансубдир. Аммо ушбу оператор эртага цехдаги жараённи дастурлаб шу ердан туриб ишлаб чиқариш жараёнини бошқариб турадиган бўлса, мазкур операторнинг меҳнати унумли меҳнат характерига эга бўлади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, транспорт

хизматини олайлик. Агар у бугун йўловчи ташиш билан шуғулланса, унумсиз меҳнат вазифасини бажаради, агар у билан юк ташилса, унинг меҳнати унумли меҳнатга айланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳаммаси, шу жумладан юқори технологик хизматлар ҳам жамият тараққиёти учун ўта зарур соҳа ҳисобланади. Аммо уларнинг унумли ва унумсиз хизматларга бўлиниши хизмат кўрсатувчилар томонидан аҳамиятлидир. Чунки, унумли меҳнатнинг натижасини бирорта ўлчов билан аниқлаш, унинг сифатини хизмат кўрсатилгандан кейин ҳам назорат қилиш мумкин бўлади. Аммо бундай ҳолатни унумсиз меҳнат сарфланган хизматда амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан хизмат кўрсатувчи корхоналар учун унумли хизматларни кўрсатишга нисбатан унумсиз хизматларни кўрсатиш, кейин текширилиши мумкин бўлмаганлиги туфайли бир мунча қулайдир.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиз статистикаси учун унумли ёки унумсиз меҳнат, шунга мос равишда, ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчи соҳага бўлинишининг аҳамияти йўқ. Чунки, мамлакат ЯИМ у соҳада ҳам, бу соҳада ҳам яратилади. Шу туфайли уларни умумий тарзда ҳисоблашиб, сўнгра таркибий йўналишларини аниқлайди. Масаланинг бу жиҳати, назарий ва амалий жиҳатда ижобий баҳоланишга арзигулик. Аммо, жамиятнинг моддий бойликка бўлган эҳтиёжини қондириш учун, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг аниқ статистикаси муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, моддий неъмат ишлаб чиқариш етарли бўлган тақдирдагина, бошқа соҳаларга эҳтиёж ўсиб, уларнинг сифатига талаб ошиб бораверади.

Жамиятнинг тараққиётида юқори технологик хизматларнинг аҳамияти, унинг сифатининг кафолатланганлигидадир. Чунки юқори технологияга асосланган хизматларнинг кўп қисмини техника ва ускуналар ёрдамида бажарилади. Булар қўл меҳнати билан бажариладиган хизматларга нисбатан албатта афзалликларга эга. Юқори технологик хизматларнинг яна бир муҳим аҳамияти, асосан қўл меҳнатига асосланган хизмат соҳасини аста-секинлик билан техникага алмаштиради ва бу эса, ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳасида қўл меҳнатини қисқаришига сабаб бўлади.

Шу нуқтаи назардан тадқиқотни давом эттирадиган бўлсак, шунга амин бўламизки, хизмат кўрсатиш соҳасига турли томондан

қараш ва унинг барча қирраларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш лозим бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасига, унинг истеъмолчиси бўлган мамлакат аҳолиси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, хизматларнинг унумли ёки унумсиз бўлиши унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Чунки, аҳоли қайси хизматга эҳтиёжи бўлса, шу хизматни сотиб олади. Унинг учун шу хизматнинг унумли ёки унумсизлиги унчалик аҳамиятга эга эмас.

Шуни эътироф этиш керакки, хизматга бўлган эҳтиёж аҳолининг ўз маблағи эвазига, бозор принциплари асосида қондирилади. Бундай ҳолда аҳоли учун хизматларнинг талаб қилинган турининг бўлиши, уларнинг сифати ва нархи аҳамиятлидир. Аммо, хизмат соҳасига жамият нуқтаи назаридан, макро даражада қарайдиган бўлсак, унинг ривожланиши жамиятнинг эҳтиёжига мос бўлиши керак. Жамиятнинг энг аввало, моддий неъматларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилган бўлиши лозим. Жуда кўп хизматларга эҳтиёш айнан шундан кейин пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан химзмат кўрсатиш соҳасининг унумли ва унумсиз меҳнатга бўлиниши аҳамиятлидир.

Ҳозирги шароитда ЯИМда тармоқлар ва соҳаларнинг улуши билан иқтисодий ўсиш ва унинг таркибий тузилишини ҳисоблаб, шу орқали жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи ҳақида хулоса қилинади. Ушбу усул макро даражада умумий тарзда баҳолаш учун тўғри ёндошув. Аммо ушбу кўрсаткич билан ҳамиша мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисида қатъий хулосага келиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, яратилган ЯИМ ҳажмини аҳоли жон бошига ҳисобаб, унинг қанча қисми моддий неъматлардан ва қанча қисми номоддий неъматлардан иборатлигини аниқлаш, аҳволимиз ҳақида реал, энг муҳими, тўғрироқ хулоса беради, деб ўйлаймиз.

Булардан ташқари аҳолига кўрсатиладиган хизматлар таркибида юқори технологияга асосланган хизматларни кўрсатиш даражаси ҳам ўз ўрнига эга бўлишлиги лозим. Агар хизматлар таркибида юқори технологик хизматларнинг улуши кўпайиб бораётган бўлса, ушбу жамиятда такомиллашиш рўй бераётганлигидан далолат беради. Бундай ҳолларда хизматларни кўрсатиш учун ҳам алоҳида малака ва тажриба талаб қилинадиган бўлади. Бу эса меҳнатга

лаёқатли аҳолининг профессионаллашиб бориш тенденциясини вужудга келтиради.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига баҳо беришдаги яна бир йўналиш, ЯИМнинг яратилишини ривожланган мамлакатлар билан қиёслаган ҳолда ўрганишдан иборатдир. Моддий ишлаб чиқаришнинг улуши ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига қанча ва бизда унинг миқдори қай даражада эканлиги қиёсланиши керак. Уларни бир-бирига яқинлаштиргандан кейингина хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнатнинг характерига ҳам аниқ баҳо бериш мумкин бўлади. Чунки, фақат хизмат кўрсатиш соҳаси эвазига аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмининг ўсиши, ҳамиша ҳам тўғри хулоса қилиш учун етарли даражада асос бўлмаслиги мумкин. Зеро, жамиятнинг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжи қондирилмасдан бошқа соҳани ривожлантириш билан катта муваффақиятга эришиб бўлмайди. Агар шу жиҳатдан қараладиган бўлса, мамлакатимизда юритилаётган статистиканинг ҳам таркибий тузилишини ва услубиётини такомиллаштиришга тўғри келади. Биз жуда қисқа вақтда жуда катта муваффақиятларга эришдик. Энг муҳими барқарор иқтисодий ўсиш таъминланиб турибди. Агар шу суръатда давом этадиган бўлсак, тез орада ривожланган мамлакатлар даражасига етишимиз муқаррар.

Шуни инобатга олиш лозимки, ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасини бутунлай ноишлаб чиқариш, яъни унумсиз соҳага ҳам киритиб бўлмайди. Бу соҳада банд аҳолининг жуда кўп қисми унумли меҳнат билан ҳам банддир. Келажакда юқори технологик хизматларнинг кўпайиши хизматларга сарфланадиган меҳнат таркибида ақлий меҳнатнинг улушини ошириш билан бирга, унумли меҳнатнинг ҳам ҳиссасини ошириб боради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқарилган неъматларни икки гуруҳга, яъни истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ қисми ва бевосита хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқариб истеъмол қилинадиган хизматларга бўлиш мумкин. Табиатан олганда иккаласи ҳам хизмат. Аммо биринчи қисми, бевосита ишлаб чиқаришнинг охирги босқичга, яъни истеъмолга етганича бўлган жараёнга хизмат қилади. Агар ушбу хизматлар бўлмаса, ишлаб чиқарилган неъматлар истеъмолчигача етиб бормайди. Бу эса, жамиятда номутаносибликни келтириб чиқаради. Шу туфайли бу хизматлар ҳам объектив зарурий ва унумли хизматлар сирасига киради. Бунга мисол қилиб

савдо, транспорт, умумий овқатланиш каби тармоқларни киритиш мумкин.

Аммо шундай хизматлар ҳам борки, у бевосита истеъмолчининг талаби асосида хизмат кўрсатувчи билан хизмат истеъмолчисининг муносабати жараёнида содир бўлади. Бундай хизматлар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилади ва шу пайтда истеъмол қилинади. Бундай меҳнатга тиббий хизматларни, уқалаш, мусиқа ва қўшиқ айтиш, сартарошлик кабиларни киритиш мумкин. Бундай хизматларнинг сифатини баҳолаш ва назорат қилиш асосан истеъмолчи томонидан унинг содир бўлаётган палласида амалга оширилади. Бундай хизматларнинг сифатини баҳолаш учун эса, хизмат кўрсатилган кишилардан сўровномалар орқали ахборотларни олишни ташкил қилиш лозим бўлади. Бироқ, ҳар бир киши истеъмол қилган хизматини баҳолашга субъектив ёндошади. Бир тур хизмат бир кишига жуда маъқул бўлиб, унинг даражасини юқори баҳоласа, айнан шу хизматни бошқа бир киши юқори баҳоламаслиги ҳам мумкин.

Бироқ ҳозирги ҳолат, одамларнинг эҳтиёжини моддий ва номоддий неъматлар билан ҳам бир хил маъромда қондириб бориш лозимлигини талаб қилади. Бу талаб қондирилсагина, жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжи мутаносиб равишда қондирилади ва иқтисодий ўсишнинг ҳам мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан хизматларнинг ривожланиши мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрамиз.

5.3. Коммунал соҳани рақамлаштириш юқори технологик хизматларни ташкил этишдан бошланади

XXI аср барча соҳалар сингари иқтисодиётда ҳам глобаллашув, рақобатнинг субъектлараро даражасидан халқаро даражага кўтарилганлиги, ҳисоб-китоб тизимининг жаҳон миқёсида бир хил андозага келтирилаётганлиги, мамлакатларнинг интеграциялашувининг тезлашиши, замонавий бизнес қоидаларининг тез ўзгариши каби кескин жараёнларнинг содир бўлиши билан бошланди. Бундай тез ва кескин содир бўлаётган ўзгаришлар ва жараёнлар ахборот тизимини такомиллаштиришга, дунё миқёсида иқтисодиётни

бошқаришнинг бир-бирига ўхшаш ва мувофиқ келадиган тизимнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда дунё аҳли интернет орқали бир-бири билан чекланмаган ахборотлар оқими орқали мулоқат қилмоқдалар. Бу эса ўз навбатида одамлардан ҳам тезкорликни, ахборотлардан тез хулоса чиқариб, зудлик билан бошқарув қарорларини қабул қилишни талаб қилмоқда. Айни пайтда худди шундай талаблар хизмат кўрсатиш корхоналарига, шу жумладан коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятига ҳам даҳлдор бўлиб бормоқда. Натижада юқори технологик хизматларга барча соҳалар каби коммунал хизматлар соҳасида ҳам эҳтиёж пайдо бўлди ва у аста секинлик билан шаклланиб ривожланиб бормоқда.

Рақамли иқтисодиёт шароитида коммунал соҳани рақамлаштириш ҳам юқори технологик хизматларни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида, мазкур соҳада хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қанча жараёнларни такомиллаштиришни, унинг тезкорлигини таъминлашни ҳам талаб қилмоқда. Зеро, бугунги рақамли иқтисодиёт хоҳ у макро, хоҳ у микро даражада бўлмасин, хоҳ у илаб чиқаришда, хоҳ у хизмат кўрсатишда бўлмасин товарларнинг омборларда сақланиб қолишини, хом ашё ва материалларни ёки маҳсулотни қиммат нархда харид қилишни, бировларда қарзларнинг ойлаб ҳатто йиллаб ётишини, бойликни талон-тарож қилишни, бизнесга ва корхона фаолиятига бефарқ бўлишни, талаб бўлиб турган пайтда хизмат қила олмасликни кўтара олмайдиган, унга тоқат қилиб бўлмайдиган иқтисодиётдир. Демак, жамиятда юқори технологик хизматларга эҳтиёж борми, у қондирилиши керак. Чунки ушбу технологиядан фойдаланиш бир вақтнинг ўзида бир қанча юқорида таъкидланган муаммоларнинг ҳал қилинишига асос бўлади.

Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатишнинг янги-янги турлари, шу жумладан, юқори технологик хизматлар ҳам пайдо бўлмоқда. Улар ўртасида рақобат муҳити шаклланди. Худди шундай ҳолат Самарқанд вилоятида кўрсатиладиган хизматлар тизимида ҳам мавжуддир. Зеро, бу тизимда ҳам турли мулк шаклига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатмоқда. Бундай вазият барча соҳаларда, шу жумладан, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, айниқса, юқори технологик хизматларни замонага мос тарзда ривожланишини тақозо қилмоқда.

Аммо хизматлар тизимида, шу жумладан, коммунал хизматлар тизимида ҳам юқори технологик хизматлар етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Бундай зарурият дунё олимлари қаторида мамлакатимиз олимларини ҳам шу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини туғдирмоқда. Чунки, ҳар қандай тармоқнинг ривожланишига ёки бирорта жараённинг такомиллашувига кўр-кўрона эришиб бўлмайди. Уларни ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари чуқур тадқиқ қилиниши лозим. Бундай муаммолардан бири коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳам юқори технологик хизматларни амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Энди юқори технологик хизматларнинг назарий талқинга диққатни қаратамиз. Умуман олганда хизмат тушунчасига етарли даражада таъриф берилган. Жумладан, М.Қ.Пардаев, И.С.Очилов кабилар томонидан берилган таърифга қўшиламиз. Унда айтилишича: “Хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эхтиёжини кондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”[62]. Аммо юқори технологик хизматларнинг таърифи иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган. Шу туфайли ушбу масалага асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Юқори технологик хизматларнинг таърифини ишлаб чиқиш учун ушбу учта сўздан иборат сўз бирикмаларини талқин қилиш лозим, деб топдик. Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида “Юқори” сўзининг маъноси 10 та йўналишда изоҳланади. Унинг олтинчисида “Миқдор, сифат ва ш.к. жиҳатдан, меъёрдан, мавжуд ҳолатдан ортиқ, ортиқ даражали”[63], дейилган. Бу бевосита бизнинг назарий масаламизга тўғри келади. Юқори технология сўзига рус тилида 1999 йилда нашр қилинган “Большой экономический словарь”да ҳам берилмаган[64]. “Технология” сўзига “Большой экономический словарь”да ҳам, Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида ҳам изоҳ берилган.

---

[62] Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.- 37 б., Пардаев М.Қ., Очилов И.С.

[63] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.У. Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзанв (раҳбар) вабошқалар; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 97 б.

[64] Большой экономический славрь / Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-е изд. доп. и перераб.- М.: Институт мировой экономики, 1999. – 1248 бет.

Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида “Технология” сўзига иккита изоҳ берилган. “1. Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хом ашё, материал, яримфабрикат ва ш. к. ларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар (методлар) мажмуи. 2. Хом ашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида ишлов бериш усули ва йўллари ҳақидаги фан”[65]. Унинг луғовий маъноси юнончадан олинган бўлиб, “techne – маҳорат, санъат + logos – таълимот” сўзларини англатади. Худди шунга ўхшаш изоҳ “Большой экономический славарь”да ҳам келтирилган. Унда айтилишича, “Технология – ишлаб чиқаришга киритилган элементларнинг ундан чиққунча бўлган жараёнларида қўлланиладиган воситалар, операциялар, усуллар мажмуаси; бу машиналарни, механизм ва жиҳозларни ҳамда тажриба ва билимни ўз ичига олади”[66], деб кўрсатилган.

“Хизмат” сўзининг луғовий маъноси ҳам Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида берилган. Ушбу сўз араб тилидан олинган бўлиб “хизмат, иш, лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам” сўзларини англатиши кўрсатилган ва унга 8 та изоҳ берилган. “1. Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат”, деб кўрсатилган. Саккизинчи изоҳнинг таркибида “Хизмат кўрсатмоқ” сўзи иқтисодиётга яқин ва мос келади. Унда айтилишича, “Хизмат кўрсатмоқ” сўзиининг маъноси “Кишилар эҳтиёжини, талабини қондириш билан боғлиқ бирор иш қилмоқ”[67] тушунилади.

Энди учта сўз бирикмасидан ташкил топган “Юқори технологик хизмат”га изоҳ бериш ва унинг таърифини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Ушбу тушунчалардан келиб чиқадиган бўлсак, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **“Юқори технологик хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва жамиятнинг маълум бир эхтиёжларини кондиришга йўналтирилган кишиларнинг анъанавий хизматлардан ортиқ даражали усуллар, воситалар, операциялар мажмуини ўз ичига олган ишлар билан боғлиқ наф келтирадиган онгли фаолияти тушунилади”.**

---

[65] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1У. Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) вабошқалар; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 81 б.

[66] Большой экономический славрь / Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-е изд. доп. и перераб.- М.: Институт мировой экономики, 1999. – 1060 бет.

[67] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1У. Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзанв (раҳбар) вабошқалар; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 395-396 бетлар.

Ушбу таърифнинг афзаллиги шундаки, унда келтирилган учта сўз бирикмасидан иборат бўлган гапнинг мазмуни тўлиқ қамраб олинган. Бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, изоҳли луғатда қайд қилинганидек, хизмат фақат инсонларгагина кўрсатилмайди. У бевосита инсонлар билан бирга барча хўжалик юритувчи субъектларга (шу жумладан, оилаларга), давлатга ва жамиятга ҳам кўрсатилади. Шу туфайли таърифга фақат инсонлар эмас, балки бошқа бевосита жараёнга иштирок этадиган субъектлар ҳам киритилди.

Иккинчидан, хизмат шунчаки амалга оширилмаслиги лозим. У "маълум бир эхтиёжини кондиришга йўналтирилган" бўлиши керак. Эҳтиёж ҳам кенг маънода олинган. Бунда нафақат кишиларнинг, балки, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ва жамиятнинг эҳтиёжи қондирилиши лозим. Шу туфайли бу масала ҳам таърифда ўз аксини топган.

Учинчидан, оддий хизматларда кишиларнинг наф келтирадиган анъанавий фаолияти тушунилса, юқори технологик хизматларда эса, "анъанавий хизматлардан ортиқ даражали усуллар, воситалар, операциялар мажмуини ўз ичига олган ишлар" ўз ифодасини топган.

Тўртинчидан, барча ишларни амалга оширишда кишиларнинг бирор мақсадга (бу мақсадлар юқорида келтирилди) йўналтирилган "онгли фаолияти тушунилади", деб кўрсатилиши ҳам хизматнинг моҳиятини назарий жиҳатдан очишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, юқори технологик хизматларнинг такомиллашган янги таърифи вужудга келди. Ушбу таъриф иадқиқ қилинаётган хизматларнинг таркибини, асосий йўналишларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

5.4. Сув таъминоти тизимида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш орқали рақамли иқтисодиётни жорий қилиш йўналилари

Ҳозирги пайтда рақамли технологиялар кириб келмаган соҳа қолмади, десак, айни ҳақиқат. Чунки ушбу технология аҳоли, корхонала ва ташкилотларни сув билан таъминлаш тизимига ҳам кириб келди. Бу соҳада Жаҳон банки ва Швейцария Конфедерацияси билан ҳамкорликда бир қанча йўналишларда ишлар олиб борил-

мокда. Улардан бири **“Water control” автоматлаштирилган биллинг тизими** бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги кунда “Интеллект Сервис” МЧЖ томонидан “Коммунхизмат” агентлиги ОТБ ЛМГ билан тузилган 2017 йил 09 мартдаги № MFF-WSSSIP/ISCD/001 шартнома асосида автоматлаштирилган биллинг тизимини жорий этиш масаласи лойиҳага киритилган эди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа Республика бўйича, “Сувоқава” ДУКларга тадбиқ қилиш ишлари олиб борилмокда.

Сув таъминоти корхоналарида “Биллинг” тизимини жорий қилиш мақсадида “Интеллект Сервис” МЧЖ билан аутсорсинг сифатида хизмат кўрсатиш юзасидан шартномалар тузилди. Натижада тизимдан унимли фойдаланиш имкони яратилди. Бунда қуйидаги ташкилий тузилма шакллантирилди (1-расм).



1-расм. Watercontrol автоматлаштирилган биллинг тизимининг умумий кўриниши

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, Watercontrol автоматлаштирилган биллинг тизимига республакамиз бўйича барча истеъмолчиларни қамраб олишга мўлжалланган. Ҳозирги пайтда ушбу тизимга жами 3 856 311 та абонент қамраб олинган, булардан аҳоли истеъмолчилари 3 759 617 тани (97,5 %), юридик истеъмолчилари 96 694 тани (2,5 %)ни ташкил қилади.

Биллинг тизимида қамраб олинган истеъмолчиларни ҳисоб китобларини автоматлаштирилган онлайн тарзда юритиш билан бирга, уларнинг маълумотларини реал вақтларда кўра олиш имкониятлари ҳам яратилган. Сув таъминоти корхоналарига тадбиқ этилаётган автоматлаштирилган биллинг тизимини Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг маълумотлар базасига интеграция қилинди. Ушбу йўналиш орқали сув ресурслари билан боғлиқ барча жараёнлар ҳаракати устидан тегишли назорат олиб борилади.

Тўлов масалалари бўйича ҳам келишувлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон почтаси билан ҳам тўловларни электрон қабул қилиш бўйича бош келишув имзоланди. Булардан ташқари аҳоли истеъмолчилари ичимлик сув ва оқава сув хизматларидан бўлган тўловларни онлайн тарзда CLICK, UPAY, PAYME, PAYNET ва Марказий Банкнинг МУНИС электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш имкониятлари яратилган.

Юқоридаги ҳолатлар устидан ҳам назорат қилиш масаласи ўрнатилган. Хусусан, Мажбурий Ижро Буюроси (МИБ)нинг ахборот порталига ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича маълумотларни олиш юзасидан МИБ мобил иловасига уланган ва биллинг тизимига ҳисоблагич кўрсаткичлари ва хатлов маълумотларини онлайн тарзда жўнатиш йўлга қўйилган.

Ушбу тизим Адлия вазирлигининг НОТАРИУС тизимига уланган бўлиб, истеъмолчилар хонадонларни олди сотди қилиш жараёнида истеъмолчиларни қарздорликларини автомат тарзда кўриш имконияилари яратилган. Республика бўйича барча сув таъминоти корхоналарининг истеъмолчиларга қанча ҳисобланди ва улардан қанча тўловлар келиб тушганлигини йиғма ҳисоботларини кўриш имкониятлари ҳам яққол шу ҳолатда яратилганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда **“Water control”** автоматлаштирилган биллинг тизимида республиканинг сув таъминоти корхоналари 901 нафар ҳодимлари томонидан **“Water control”** автоматлаштирилган биллинг тизимига абонентлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва абонентларга тўлов ҳолати бўйича маълумот бериш, 17 турдаги ҳисоботларни чиқаришда (кунлик тушган тушумлар, ҳисоблагичлар, юридик ва жисмоний шахс абонентлар тўғрисидаги маълумот-

лар, ойлик ҳисоботлар, қарздорлар рўйхатини чиқариш, ва ҳ.к) фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирда фойдаланувчилар сони 1028 нафарни ташкил этади. **Watercontrol** автоматлаштирилган биллинг тизимида истеъмолчиларга ҳозирги вақтда СМС хабар, информацион ҳабарларни электрон почта орқали (тарифни алмаштириш, режали ўчиришлар, қарздорлик тўғрисида ахборот, тўловни тасдиқлаш, кўрсаткичлар, буюртмалар ва ҳоказоларни қабул қилишни тасдиқлаш) тарқатиш хизматлари жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Молия вазирлигининг 2001 йил 4 майдаги "Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 189-V-сон қарорига (Адлия вазирлигидан 2001 йил 5 майда 1031-сон билан рўйхатдан ўтган) асосан Ташкилотлар ва муассасалар учун шахсий кабинетлар яратилган. Ташкилотлар ва муассасалар ходимлари томонидан тўланган тўловлар ҳам автоматик тарзда тушиш имконияти яратилган.

2019 йил сув таъминоти корхоналари учун **"Water control"** автоматлаштирилган биллинг тизимида ичимлик сув тўловлари, канализация тўловлари алоҳида ҳисоблаш ва уларга қўлланиладиган устама ҳақларни кўриш имкониятлари ҳам яратилди. "Itron" компанияси томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида ўрнатилган 30 та электрон сув ўлчагичлар томонидан онлайн тарзда жўнатилаётган маълумотларини "Water control" биллинг тизимига яъни, истеъмолчилар шахсий варақаларига олиш йўлга қўйилди.

Мазкур соҳа бўйича иккинчи йўналиш **Cabinet.mjko.uz** сув таъминоти корхоналари аҳоли истеъмолчилари учун шахсий кабинетлар ва **MJKOCabinet** истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида шахсий кабинетнинг махсус мобил иловалари ҳам яратилган. Ҳозирги кунда шахсий кабинетдан фойдаланиладиган абонентлар сони 2071 нафарни ташкил қилмоқда. Шахсий кабинетларда аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни онлайн (реал вақт) режимида қабул қилиш интерактив хизматлари йўлга қўйилган.

Шунингдек, шахсий кабинетларда коммунал тўловларни учун электрон тўлов тизимлари (Munis, U-Pay, Click, Payme, Paymo, Paynet) орқали тўловларни амалга ошириш, ҳисоблагич кўрсаткич-

лари тўғрисидаги маълумотларни узатиш имконияти мавжуд. Ушбу шахсий кабинет аҳоли яъни, (1 гуруҳ - аҳоли) истеъмолчиларига:

- қарздорликларини кўришлари
- ҳисобланган сувоқава хизматлари миқдори;
- тўланган тўловлар тўғрисида маълумотлар олиш имкониятлари;
- сув ўлчагичларини синовдан ўтказилгани тўғрисида маълумотлар (сертификат)ни жўнатиш;
- сув ўлчагич оҳирги кўрсаткичларини жўнатиш
- сув таъминоти корхонасига мурожаатларини жўнатиш имкониятлари яратилди. Ушбу рақамли технология ҳам тўлов тизимда инсон омилини максимал даражада чеклаган ва ушбу ишларнинг шаффофлиги билан бирга назорат қилиш тизимини ҳам қулай ҳолатга келтирилган. Назорат тизими ҳам масофадан, инсонлар иштирокисиз амлга оширилиши ҳам кўп салбий (негатив) ҳолатларнинг олдини олиш имкониятини яратади.

Афтаматлаштирилган рақамли тизимни яратиш бўйича учунчи йўналиш, бу **Orgcabinet.mjko.uz** сув таъминоти корхоналари бўлиб, бунда улгуржи истеъмолчилар учун шахсий кабинетлар яратилди. Ушбу шахсий кабинет орқали 2 ва 3 гуруҳ (юридик абонентлар) истеъмолчиларига:

- қарздорликларини кўриш имкониятлари – сув ўлчагич кўрсаткичларини жўнатиш имкониятлари;
- ишчи ходимлари рўйхатини шакллантириш;
- ушбу рўйхатни чоп қилиш имкониятлари мавжудлиги ;
- ҳисобварақ фактураларини чоп қилиб олиш имкониятлари яратилди;
- ишчи хизматчиларнинг иш ҳаққидан ичимлик сув учун ўтказилган тўловлар рўйхатини электрон тарзда тақдим қилиш имкониятларини беради. Бу жараён ҳам жуда катта қулайликларни туғдирганлиги, мамлакатимизнинг амалиётида яққол кўзга ташланиб турибди.

Мазкур масала бўйича тўртинчи йўналиш **Watercontrol mobil** сув таъминоти корхоналари назоратчи инспекторлари учун махсус мобил илова.

Ушбу мобил илова ёрдамида сув оқава корхоналари назоратчи инспекторлари ишларини осонлаштириш мақсадида қилинган бўлиб қуйидаги қулайликлар яратилди.

- инспектор ўз ҳудудидаги истеъмолчини қарздорлигини кўра олиши;

- тўловларини кўра олиш;

- хатлов маълумотларини кўра олиш;

- хатлов маълумотларини жўнатиш;

- сув ўлчагич кўрсаткичларини биллинг тизимига онлайн тарзда жўнатиш имкониятлари.

Сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид барча **зарур ахборотни электрон форматга ўтказиш**, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона **геоахборот тизимини жорий** қилиш мақсадида, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида Геоахборот тизимини тўлиқ жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Сирдарё вилоятидаги **“Бешбулоқ”** сув олиш иншоотидан **“Шимолий”** сув иншоотигача бўлган **9 та** ахоли пунктларига расходомерларни ўрнатиш, 2020 йил якунига қадар SCADA тизимини тўлиқ ишга тушириш ҳамда ушбу тизимни Сирдарё вилоятида тўлиқ тадбиқ этиш бўйича Жаҳон банки ва Швейцария Конфедерацияси билан келишилиб ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Жанубий Корея Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея сув ресурслари корпорацияси (K-Water) грант маблағлари ҳисобига “Тошкент шаҳри Миробод туманида эскирган сув қувурлари тизимини реабилитация қилиш бўйича бош режани ишлаб чиқиш” лойиҳаси ишлаб чиқилган ва жорий йилнинг июнь ойида ишлар бошланиб 2021 йил ишга туширилади.

Сув йўқотишларни аниқлаш мақсадида, Исроилнинг “MAYA” компанияси билан сунъий йўлдош орқали сув йўқотишларни аниқлаш бўйича ишлар олиб борилди. Натижада, Тошкент шаҳрида ер остидаги сув қувурларида 400 та носозликлар аниқланиб, 300 таси бартараф этилди.

Хулоса қилиб айтганда, сув таъминоти тизимида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ишларнинг амалиётга жорий қилиниши мазкур соҳага ҳам рақамли иқтисодиётнинг кириб келганлигидан далолат беради. Бу ҳолат нафақат одамлар турмуш тарзини,балки тафаккурини ҳам ўзгартириш имкони беради.

5.5. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни такомиллаштириш масалалари

Мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифати бевосита таза ичимлик сувига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари ҳам қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074 –сон "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ-5883 – сон "Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 804 – сон "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимидаги бошқарувни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорлари қабул қилинди. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур масала бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига чиқарилмоқда. Шу туфайли ушбу соҳани тадқиқ қилиш ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, уларнинг таърифларини маҳаллий шароитдан келиб чиқиб такомиллаштириш масаласини тадқиқ қилишни мақсад қилиб олдик.

Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши бежиз эмас албатта. Буларни инобатга олиб, сувдан фойдаланиш, шу жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Охирги йилларда мамлакатимизда ушбу йўналишда анча ишлар қилинди. Хусусан, сувдан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳам кўрилди.

Кўрилаётган чора-тадбирларнинг бир йўналиши сув таъминотини яхши йўлга қўйиш ва сув чиқариш соҳасига хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилиши билан боғлиқдир. Шу йўл билан сувдан фойдаланишни самарали тартибга солишни

таъминлаш учун сув ресурсларини бошқариш бўйича янги тузилмалар ҳам яратилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирги пайтда глобал иқлим ўзгариши туфайли республикамизда қуруқ фаслларнинг давомийлиги ошиб бормоқда, тоғларда қор заҳиралари майдони камаймоқда, камсувликнинг такрорланиши барча ҳудудларимизда тобора кўпаймоқда, бу эса ўз навбатида сув танқислиги келиб чиқиш хавфининг ошишига олиб келади. Аммо иккинчи томондан, йилдан-йилга сон жиҳатидан ўсиб бораётган аҳолини сувсиз қолдириб ҳам бўлмайди.

Ана шундай шароитда мамлакатимизда сув балансини бошқаришда ваколатли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш зарур даражада олиб борилмаяпти. Натижада, сув ресурслари сифати ва хавфсизлиги мониторингини амалга оширишнинг самарали тизими ҳам талаб даражасида яратилмаган. Ушбу ҳолат бевосита аҳоли саломатлигига ва шу орқали яшаш даражаси ва сифатига салбий таъсир қилиши мумкин.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг хавфсиз ва сифатли сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, сув балансини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларини ўз вақтида бажаришга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сув таъминоти ташкилотларининг молиявий ҳолатини қатъий назорат қилиш, уларнинг молиявий оқимлари устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш, кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча маблағларни ундириш чораларини кўриш ва маблағлар етмаган ҳолларда, асосий қарз ва фоиз тўловларининг қопланмаган қисмини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштириш топшириғи берилган.

Бундан ташқари, Республика аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари бўйича жалб қилинган хорижий молия институтлари ва ташкилотлари займ ва кредитларга ўз вақтида хиз-

мат кўрсатилиши таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 997-Ф-сонли фармойиши қабул қилинган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Фармойишнинг 2-бандида, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий сув таъминоти корхоналари билан биргаликда бир қанча вазифалар белгиланган.

Биринчидан, сув таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, жалб қилинган хорижий молия институтлари ва ташкилотларининг займ ва кредит маблағларининг асосий қарзларини ва фоизларини қайтарилиш улуши бўйича ҳисоб-китобларни тайёрлаш лозимлиги таъкидланган.

Иккинчидан, сув таъминоти корхоналарининг молиявий фаолиятидан келиб чиқиб, жалб қилинган хорижий молия институтлари ва ташкилотларининг займ ва кредит маблағларининг асосий қарзларини ва фоизларини қайтариш бўйича бюджет улуши ва корхоналар улуши тўғрисида бюджет сўровномаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Рақобат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига тақдим қилиш топшириғи берилди.

Мамлакатимиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳалар бўйича хорижий молия институтлари ва ташкилотларидан жалб қилинган займ ва кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши таҳлиллари ҳам амалга оширилди. Таҳлил натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди.

Биринчидан, 2019 йил 1 ноябрь ҳолатига Республика сув таъминоти корхоналарини ривожлантириш лойиҳалари бўйича хорижий молия институтлари ва ташкилотларидан жалб қилинган займ ва кредит маблағлари бўйича қуйидаги ҳолат юз берган. Хусусан, муддати ўтган кредитор қарздорлик миқдори жами **55,2 млрд. сўмни** ташкил этган. 2020 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида сув таъминоти корхоналари томонидан **2162,9 минг АҚШ долл.** миқдоридаги тўловларнинг амалга оширилишини кутилмоқда.

Иккинчидан, сув таъминоти корхоналари фаолиятининг аналитик таҳлиллари қуйидаги омиллар таъсирида корхоналар даромадларнинг пасайиб кетганлиги ҳамда кредитор қарздорликларининг кескин ошиб кетаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, истеъмолчиларнинг тўлиқ хатловдан (инвентаризациядан) ўтказилмаганлиги

ҳамда “Биллинг” дастурлари асосида **ишончли абонентлар базасининг тўлақонли шакллантирилмаганлиги** сабабли, сув таъминоти корхоналари томонидан марказлашган ичимлик сув таъминоти билан қамраб олинган аҳолининг атиги 67 % қисми абонентлар базасига киритилган.

Шунингдек, сув ишлаб чиқариш иншоотларида ўрнатилиши талаб этиладиган **7406 та** сув ўлчов приборларидан атиги 578 та мавжудлиги сабабли, бугунги кунда республика бўйича жами ишлаб чиқарилган ичимлик суви хажмлари аниқ ҳисобининг имконияти йўқлиги. Булардан ташқари сув иншоотларида истеъмол қилинган электр энергияси ўлчов приборларининг талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳамда ўрнатилиши талаб этиладиган **7393 та** приборлардан, **4424 таси** мавжудлиги сабабли, айрим сув ишлаб чиқариш иншоотларида ҳақиқатда сарф қилинган электр энергиясидан бир неча бараварга ортиқ ҳажмларнинг сув таъминоти корхоналари зиммасига сунъий равишда юклатилиши кўзда тутилган. Истеъмолчиларга ҳақиқатда кўрсатилаётган хизматлар ҳажмлари тасдиқланган техник иқтисодий асослари кўрсатгичларидан сезиларли даражада пастлигича сақланиб қолмоқда.

Шу билан бирга, ушбу кўрсатилган асосий омиллар, сув таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштириш, соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш, соҳанинг маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар учун жозибадорлигини оширишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ушбу омилларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб, салбий таъсирларни бартараф қилиш лозим бўлади.

Мазкур заруатлардан келиб чиқиб, бугунги кунда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, қисқа муддатда ҳудудий сув таъминоти корхоналари билан биргаликда халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг кредит маблағлари бўйича **55,2 млрд. сўмлик** муддати ўтган кредиторлик қарзлари ҳамда ноябрь-декабрь ойларида кутилаётган **2162,9 минг АҚШ долл.** миқдоридаги тўловларнинг тўланиши бўйича барча зарурий чораларни кўриш ҳамда тўловларни корхона маблағлари, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан қоплаш лозим.

Иккинчидан, ҳудудий Молия ва Рақобат бошқармалари билан биргаликда сув таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, жалб қилинган хорижий молия институтлари ва ташкилотлар займ ва кредит маблағларининг асосий қарзлари ва фоизларини қайтариш бўйича бюджет ва корхоналар улуши тўғрисида ҳисобкитобларни тайёрлаш ҳамда келишиш учун белгиланган тартибда амалга ошириш чораларини кўриш лозим.

Учинчидан, кредит маблағларининг қайтарилишини ўз вақтида таъминлаш ва келгусида кредитор қарздорликларга йўл қўйилмаслик бўйича барча зарурий чораларни кўриши керак. Акс ҳолда кредитор қарздорликка йўл қўйиш бугунги кунда давлатга ҳам корхонага ҳам фойда қилмайди.

Тўртинчидан, кредит маблағлари ҳисобига қурилган барча объектларни тўлиқ қайта хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг ҳолати ва абонентлари юзасидан маълумотлар базаси юритилишини таъминлаш, шунингдек, қўшимча қурилган объектлар бўйича қўшимча қамраб олинган абонентларни инобатга олган ҳолда даромадларнинг тўлиқ ҳисобланиши ва тушумини ташкил қилишни ҳам йўлга қўйиш лозим.

Энди ушбу вазиятда ичимлик ва оқова сув тарифлари ўзгариши қайси йўналишда амалга оширилиши хусусида ҳам айрим фикрларни таъкидлаш жоиз. Бу тартибни Самарқанд шаҳрида ичимлик ва оқова сув тарифлари ўзгаришида таҳлил қилиш мумкин. Хусусан, “Самарқанд сув таъминоти" МЧЖ ичимлик сувидан қарийб 2 миллиард сўм соф фойда олган, оқова хизматларидан 26 миллиард сўмдан кўпроқ зарар кўрган. Ушбу ҳолатда албатта маблағлар танқислиги юзага келади ва бунинг оқибатида корхонанинг модернизация қилиш ишларига маблағ ажратиш қийинлашади. Ҳақиқатда охирги йилларда ушбу мақсадлар учун бир сўм ҳам сарфланмаган. Шу боис ичимлик суви нархини оширишдан бошқа имконият қолмайди.

“Самарқанд сув таъминоти" МЧЖнинг “2021-2023 йилларга мўлжалланган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини комплекс ривожлантириш дастури”га киритилаётган лойиҳалар ҳамда ичимлик суви ва канализация хизматлари тарифларини ўзгартириш масаласи қараб чиқилди. Агар аҳволга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда вилоятимизда 1 метр куб ичимлик сувига Самарқанд шаҳрида истеъмолчи аҳолидан 980 сўм, улгуржи

истеъмолчилардан 2000 сўм, бошқа шаҳар ва туманларда истеъмолчи аҳолидан 680 сўм, улгуржи истеъмолчилардан 1200 сўм тўлов ундириладиган бўлди. Бундан ташқари, 1 метр куб канализацияга истеъмолчи аҳоли учун 550 сўм ва юридик истеъмолчилар учун 950 сўм тарифлар қўлланилади. Бундай табақаланиш албатта, сув истеъмолида аҳолининг манфаатини корхонанинг манфаатига нисбатан устунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан боғлиқ бўлмоқда.

Мазкур тарифларни қўллаш вилоятда анча самарали бўлди. Хусусан, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида ичимлик суви бўйича фақат Самарқанд шаҳрида 30 миллиард 613 миллион сўм даромад олинган. Унинг 28 миллиард 689 миллион сўми харажатларга сарфланиб, 1 миллиард 924 миллион сўм соф фойда олинган. Худди шундай, кўрсатилган оқова хизматлари бўйича ҳам 7 миллиард 69 миллион сўм даромад олиниб, 33 миллиард 386 миллион сўм харажат ҳисобланган. Оқибатда биринчи ярим йиллик 26 миллиард 317 миллион сўм зарар билан якунланган. Ушбу соҳа бўйича рентабеллик даражаси -500,3 фоизни ташкил қилган. Албатта бундай ҳолат соҳанинг ривожланиши ва такомиллашувига салбий таъсир қилади.

Қайд этиш жоизки, амалга оширилган харажатлар асосан иш ҳақи, электр энергияси, солиқ тўловлари, хорижий кредитлар учун йўналтирилган. Соҳани модернизация қилиш, ҳатто жорий ва капитал таъмирлаш ишларига жуда кам миқдорда маблағ ажратилган. Ушбу маблағ таркибида корхонани модернизация қилиш ишларига умуман маблағ қолмаган. Ушбу ҳолат билан соҳани ўнглаб бўлмайди.

Яна бир муҳим жиҳат, амалдаги тарифлар орқали олинаётган даромадлар корхонанинг кундалик мажбурий тўловлари учун ҳам етишмаётган экан. Соҳага ишлатилаётган жуда кўп жиҳозлар алмаштирилишига муҳтож ҳолатга келиб қолган. Уларнинг аксарият қисми эскирган. Уларни, яъни сув билан боғлиқ тармоқлар ва иншоотларни янгилаш, насосларни энергияни тежовчиларига алмаштириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш имкониятлари етарли даражада бўлмаябди.

Булардан келиб чиқиб, корхона даромадини ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида тарифлар, яъни нархни ўзгартириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Демак,

бугунги кунда ичимлик суви бўйича таъриф сақланиб қолиши мумкин. Аммо оқава суви хизматлари (канализация)нинг таърифларини оширишни тақозо қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини ошириш учун одатий бўлиб туюлган жуда кўп хизматларни чуқур ўрганиб, уларнинг самарадорлигини таъминлаб туришдек, вазифаларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Масалага бир томонлама қараб бўлмайди. Ҳар бир ишда (хизматда) давлатнинг ҳам, корхонанинг ҳам, аҳолининг ҳам манфаатдорлиги таъминланиб боришига эришиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори// Халқ сўзи, 2017 йил 22 апрель.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 15 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Халқ сўзи, 2018 йил 20 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги “ПҚ-4022-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига 1 ва 2-иловалар //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2017 й., 09/17/930/0301-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь. – 1-3 бетлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, газетаси 2020 йил 30 декабрь. – 1-4 бетлар.

11. Абдувалиев А.А. Рақамли иқтисодиёт: тенденциялар ва истиқболлар. Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 190 бет.

12. Абдурахманов К.Х. Анализ современных инновационных подходов к управлению человеческим развитием. Научно-аналитический журнал «Наука и практика» Российского экономического университета имени Г. В. Плеханова. Т. 10, № 29, 2018 г.

13. Гулямов С.С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт. – Т.: 2020. – 367 бет.

14. Жумаев Н.Х. Рақамли иқтисодиёт нега керак ва у нима беради? 12.03.2020 10:52ю.3ю2Лю .. https://uza.uz/oz/search/?q=%D0%B6%D1%83%D0%BC%D0%B0&цруку=?ефпы=?рщц=к?ЗФПУТ_1=10Модель электронного образования Южной Кореи .. реезЖ .. цццюзкуыыкуфвюсщь .Гяиулшыефт.шыа-туц.20171010

15. Маҳкамова М. Рақамлаштириш нафақат одамлар турмуш тарзи, балки тафаккурини ҳам ўзгартиради. // “Халқ сўзи” газетаси. 232-сон. 2020 йил 4 ноябрь. – 4 бет.

16. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 588 бет.

17. Пардаев О.М., Мамаюнусова М.О. Макроиқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни ва унга рақамли иқтисодиётни киритиш масалалари. “Сервис” илмий-амалий журнал. 2020. 1-сон. – 37-41 бетлар.

18. Parsaev G.M., Safarov B.Sh., Usmanova D.Q. Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. – T.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 372 бет.

19. Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари. Тўплам /Масъул муҳаррир М.А. Раҳматуллаев. - Т.: ООО «E-LINE PRESS», 2017. - 126 б.

20. Deep Learning Market by Application (Image Recognition, Signal Recognition, Data Mining), Offering (Hardware (Von Neumann and Neuromorphic Chip), and Software), End-User Industry, and Geography - Global Forecasts to 2022 (2016) / Markets and

Markets. http://www.marketsandmarkets.com/Market-Reports/deep-learning-market-107369271.html.

21. Vamsi Krishna T. V. E-Learning: Technological Development in Teaching for school kids // International Journal of Computer Science and Information Technologies. — 2014. — P. 6124—6126.

22. Word Bank. World Development Report 2016: Digital Dividends / Word Bank Group, 2016.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ……..	3
I боб.	**Рақамли иқтисодиётнинг назарий масаллари, уни ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва асосий йўналишлари (*М.Пардаев*).....**	5
1.1.	Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг объектив зарурлиги.....	5
1.2.	Рақамли иқтисодиётнинг мазмуни, мақсади ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари…….	9
1.3.	Рақамли иқтисодиётнинг яширин иқтисодиётни бартараф қилишдаги роли ва аҳамияти.....	19
1.4.	Рақамли иқтисодиётнинг айрим йўналишларини таҳлил қилиш муаммолари.....	24
1.5.	Рақамли иқтисодиётнинг валютани тартибга солишдаги имкониятлари…….	30
1.6.	Рақамли иқтисодиёти шароитида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари…….	35
II боб	**Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнида мамлакатлар рақобатбардошлигини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари (*М.Маҳкамова*).....**	44
2.1.	Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви – объектив зарурият эканлиги ва унинг асосий тавсифи……..	44
2.2.	Инновациялар – иқтисодиётнинг глобаллашган шароитида рақобат курашининг ҳаракатлантирувчи омили……..	51
2.3.	Рақамли иқтисодиёт – мамлакат рақобатбардошлигини оширишувчи, аҳоли турмуш даражаси, сифати ва тафаккурини ўзгартирувчи омил…….	70
III боб.	**Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни амалга оширишнинг асосий йўналишлари, омиллари ва хорижий тажрибалар (*Қ.Абдурахманов*).....**	80
3.1.	Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилишнинг асосий йўналишлари…….	80
3.2.	Рақамли иқтисодиёт – мамлакат иқтисодиётининг келажагини белгиловчи омил……...	83

3.3. Рақамли технологиялар асосида мамлакат тараққиётни таъминлаш масалалари…… 91
3.4. Рақамли иқтисодиёт бўйича Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари…….. 94

IV боб. Таълим хизматлари самарадорлиги ва сифатини оширишда рақамли таълим билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий механизмларинини такомиллаштириш йўллари (*С. Бабаназарова*)..... 103
4.1. Таълим хизматлари самарадорлигини оширишда рақамли таълимдан фойдаланиш имкониятлари…… 103
4.2. Инсон капиталини шакллантиришда рақамли таълим хизматларини такомиллаштириш ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш йўллари..... 114
4.3. Рақамли таълимни шакллантиришнинг объектив зарурлиги ва уни жорий қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари..... 125

V боб. Коммунал хизматларни такомиллаштиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни ва роли (*О. Пардаев*)..... 137
5.1. Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида коммунал хизматларни ривожлантириш масалалари 137
5.2. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида юқори технологик хизматларни кўрсатишда иштирок этадиган меҳнатнинг характери..... 144
5.3. Коммунал соҳани рақамлаштириш юқори технологик хизматларни ташкил этишдан бошланади..... 148
5.4. Сув таъминоти тизимида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш орқали рақамли иқтисодиётни жорий қилиш йўналилари..... 152
5.5. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни такомиллаштириш масалалари..... 158
Фойдаланилган адабиётлар…….. 165

ҚАЙДЛАР УЧУН

М.Қ.ПАРДАЕВ, Қ.Х.АБДУРАХМАНОВ, М.А.МАҲКАМОВА,
О.М.ПАРДАЕВ, С.А.БАБАНАЗАРОВА

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2021

Муҳаррир: Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru. Тел: 97-450-11-14, 93-381-22-07.
Босишга рухсат этилди 26.04.2021.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Timez Uz» гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 10,5. Нашриёт босма табоғи 10,75.
Тиражи 200. Буюртма № 59.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22-б уй.